

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Fil.113.02  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК 811.512.133'373:091**

**АЛЛАМБЕРГЕНОВА МУҚҚАДАС РУСЛАНОВНА**

**ҚАДИМГИ ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАР ЛУҒАВИЙ ТАРКИБИНИНГ  
ТАРИХИЙ-ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ (ЎРХУН-ЭНАСОЙ ОБИДАЛАРИ  
МИСОЛИДА)**

10.00.01 – Ўзбек тили

**филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
илмий даражасини олиш учун ёзилган  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:  
филология фанлари номзоди,  
доцент Ф.Қ.БОБОЖОНОВ**

**ЖИЗЗАХ-2022**

## МУНДАРИЖА:

<b>КИРИШ</b> .....	<b>3</b>
<b>I.БОБ.ЎРХУН-ЭНАСОЙ ОБИДАЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ</b> .....	<b>14</b>
1.1-§. Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликларининг Собиқ Иттифоқда, Россия ва Европада ўрганилиши.....	14
1.2-§. Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари туркий тилли халқлар тилшунослари талқинида.....	33
Биринчи боб юзасидан хулосалар.....	50
<b>II БОБ.ЎРХУН-ЭНАСОЙ ОБИДАЛАРИ ЛУҒАВИЙ ҚАТЛАМИ</b> .....	<b>52</b>
2.1-§. Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликларида қўлланилган ономастик бирликлар.....	52
2.2-§. Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари луғавий қатлами мавзуй гуруҳлари.....	82
Иккинчи боб юзасидан хулосалар.....	104
<b>III БОБ. ЎРХУН-ЭНАСОЙ ОБИДАЛАРИНИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ЎРГАНИШ</b> .....	<b>108</b>
3.1-§. Vitig.uz сайти мақсади ва вазифалари, сайт таркиби.....	108
3.2-§. Ўрхун-Энасой обидаларини мобил тадқиқ қилиш .....	123
Учинчи боб юзасидан хулосалар.....	135
<b>УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР</b> .....	<b>137</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР</b> .....	<b>141</b>
<b>ИЛОВАЛАР</b> .....	<b>151</b>

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (Phd) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё тилшунослигида тарихий манбалар устида қилинаётган тадқиқотларнинг кўпчилиги лексик қатламга таянган ҳолда иш олиб боради. Аксар ҳолларда луғавий бирликлар аниқланиб, ундан кейингина тилнинг диалектик хусусиятлари, этник шаклланиши ўрганилади. Мазкур бирликларнинг функционал-семантик хусусиятларига, матннинг лингвоэстетик жиҳатларига оид талқинлар шуни кўрсатадики, Ўрхун-Энасой обидалари қадимги туркий қабилаларнинг лисоний манзарасини намоён қилади ва бу жиҳатдан мазкур ёдгорлик тадқиқотга асосий манба экани билан аҳамиятлидир.

Жаҳон тилшунослигида қадимги туркий тилга оид ёзма ёдгорликларни ўрганиш туркологияни алоҳида фан сифатида шакллантирди. Ёзма ёдгорликларнинг луғавий таркибини тадқиқ этиш, қиёслаш, уларнинг турли маъноларини таҳлил қилиш, изоҳлаш, тилимизнинг луғат таркибини бойитиб бориш билан бирга, туркология соҳасидаги билимларни ҳам янгилайди. Луғавий қатлам ёдгорликлар ёзилган давр халқининг, бошқа халқлар билан сиёсий-маданий алоқаларини, туркий халқларнинг этник шаклланишини ва кўплаб бошқа жараёнларни тадқиқ қилишда ҳам асосий манбадир. Санаб ўтилган масалаларни изчил равишда тадқиқ қилиш жаҳон тилшунослиги олдида турган долзарб масалалар ҳисобланади. Марказий Осиёда туркология соҳасида қадимги ёзма манбалар тилининг лексик-семантик миқёсини ўрганишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ёдгорликларни тўплаш, уларнинг географик ўринларини белгилаш, топилган маълумотларни илмий жамоатчиликка тақдим қилиш, туркий халқларнинг миллий ўзига хослигини аниқлаш масалалари тадқиқот ишининг аҳамиятини белгилайди.

Ўзбек тилшунослигида қадимги туркий тил лексик қатламини мавзувий-семантик жиҳатдан таснифлаб ўрганиш ишлари ханузгача алоҳида монографик тадқиқот объекти бўлмаганлиги тадқиқот мавзусининг

долзарблигини белгилайди. Шу сабабдан, тилшунослик соҳасида мазкур йўналишдаги тадқиқотларни янада кенгайтириш, ўзбек тили тарихига оид ёзма ёдгорликларни назарий жиҳатдан ўрганишга қаратилган умумназарий тадқиқотлар олиб бориш, ёдгорликларнинг луғавий қатламига тегишли маълумотларни электрон шаклда тадқиқот тизимида ўрганиш масалалари ушбу тадқиқот мавзусининг долзарблигини ҳамда заруратини асослайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрь ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5763-сон «Олий ва ўрта махсус тадқиқот соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли «Олий тадқиқот тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг Туркий кенгашга аъзо бўлиши ва ушбу фаолият билан боғлиқ бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши талабларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ёзма ёдгорликлар ҳақида энг дастлабки маълумотлар тарихчи ва давлат арбоби Аловуддин Ота-Малик

Муҳаммад Жувайнийнинг «Тарихи жаҳонкушой» (1260) асарида учрайди. У саёҳати давомини, кузатувларини, Шарқий Осиё давлатларини тасвирлайди. Жувайний илмий жиҳатдан асослаб кўрсатмаса-да, ёдгорликларнинг мавжудлиги ҳақида биринчилардан бўлиб хабар берган. Жаҳон цивилизациясида битиктошларни ўрганиш анча илгари бошланган. 1721 йили Д.Мессершмидт бошчилигидаги тадқиқотлар натижасига кўра жаҳон илмий жамоатчилигида «Жумбоқли ёзув» (рун ёзуви) деган ибора пайдо бўлади<sup>1</sup>. Сибирда сургунда бўлган швед офицери Ф.Т.Табберт-Страленберг 1730 йилда Ўрхун-Энасой ёзувларининг бир нечтасини топиб, ҳали тарихда номаълум бўлган ва ҳали ҳеч кимга тушунарли бўлмаган бу ёзувни «рун» (сирли, тилсимли) деб номлаган эди<sup>2</sup>. Мессершмидтдан сўнг Г.И.Спасский<sup>3</sup> Олтойда (1818 й), Г.Н.Потанин Тувадан (1879й) рун ёзувларини топадилар<sup>4</sup>. Европада Француз туркологлари О.Доннер туркий рун алифбосининг келиб чиқиши ҳақида илк бор сўз юритган эди. О.Доннер Ўрхун алифбоси билан, Энасой алифбоси ўртасидаги ташқи ўхшашликлар ҳақидаги ўз қарашларини илгари суради. Шундан сўнг ёдгорликларни ўрганиш ишлари жиддий бошлаб юборилади. Битиктошлар топилган географик ўринлар ҳақида Г.И.Спасский, О.Доннер, А.В.Адрианов, Н.М.Ядринцев<sup>5</sup>, А.О.Хейкел, Д. А. Клеменц<sup>6</sup>, И.Т.Савенков, В.А.Ошурков, И.Г.Граней, Д.Мессершмидт<sup>7</sup>,

---

<sup>1</sup> Orschungsreise durch Sibirien 1720 – 1727. Tagebuchaufzeichnungen / Hrsg. von E.Winter, G.Uschmann, G.Jarosch. – Berlin, 1962 –1968. – Т. 1 – 4. – (Quellen und Studien zur Geschichte Osteuropas) –С. 67.

<sup>2</sup> Историческое и географическое описание полуночно-восточной части Европы и Азии. Выдержки из него о сибирских инородцах публиковались в «Сибирском вестнике» (1888, № 18 – 24.) –С. 17.

<sup>3</sup> Путешествие к алтайским калмыкам в 1806 г, -С. 22.

<sup>4</sup> Потанин Г. Н. Очерки Северо-Западной Монголии: результаты путешествия, исполн. в 1876-1877 гг. по поручению Императ. Рус. геогр. о-ва чл.- сотрудником Г. Н. Потаниным. Вып. 1-2. – Санкт-Петербург: Тип. В. Киршбаума, 1881. 455 стр

<sup>5</sup> Ядринцев Н. М. Древние памятники и письма в Сибири. – Санкт-Петербург, 1885, –С. 230.

<sup>6</sup> Клеменц Д. Археологический дневник поездки в среднюю Монголию в 1891 году. Сборник трудов Орхонской экспедиции. –Спб., 1895. 501 стр

<sup>7</sup> Список рукописей Мессершмидта, хранившихся в Академии наук, см.: Baer K.E. Peter's des Grossen Verdienste um die Erweiterung der geographischen Kenntnisse. – Spb., 1872. – С. 12–13.

Г.Н.Потанин<sup>8</sup> ишларида маълумотлар келтирилади. Бундан ташқари, обидалар хақида бирламчи маълумотлар А.Вамбери ишларида ҳам мавжуд.

Обидаларни илмий асосда ўрганиш В.Томсен<sup>9</sup>, В.В.Радлов<sup>10</sup>, П.М.Мелиоранцкий, А.Н.Самойлович<sup>11</sup>, С.Э.Малов<sup>12</sup>, И.А.Батманов<sup>13</sup>, (1959) Ж.Клоусон<sup>14</sup>, А.С.Аманжолов<sup>15</sup>, И.В.Кормушин<sup>16</sup>, З.Б.Арагачи, И.Л.Кизласов<sup>17</sup>, Л.Р.Кизласова<sup>18</sup>, Э.Р.Тенишев<sup>19</sup>, Х.Н.Оркун<sup>20</sup>, О.Ф.Серткая<sup>21</sup>, А.М.Щчербак илмий асарларида келтирилган. Ёзувни дастлаб В.Томсен ўқиди. У 1893 йил 15 декабрда Дания Фанлар академияси мажлисида Ўрхун дарёси бўйидан топилган ёдгорликларнинг сирини топанлигини маълум қилди ва бу ёдгорлик туркий халқлар тилида ёзилганлигини билдирди. 1894 йил 19 январидан В.В.Радлов Култегин шарафига қўйилган ёдгорликнинг таржимасини беради. В.В.Радлов «Die altturkischen Inschriften der Mongolei. Neue Folge»<sup>22</sup> асарида ёдгорликларга оид маълумотларга биринчилардан бўлиб тўлиқ тўхталиб ўтади. 1899 йили П.М.Мелиоранский «Памятник в

---

<sup>8</sup> Вторая (Монголо-Тувинская) экспедиция Потанина 1879 г. // История Бохары или Трансоксании с древнейших времен до настоящего. Перевод А. И. Павловского. Тома I – II. – Санкт-Петербург: 1873, 455 стр

<sup>9</sup> Записки восточного отделения, – СПб., 1894, Том VIII. Дешифровка орхонских и енисейских надписей. – С. 328.

<sup>10</sup> Die alttürkischen Inschriften der Mongolei: Neue Folge // Comissionaires de l'Académie impériale des sciences, 1897. – P. 217.

<sup>11</sup> Среднеазиатско-турецкие надписи на глиняном кувшине из Сарайчика. 1912. Т. 21, вып. 1. – С. 38–46; К вопросу о двенадцатилетнем животном цикле у тюркских народов // Восточные записки. – Л., 1927. Т. 1, –С. 147–162;

<sup>12</sup> Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности.Тексты и исследования. – М.-Л.: 1951. 451 стр.

<sup>13</sup> Батманов И.Л. Язык енисейских памятников древнетюркской письменности. – Фрунзе, 1959, -С. 36.

<sup>14</sup> Studies in Turkic and Mongolic Linguistics. Royal Asiatic Society of Great Britain and Ireland. Routledge (reprint, 2002). ISBN 0415297729, -С. 14.

<sup>15</sup> Аманжолов А.С. Тюркская руническая графика (методическая разработка). М: 1981, -С 88.

<sup>16</sup> Тюркские енисейские эпиграфы: грамматика, текстология. –М.: Наука, 2008, 342 стр. (26, 8 п.л.) // Категория каузатива в алтайских языках. Автореф... диссер.. на соискание ученой степени к-та филол... наук. – М.: 1968, -С. 21.

<sup>17</sup> Кызласов И. Л. Рунические письменности евразийских степей. Рос. акад. наук. Ин-т археологии. – М.: Восточная литература, 1994, –С. 327.

<sup>18</sup> История Хакасии с древнейших времен до 1917 / Под ред. Л. Р. Кызласова. – М.: Восточная литература, Наука, 1993. 528 стр.

<sup>19</sup> Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков / Отв. ред. Э. Р. Тенишев. – М.: Наука, 1984, 484 стр.

<sup>20</sup> Orkun H. N.. Eski turk yazitlari, I–IV, Istanbul, 1936–1941, -С. 186.

<sup>21</sup> Erhan Aydin. Osman fikri Sertkaya ve turk runic metinleri. Electronic journal of oriental studies. 2006. Vol. IX, No. 10. Academia. –P. 1-9.

<sup>22</sup> Die alttürkischen Inschriften der Mongolei: neue Folge: nebst einer Abhandlung von W. Barthold: Die historische Bedeutung der alttürkischen Inschriften St. Petersburg, Commissionaires de l'Académie imperiale des sciences 1895 – 1899. –С. 143. <https://www.worldcat.org/title/altturkischen-inschriften-der-mongolei/oclc/83920045>.

честь Кюль-Тигина» номли магистрлик диссертациясини ёзди<sup>23</sup>. Унда илм аҳли учун кўплаб янги лексемаларни кашф қилади.

Кейинчалик С.Е.Малов ўз илмий изланишларини амалга оширади. Унинг «Енисейская исследования Орхона-Енисейский памятников письменности», (1951), «Памятники древнетюркской письменности»<sup>24</sup> (1951), «Енисейская письменность тюрков»<sup>25</sup> (1952) сингари ишлари илмий аҳамиятга эга бўлди. Г.Айдаровнинг «Язык орхонских памятников древнетюркской письменности VIII века» ва «Лексика языка Енисейско-Орхонских и таласских памятников древнетюркской письменности»<sup>26</sup> номли диссертация иши туркология соҳасида янги қадам бўлди.

Д.Г.Мессершмидт илм аҳлига мазкур ёзувларни кашф қилди. Н.М.Ядринцев рун ёзувлари дешифровкаси учун шароит яратиб берди, В.Томсен ёзув белгилари ва тилини аниқлади, В.В.Радлов матн мазмунини тушунтириб берди, С.Е.Малов рунология соҳасида филологлар мактабига асос солди. Мазкур ёзувларни нашрга тайёрлаш ишлари XIX аср охирларида бошланган. В.Томсен, В.Радловнинг бу соҳадаги хизматларини алоҳида таъкидлаш даркор.

Ўзбек тилшунослигида эса қадимги ёзма ёдгорликларнинг луғавий таркиби юзасидан алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган. Амалга оширилган ишлар, асосан, турли тилларга қилинган таржима ишлари ва уларнинг нашрларидан иборат. Ўзбек тилшунослигида ёдгорликларни А.Фитрат, О.Шарафиддинов, Н.Маллаев<sup>27</sup>, А.Қаюмов<sup>28</sup>, А.Рустамов<sup>29</sup>,

---

<sup>23</sup> Мелиоранский П. М. Памятник в честь Кюль Тегина – Санкт-Петербург: Тип. Имп. Акад. наук, 1899, 145 стр.

<sup>24</sup> Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. –М.-Л.: 1951, 451 стр.

<sup>25</sup> Малов С.Е. Енисейская письменность тюрков. Москва – Ленинград. – 1952, -С. 67.

<sup>26</sup> Айдаров Г. Лексика языка енисейско-орхонских и таласских памятников древнетюркской письменности. 1971, 380 стр.; Айдаров Г., Курьшжанов Ө., Томанов М. Көне туркі жазба ескерткіштерінің тілі. Алматы: Мектеп, 1971, – Б. 12-14.

<sup>27</sup> <http://n.ziyouz.com/kutubxona/category/25-adabiyotshunoslik?download=170:natan-mallayev-o-zbek-adabiyoti-tarixi-1-kitob-eng-qadimgi-davrdan-xvii-asrgacha>, -Б. 17-28.

<sup>28</sup> Қаюмов А. Қадимият обидалари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, -Б.109.

<sup>29</sup> Абдурахмонов Ғ, Рустамов А. Қадимги туркий тил. –Тошкент: 1982,- Б. 71-165.

Ғ.Абдурахмонов<sup>30</sup>, Э.Умаров, Т.Салимов, Б.Тўхлиев, Қ.Содиқов, Н.Раҳмонов, Қ.Омонов, Б.Матбобоевлар ўрганишган. Битиклар қадимги туркий тилдан ҳозирги ўзбек тилига ҳам ўгирилган<sup>31</sup>. Бу жиҳатдан А.П.Қаюмов, Ғ.Абдурахмонов, А.Рустамовларнинг хизмати салмоқлидир. Н.Раҳмонов обидаларнинг тилини ўрганиш бўйича илмий ишлар қилиб, ўз асарларида туркий-рун ёзуви юзасидан кўплаб далиллар келтирган. Жумладан, унинг «Рухиятдаги нур муроди<sup>32</sup>», Б.Матбобоев билан ҳаммуаллифликда «Ўзбекистоннинг кўхна туркий-рун ёзувлари<sup>33</sup>», Қ.Содиқов билан ҳаммуаллифликда «Ўзбек тили тарихи<sup>34</sup>» сингари асарларида бевосита тошбитиклар хусусида тўхталлади. Шунингдек, Қ.Содиқовнинг «Уйғур ёзуви тарихи<sup>35</sup>», «Кўк турк битиклари: матн ва унинг тарихий талқини<sup>36</sup>», «Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши<sup>37</sup>» каби асарларида ҳам ёзма ёдгорликлар ҳақида батафсил тадқиқотлар олиб борилганини кўриш мумкин. Эргаш Умаровнинг Ўрхун алифбоси, Ўрхун ёдгорликлари тили хусусидаги изланишлари, «Тил ва адабиёт таълими» журналида мавзуга доир давомий мақолалари, «Ўрхун алифбоси қандай тузилган?<sup>38</sup>», «Ўрхун ёзуви<sup>39</sup>» сингари қўлланмаларининг яратилиши ҳам обидалар мавзуининг кенг қўлланмаларидан далолат беради.

Қадимги туркий тилнинг лексикаси «Олтун ёруғ» асари мисолида Н.Қиличов томонидан ўрганилган. Унинг «Қадимги туркий тилнинг

---

<sup>30</sup> Абдурахмонов Ғ, Рустамов А. Қадимги туркий тил. –Тошкент: 1982, -Б.71-165.

<sup>31</sup> Содиқов Қ. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. –Тошкент, 2006, -Б.76.

<sup>32</sup> Раҳмонов Н. Рухиятдаги нур муроди. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2002, -Б. 45.

<sup>33</sup> Раҳмонов Н., Матбобоев Б. Ўзбекистоннинг кўхна туркий-рун ёзувлари. – Тошкент: Фан, 2006, 66 бет.

<sup>34</sup> Rahmonov N., Sodiqov Q. O'zbek tili tarixi – Toshkent: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2009, 224 бет.

<sup>35</sup> Содиқов Қ., Уйғур ёзуви тарихи (Манбашунослик ва китобат тарихи масалалари), – Тошкент: 1997, -Б.37.

<sup>36</sup> Sodiqov Q. Ko'k turk bitig'lar: matn va uning tarixiy talqini. – Toshkent, 2004, -Б.21.

<sup>37</sup> Содиқов Қ. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2006. -Б. 181. <https://fayllar.org/eski-turkiy-adabiy-til-leksikasi--t-afakkur-b-o-sto-n-i.html?>

<sup>38</sup> Умаров Э. Ўрхун алифбоси қандай тузилган. –Тошкент, 2013. –Б. 19.

<sup>39</sup> Умаров Э. Ўрхун ёзуви. –Тошкент: Fan va ta'lim poligraf, 2013, -Б. 87.



лексикаси тараққиёт тамойиллари» («Олтун ёруғ» асари мисолида)<sup>40</sup> номли филология фанлари буйича фалсафа доктори (Phd) даражасини олиш учун ёзилган диссертациясида «Олтун ёруғ» лексик қатлами хусусида асосли илмий хулосалар берилган.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот мавзуси Қорақалпоқ давлат университетининг №2 «Туркий тиллар лексикасини тадқиқ қилишнинг устувор йўналишлари» (2018-2021) мавзусидаги илмий тадқиқот режасининг таркибий қисми сифатида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** қадимги ёзма ёдгорликлар, хусусан, Ўрхун-Энасой обидаларининг тарихи, матнлари луғавий қатламларининг ўзига хос хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари юқоридаги мақсаддан келиб чиқиб, қуйидагича белгиланди:**

қадимги туркий тилнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, обидалар таркибини аниқлаш ва бугунги туркий тиллар билан қиёслаш;

луғавий бирликларни мавзувий гуруҳлаштириш, номлар ва атамаларга тегишли жиҳатларни белгилаш;

истеъмолдан чиқиб кетаётган туркий сўзларни қайта тиклаш бўйича тавсиялар бериш;

тадқиқот ишидан олинган натижаларни илмий жамоатчиликка тақдим қилиш учун [bitig.uz](http://bitig.uz) сайтини ишлаб чиқиш ҳамда унга қадимги туркий тилнинг луғавий қатламига тегишли бўлган сўзларни жойлаш, обидаларнинг жойлашиш ўрни ҳақида маълумотлар бериб бориш, ёдгорликларда акс этган белгиларнинг маъноларини кўрсатиш.

---

<sup>40</sup> Қиличов Н. Қадимги туркий тилнинг лексикаси тараққиёт тамойиллари («Олтун ёруғ» асари мисолида. Филол... фанлари бўйича фал. д-ри (Phd) дисс... –Урганч, 2020. 52 бет.

**Тадқиқот объекти** Ўрхун-Энасой тошбитиклари. Шунингдек, ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигида кейинги йилларда шу соҳада оид қилинган нашрлар ва А.Рустамов, Ғ.Абдурахмоновларнинг «Қадимги туркий тил»<sup>41</sup> дарслигидаги табдил матнлар асосий объект сифатида олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни қадимги ёзма ёдгорликларнинг луғавий таркиби, қадимги туркий тил лексикасидаги ўзгаришлар, бу ўзгаришларнинг сабаблари, битиклар лексик қатламига мансуб сўзларнинг лингвистик хусусиятларини очиқ бериш ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифий, қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, анализ ва синтез ҳамда тарихий-этимологик таҳлил усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

жаҳон туркологлари, Марказий Осиё туркийшуносларининг Ўрхун-Энасой обидалари тўғрисидаги маълумотларига таяниб турк-рун ёзувидаги ёдгорликлар географик жиҳатдан бир неча ареалга ажратилиб, улар ўртасидаги ареаллараро график, фонетик, лексик ва грамматик хусусийликлари аниқланган;

битиклардаги антропоним, зооним, топонимлар, диний қарашларни ифодаловчи сўзлар, табиат ҳодисаларини ифодаловчи ономастик бирликлар, инсон тана аъзолари, маънавий қадриятлар, ижтимоий соҳани ифодаловчи, қариндошлик тушунчасини билдирувчи луғавий қатламга хос бирликларнинг туркий тилларнинг тадрижий ривожига аҳамияти белгиланган;

Ўрхун-Энасой обидалари матнларида аниқланган *Тонйуқуқ*, *Илтәрис*, *Билгә қаган*, *Боғу қаган* каби антропонимлар, *буқа*, *кәйик*, *табышқан*, *адғыр* сингари зоонимлар, *Табғач*, *Отукан*, *Көгмән*, *Шантунг* каби топонимлар семантикаси туркий халқлар яшаш тарзи, урф-одатлари, дунёқараши билан боғлиқ эканлиги далилланган;

---

<sup>41</sup> Абдурахмонов Ғ, Рустамов А. Қадимги туркий тил. –Тошкент: 1982, -Б.71-165.

ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳеч ўзгаришсиз айнан қўлланаётган *ер, олтин, кўз, бош, қиз, ака, келин, қор, бўғуз, қиш, тун, кун* каби сўзлар, фонетик ўзгаришлар билан етиб келган *қаган-хоқон, яғи-ёв, адақ-оёқ, аб-ов, суб-суб, амти-энди, бэн-мен* сингари сўзларнинг фонетик, лексик, семантик хусусиятлари тарихий-қиёсий аспектда аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

қадимги туркий тил луғавий таркиби бўйича амалга оширилган ишлар ва чиқарилган хулосалар лингвистик туркология, хусусан, туркий тиллар тарихи учун муҳим илмий-назарий маълумотлар беради;

диалектология, лексикология, лингвопоэтика, этнолингвистика каби соҳалар бўйича яратиладиган ўқув қўлланмалари, дарсликлар, илмий-услубий кўрсатмаларни такомиллаштиришда ёрдам беради, шунингдек, мазкур тадқиқотдан туркий тиллар лексикологиясини тадқиқ этишда, туркий тилларнинг изоҳли луғатини тузишда фойдаланилади;

ушбу тадқиқот этногенетик муаммоларни ёритишда, қадимги туркий тил ва эски ўзбек тили лексикасининг шаклланиш жараёнларини ўрганишда ишончли манбалардан бири бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Қўлланилган тадқиқот усуллари ва илмий-назарий маълумотларнинг расмий манбаларга алоқадорлиги, келтирилган таҳлил ва чиқарилган хулосалар тавсифий, баён қилиш, компонент таҳлил методларига асосланганлиги, олинган натижаларнинг тегишли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан далилланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар ўзбек тили тарихида, туркологияда умумтуркий сўзларнинг ривожланиш тамойилларини ўрганишда, қадимги туркий тилга оид лексемаларнинг тараққий қилиши ўзига хос йўллари ва қонуниятларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, Ўрхун-Энасой обидалари луғавий бирликларига оид умумлашма хулосалар ва материаллардан олий таълим муассаларида «Қадимги туркий тил», «Ўзбек тили тарихи», туркология, хусусан, «Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси» фанлари бўйича маърузалар ўқишда, турли босқичдаги таълим тизимида дарс машғулотларини олиб боришда, *bitig.uz* сайтидан қадимги туркий тилга оид маълумотларни жамлашда, мазкур соҳа билан шуғулланувчи тадқиқотчи олимларнинг илмий ишларини даврий ёритиб боришда, ўқув қўлланмалари, дарслик ва мажмуалар яратишда фойдаланилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қадимги ёзма ёдгорликлар луғавий таркибининг тарихий-қиёсий тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

жаҳон туркологлари, Марказий Осиё туркийшуносларининг Ўрхун-Энасой обидалари тўғрисидаги маълумотларига таяниб турк-рун ёзувидаги ёдгорликлар географик жиҳатдан бир неча ареалга ажратилиб, улар ўртасидаги ареаллараро график, фонетик, лексик ва грамматик хусусийликлари ҳақидаги хулосаларидан ФЗ-2016-0908165532 рақамли «Қорақалпоқ тилининг янги алфавити ва имло қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётини ривожлантириш методикаси» номи фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг 2021 йил 09 июлдаги 152-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг назарий қисмининг материаллар билан бойитилишига эришилган;

битиклардаги антропоним, зооним, топонимлар, диний қарашларни ифодаловчи сўзлар, табиат ҳодисаларини ифодаловчи ономастик бирликлар, инсон тана аъзолари, маънавий қадриятлар, ижтимоий соҳани ифодаловчи, қариндошлик тушунчасини билдирувчи луғавий қатламга хос бирликларнинг туркий тилларнинг тадрижий ривождаги аҳамияти ҳақидаги хулосалардан

ФА-А1-ГОО6 «Қорақалпоқ халқ кўшиқлари кўлөзма нусхаларини текстологик таҳлил қилиш ва нашрга тайёрлаш» номли амалий тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими, Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 07 июлдаги 156/1-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг амалий қисмининг материаллар билан бойитилишига эришилган;

Ўрхун-Энасой обидалари матнларида аниқланган *Тонйуқуқ, Илтәрис, Билгә қаган, Боғу қаган* каби антропонимлар, *буқа, кәйик, табышқан, адғыр* сингари зоонимлар, *Табғач, Отуқан, Көгмән, Шантунг* каби топонимлар семантикаси туркий халқлар яшаш тарзи, урф-одатлари, дунёқараши билан боғлиқ эканлиги тўғрисидаги натижаларидан Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти музейида маъруза шаклида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 05 июлдаги 284-сон маълумотномаси). Натижада музейга ташриф буюрувчиларда тил тарихи, Ўрхун-Энасой обидаларининг лексик қатлами тарихий-этимологик таснифи ҳақида тасаввурлар пайдо бўлган;

ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳеч ўзгаришсиз айнан қўлланаётган *ер, олтин, кўз, бош, қиз, ака, келин, қор, бўғуз, қиш, тун, кун* каби сўзлар, фонетик ўзгаришлар билан етиб келган *қаган- хоқон, яғи-ёв, адақ- оёқ, аб-ов, суб-суб, амти-энди, бан-мен* сингари сўзларнинг фонетик, лексик, семантик хусусиятлари тарихий-қиёсий аспектда аниқланганлиги ҳақидаги фикрлардан Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси томонидан мунтазам ташкил этиб келинадиган «Хабарлар», «Хайрли тонг» дастури ва 2021 йил 6 июлда «Ассалому алайкум, Қорақалпоғистон» тонгги кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2021 йил 1 июндаги 01.02/342-сон маълумотномаси). Натижада халқимизнинг туркий тиллар ҳақидаги тасаввурларини янада бойитишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот натижалари сифатида 29 та илмий ишлар эълон қилинди, шу жумладан, Ўзбекистон Олий аттестацияси комиссиясининг диссертациялар асосий-илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Тадқиқотнинг тузилиши.** Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, 140 саҳифадан иборат.

# I БОБ. ЎРХУН –ЭНАСОЙ ОБИДАЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

## 1.1-§. Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликларининг Собик Иттифоқда, Россия ва Европада ўрганилиши

Қадимги туркий тил қавмларининг ўзлари каби кўхна замонлардан буён мавжуддир. Европа олимларидан баъзилари қадимги туркий уруғларнинг пайдо бўлган даврини милoddан олдинги ўнинчи минг йилликка олиб бориб боғлайдилар. Демак, туркий оғзаки тил ҳам шу даврга бориб тақалади. Аммо бу дегани - илк ёзув ёдгорликлари пайдо бўлмасдан олдин ҳам қадимги туркий адабий тил мавжуд эди, деган қарашнинг тўғрилигини белгиламайди. Бундай тахминларнинг илмий асослари етарли эмас. Адабий тил фақат ёзма матнларда акс этади, ёзув пайдо бўлгунга қадар етиб келган воқеалар адабий тилнинг мезонларини асло белгилай олмайди.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луғати-турк» асарида туркий тилнинг мавқеи тўғрисида шундай дейилади: *«Ишончли бир бухоролик олимдан ва нишопурлик бошқа бир олимдан шундай эшитган эдим, улар бу сўзни пайгамбарга нисбат бериб айтган эдилар: пайгамбар қиёматнинг белгилари, охирзамон фитналари ва ўғуз туркларининг хуружи ҳақида гапирганда, шундай деган эди: «турк тилини ўрганинг, чунки уларнинг ҳукмронлиги узоқ давом этади»<sup>42</sup>* Туркий тилнинг Шарқдаги тиллар орасида қадимдан мавқеини белгиловчи бу далил, албатта, эътиборга лойиқ. Бинобарин, шарқдаги бошқа тилларга нисбатан туркий қавмларга ва уларнинг тилларига алоҳида диққат қаратилган. Бунинг боиси эса туркий тилнинг кенг ҳудудга тарқалгани эди. Шунинг учун ҳам бундай эътиборли тилда бадиий асарлар, йилномалар яратилмаслиги мумкин эмас. Қадимги туркий тилнинг ҳолати, тараққиёти тўғрисида асл манбалар кенг, ишончли ва тўлақонли маълумотларни беради. Қадимги туркий-рун ёзувидаги ёдгорликларни,

---

<sup>42</sup> М. Кошғарий. «Девони луғатит- турк». 1-жилд, Тошкент, Ўзбекистон ФА нашриёти, 1960, -Б. 43-44.

моний ва эски уйғур-турк ёзувидаги ёдгорликларни, Қорахонийлар сулоласи даврида яратилган ёзма ёдгорликларни асл манба сифатида кўрсатиш мумкин. Мазкур туркий ёзма ёдгорликлар худудий жиҳатдан ва мақсадига кўра турличадир. Шу ёдгорликларга таянган ҳолда, қадимги туркий адабий тил мураккаб жараёни босиб ўтганини эътиборга олиш лозим. Қадимги туркий адабий тилнинг тараққиётида халқ оғзаки ижоди тили ва таржима асарлари тили катта аҳамият касб этган. Туркий адабий тилнинг мазкур манбалари бу даврдаги тил хусусиятларининг хилма-хиллигини кўрсатади. Шу боис қадимги туркий адабий тил тушунчаси фақат туркий-рун ёзма ёдгорликлари тили билан чегараланиб қолмайди, балки қорахонийлар даври сўнггигача бўлган адабий тилни ҳам ўз ичига олади. Ёзма ёдгорликларда акс этган кўк тангри дини, будда ва монийлик динлари ўзаро уйғун ҳолатда шаклланган. Будда ва монийлик шеърлари тили Ўрхун ёдгорликларидан фарқ қилди, будда ва монийлик шеърлари орқали қадимги туркий адабий тил халқ оғзаки ижоди асарлари тилига яқинлашгани, “Олтин ёруғ” достони ўғуз, қорлуқ ва бошқа баъзи диалектларни ўзида мужассамлаштиргани, айти пайтда грамматик шакллардаги анъанавийлик билан бирга, эски ўзбек тилига оид қўшимчалар пайдо бўлгани фикримизни исботлайди<sup>43</sup>. (Хусусан, келишикларда). Қадимги туркий адабий тилнинг қадимийлиги, хусусан, миллоддан олдинги даврлардаги ҳолати тўғрисида ёзма манбаларда маълумотлар кам. Хитой йилномаларидагина баъзи маълумотлар берилган. Туркий тил ва ёзувнинг қадимийлиги тўғрисида Хитой манбаларида берилган маълумотларни туркий-рун ёдгорликларидаги маълумотлар тўлдирди. Ёзув ва тил тўғрисида сўз кетганда, маълум ёзув шаклининг кўплаб халқларга тез суръатда тарқалиши назарда тутилмайди. Умумхалқ тили яъни диалектлараро мулоқот воситаси ёзма шаклини олади. Мазкур тил бир ёки бир нечта диалектлар асосида шаклланганми ёки йўқми - бу унчалик

---

<sup>43</sup> Н.Киличов, «Қадимги туркий тил лексикаси тараққиёт тамойиллари» («Олтун ёруғ» асари мисолида) номли филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати . Урганч 2020. 52 бет.



аҳамиятли эмас. Қадимги туркий ёдгорликлар ўзгармаган, асл ҳолатини сақлагани ва барча туркий қабилалар учун ягона бўлгани учун, адабий тил хусусиятини ўзида гавдалантиради. Қадимги туркий адабий тилнинг фонетик тузилиши, грамматик қурилиши ва лексик таркиби айна шу ёдгорликларда мужассамлашган. Қадимги туркий-рун ёдгорликлари адабий тилни ўзида ифодалар экан, қадимги туркий тилдаги бу жараёнга нисбатан *койне* атамасини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Койне<sup>44</sup> -бир ёки бир неча диалект асосида келиб чиққан, мамлакат аҳолисининг турли гуруҳлари ўртасидаги диалектлараро мулоқот воситаси бўлиб хизмат қиладиган тилдир. Демак, қадимги туркий тилда *койне*-лексик қатлам, фонетик тизим, сўз ясалиши турлари, морфологик шакллар ва синтактик тузилишлардаги умумий жиҳатларни қамраб олади. Тилдаги бу ҳодисани маълум бир мамлакат ҳудудида амал қиладиган қонунлар мажмуига қиёслаш мумкин. Қонунлар, ақида ва фармонлар ўзгармагани ва ҳамма учун бир мезонга эга бўлгани сингари, *койне* ҳам ўзгармасдир. Агар койнеда ўзгариш юз берадиган бўлса, бу ташқи омиллар натижасида мажбуран қилинган бўлади. Койне ҳақида Н.Раҳмонов шундай дейди: «*Койне – маълум бир географик ҳудудда «адабий тил» вазифасини бажарган қабилла тилидир, яъни барча қабилалар учун битта қабиланинг тили алоқа-аралашув тили вазифасини бажаради. Бизнингча, Шимолий Мўғилистондан тортиб Венгриягача ёйилган қадимги туркий тилнинг учта диалектда сўзлашувчи қабилалари учун умумий диалект бўлган, худди Александр Македонскийнинг армиясида койне умумий диалект сифатида хизмат қилгани сингари. Бизнингча, қадимги туркий тилнинг шимолий диалекти койне вазифасини бажарган. Ҳозирча бу бизнинг тахминимиз. Келгусида фикрлар янада аниқлашувига шубҳа йўқ*»<sup>45</sup>.

Қадимги туркий тилнинг адабий тил сифатида шаклланганини қадимги туркий ёзма ёдгорликларнинг лексик қатлами кўрсатиб турибди. Қадимги

---

<sup>44</sup> юнонча койне диалектос сўздан бўлиб, «Умумхалқ тили» маъносини билдиради


<sup>45</sup> «Шарқ юлдузи» журнали, 2018 йил, 2-сон, 15-23 бетлар.

туркий ёдгорликларни илк бор тадқиқ этган В.В.Радлов ёзув хусусиятларига, фонетик ва морфологик хусусиятларга асосланган ҳолда, бу даврда учта диалект қадимги туркий адабий тилни шакллантирганини айтган эди. Бу диалектлар қуйидагилардир:

1) Қадимги шимолий диалект (Турк-сир диалекти, бу «Оқ турклар ёки ғарбий турклар» деган маънони билдириб, ҳозирги Ўрта Осиёда истиқомат қилган туркий қавмларни билдиради);

2) Қадимги жанубий диалект (уйғур тили);

3) Аралаш диалект (буни «аралаш тил» деб ҳам айтиш мумкин)<sup>46</sup>.



Қадимги туркий адабий тил Марказий Осиёнинг турли ҳудудларида амал қилиш жараёнида маҳаллий диалектларнинг таъсири остида ўзгаришга учрагани табиий ҳол. Шунинг учун ҳам айрим туркологлар (масалан, Амир Нажиб) турли ҳудудлардаги туркий тилларга нисбатан «адабий диалект» атамасини қўллаганлар. У ёки бу гуруҳдаги ёзма ёдгорликларга нисбатан «адабий диалект» тушунчаси «адабий тил» тушунчаси ўрнини босади<sup>47</sup>. Мазкур қараш фақат ўрта асрлардаги ёзма ёдгорликларга нисбатан эмас, балки қадимги турк давридаги ёдгорликларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, Ўрхун ёдгорликлари тили билан Энасой ёдгорликлари тили ўртасидаги, Ўрхун-Энасой ёдгорликлари билан турк-уйғур ёзма ёдгорликлари тили ўртасидаги фарқлар шундай фикрга ундайди. Бу фарқлар таҳлилида ёзув турлари ва хусусиятларини назарда тутиш лозим. Шубҳасиз, мазкур далиллар битта тил эмас, балки қадимги туркий тиллар бўлгани ва


<sup>46</sup> N.Rahmonov, Q.Sodiqov “O’zbek tili tarixi”. T.: «O’zbekiston Faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti» -2009, - Б.32.

<sup>47</sup> A.N.Najir “Исследования по истории тюркских языков XI-XIV вв”. - М.:Москва -1989, Б.3.

Марказий Осиёнинг катта ҳудудидан ғарбгача ёйилганини далиллашга хизмат қилади. Англашилаётганидек, қадимги туркий тил ўзига хос хусусиятларга эга. Ҳатто фонетик ва морфологик жиҳатдан туркий тилнинг биринчи ва иккинчи босқичлари ўзаро бир-бирдан ажралиб туради.

Қадимги туркий тил фонетик жиҳатдан қуйидаги ўзига хосликларга эга:

1. Сўз ўртаси ва сўз охирида жарангли-жарангсиз ва жарангсиз-жарангли ундошларни ёнма-ён қўллаш кўп учрайди;
2. Ўрхун-Энасой ёдномларида, асосан, 41 та белги бўлган. Улар бир-бирига боғланмасдан ўнгдан чапга қараб ёзилган ва шундай ўқилган;
3. Қадимги туркий тилда, шунингдек, Ўрхун-Энасой ёдгорликлари тилида оҳангдошликнинг (сингармонизмнинг) ҳам танглай, ҳам лаб уйғунлиги мавжуд бўлган;
4. Ўрхун-Энасой ёдгорликларида 8 та унли қўлланилган: тил олди э, ө, у, и товушлари ва тил орқа а, о, у, ы товушлари. Қадимги туркий тилнинг унли фонемалари муносабатидаги бундай миқдорий тенглик уларнинг системасини куб шаклида ифодалашга имкон беради. Кубнинг юқори қисмида тор унлилар, қуйи қисмида кенг унлилар, олд қисмида олд қатор унлилари, орқасида орқа қатор унлилари, ўнг томонида лабланган ва чап томонида лабланмаган унлилар берилди;



5. Мазкур алифбода унли товушларни ифодалаш учун тўрттагина белги бўлган, холос.

Шунга кўра гарчи ёзувда тўрттагина белги орқали унли товушлар ифодаланса-да, нутқ товуши сифатида, уларнинг сони кўпроқ бўлган, яъни юқорида қайд қилинганидек, қадимги туркий тилда 8 та унли товуш бўлиб, улар бир-биридан қатори, тор-кенглиги, лабланган-лабланмаганлигига кўра фарқланади.

Ўрхун ва Энасой битиклари жаҳон туркийшунослари эътибори қаратилган нодир ёдгорликлардандир. Улар асосан, тошга ўйиб битилган ёзувлар, идиш, танга каби буюмларда ва қоғозларга ёзилган битиклардан иборат бўлиб, бир қанча вақтлар олимлар учун ўқилиши жумбоқ бўлиб келган. Шунга кўра, у қадимги скандинав-герман тилларига оид рун, руний (Руна «сирли, яширин») номи билан ҳам юритилади. Битиктошлар VII-VIII асрларга тегишли бўлиб, турк хоқонлиги даврида руний ёзувда битилган. Улар график жиҳатдан бир-бирига анча яқин туради. Сўғдий ёзуви таъсирида пайдо бўлган қадимги туркий рун ёзуви Фарбий ва Шарқий турк хоқонлигида кенг тарқалган. Тошбитиклар туркий халқлар тарихида фавқулоддаги ёзма адабиёт эмас. Улар қадимги туркий халқлар оғзаки ижодининг мантиқан давоми, ўзидан аввалги адабиётнинг мазмуни, руҳи, ғоясини ривожлантирган янги шаклдир. Чунки тош битиклардаги архаик тасвирлар шундан далолат беради. Ёдномаларда баён қилиш усули ва бу усулнинг уч қатъий унсурлари-асарда бошланма, воқеа ривож, тугалланманинг мавжудлиги туркий, умуман, барча халқлар оғзаки ижодига хос архаик хусусиятлардир. Тош битиклар қадимги туркий халқлар оғзаки ижодининг давоми сифатида юзага келганлиги кўплаб жиҳатларда кўринади.

Турк-рун ёзуви илмий адабиётларда «Ўрхун ёзуви», «Ўрхун-Энасой ёзуви», «Энасой-Ўрхун ёзуви», «Сибир ёзуви» каби турли номлар билан атаб келинади. Бу ёзувнинг келиб чиқишини А.А.Шифнер, Ҳ.Вамбери каби баъзи олимлар туркий тамғаларга боғлайди. Аксар туркологлар турк-рун ёзувининг келиб чиқишини оромий ёзуви билан боғлайдилар. Бунда Ўрта Осиёдаги эроний халқлар қўллаган ҳамда асли оромий алифбоси асосида шаклланган

пахлавий, хоразм ва сўғд ёзувларининг туркий халқлар томонидан ўзлаштирилиши билан турк-рун ёзувининг вужудга келгани таъкидланади. Бироқ турк-рун ёзувининг шаклланган даври ва ўрни ҳақида ҳозиргача аниқ фикр айтилмаган. Мавжуд манбалар асосида А.Н.Кононов турк-рун ёзуви таракқиётининг уч босқичини ажратади<sup>48</sup>:

1. Архаик даври (Еттисув ёдгорликлари, VI-VII асрлар, Энасой ёдгорликлари, VI-IX асрлар);

2. Классик даври (иккинчи Турк хоқонлиги ёдгорликлари, VIII аср 1-ярми);

3. Сўнги давр (Уйғур хоқонлиги даври ёдгорликлари, VIII аср 2-ярми-IX аср, Шарқий Туркистон ёдгорликлари, IX аср).

Турк-рун ёзувидаги ёдгорликлар географик жиҳатдан бир неча ареалга ажратилади. Улар ўртасида оз бўлса-да, ареаллараро жузъий график, фонетик ва грамматик хусусийликлар ҳам учрайди.

Қадимги турк даврининг асосий ёдгорликларига қуйидаги ёдномаларни киритиш мумкин:

1. Қадимги туркий (рун) ёдномалари (VI-XII асрлар) «Култегинга бағишланган ёдгорлик» («Култегин улуғ ёдномаси», «Култегин кичик ёдномаси»), «Тўнюқуққа бағишланган ёдгорлик» («Тўн-юқуқ ёдномаси»), «Талас ёдгорликлари», «Суджу (Мўғулистон)дан топилган бешта ёдгорлик», «Энасой ёдгорликлари», «Фол китоби» («Ирқ битик»), «Ўнгин ёдгорлиги», «Билга хоқон ёдномаси», «Кули-чур ёдгорлиги», «Мўюн-чур ёдгорлиги», Талас дарёси водийсида топилган бешта ёдгорлик, иккита «Қизил-Чираа ёдгорлиги», иккита Элегеш ёнида топилган ёдгорлик, Ихе-Асхатанинг икки ёдгорлиги, ўнта «Хуйто-Томир ёдгорлиги», «Рун ёзувидаги ёғоч таёқчалар», «Уюқ-тарлоқ ёдгорликлари», «Уюк-Орхансой ёдгорликлари», «Уюк-Турансой ёдгорликлари», Уттуқташда топилган «Улуғ кема ёдгорлиги»

---

<sup>48</sup> Кононов. А.Н. «Грамматика языка тюркских рунических памятников(VII-IXвв)», - «Ленинград», 1980, стр 18

тўртта «Барлик ёдгорлиги», «Қарасуған Улугнем ёдгорлиги» Элегешдан топилган ёдгорликлар, Беградан топилган ёдгорликлар, ўн битта Чақулдан топилган ёдгорлик, Кемжик қоя бажи қоясидаги ёдгорлик, «Ўзначен ёдгорлиги», «Ачура ёдгорлиги», бешта «Уйбат ёдгорлиги», учта «Туба ёдгорлиги», «Оқ-юс ёдгорлиги», «Қора-юс ёдгорлиги», «Ташаб ёдгорлиги», «Кемчик-Жирғақсой ёдгорлиги», Минусинск музейидаги Рун ёдгорликлари, иккита «Қизил чир ёдгорлиги», «Кечиг-Хобу ёдгорлиги», «Таласой ёдгорлиги», Сужа(Мўғилистон)дан топилган «Қирғиз ўғли» ёдгорлиги, «Абакан ёдгорликлари», Тувадан топилган ёдгорлик.

2. Суриёний ёзувидаги XIII-XVI асрларга оид Саулладан топилган «От йили ёдгорлиги», «Тап Торим ёдгорлиги», «Юмшад ёдгорлиги», «Данха арим ёдгорлиги», «Мангу Тош ёдгорлиги» (1312 йил), «Майфра ёдгорлиги», 1300 йил ёдгорлиги, «Куташ ёдгорлиги», «Руҳоний элган ёдгорлиги», «Шодибек ёдгорлиги», «Тоғ-арслон ёдгорлиги», «Юнтузбек Мумрига, Ионна ва Маръям ёдгорликлари» ва бошқалар<sup>49</sup>.


3. Қадимги уйғур ёзувларидаги ёдгорликлар: «Моний қасамёд ёдгорлиги», «Сехргарлар саждагоҳи», «Бурҳон ёдгорликлари», «Олтин ёруғ» (Ку-Тау хоқони ҳақидаги ривоятлар ҳамда шаҳзода ва шер ҳақидаги ривоятлар китоби), уйғур ҳужжатлари (Хизматкорларнинг ўз хўжайини, устидан арзи, ер сотиш ҳақидаги ҳужжатлар, кунжутни қарзга олиш, хотин кишига бўз сотиб олиш, узумзорни қарзга олиш ҳақидаги ҳужжатлар).

4. Брахма ёзувидаги ёдгорликлар: В.В.Радлов, А.Фон Шталь-Гольштейн, А.Фон Габен, Питер Симе томонидан нашр этилган обидалар, ҳамда Х.Стённер чоп этган матнлар. *W. Radloff Uigwrische Sprashdenkmaler, I, 1928; W. Radloff Tisastvustik, VIII, Берлин, 1954* каби нашрлар шулар жумласидандир.

---

<sup>49</sup> Малов С.Е. Уйғурские рукописные документы экспедиции С.Ф. Олденбурга. Записи Инст востоковедения АН СССР, т. II.-Л. 1931.- С. 129-149; Ўша муаллиф. Замок из Билярска с арабской надписью.- Записи коллегии востоковедов. Т. П., вып. 1.-Л., 1926. –С. 155-162; Ўша муаллиф. К истории и критике-Содех Соманисуз Изв. АН. СССР. Отд. Гуманитарных наук.-Л., 1930. №5. С.-347-375;

Биринчи даврга хос обидалар энг қадимги ёдгорликлар бўлиб, улар Ўрхун ёзуви обидалари билан умумийликка эга бўлган битиктошлардан иборат. Булар ичида энг машхури турк хоқонлари Култегин ва Тўнюкук шаънига қўйилган қабр тошларига ёзилган ёдгорликлардир. Тошлар Ўрхун (Мўғулистон) ва Энасой дарёлари бўйларидан топилганлиги сабабли фанда «Ўрхун-Энасой ёзувлари» деб номланади. Шунингдек, ёзув рун номи билан ҳам аталади. «Рун» сўзи Скандинавия халқлари тилида «сирли, тилсим» маъноларида қўлланган. Ўрхун-Энасой ёдгорликлари яна ўз навбатида уч тармоққа бўлинади.<sup>50</sup>



Бу хил битиклар фақат Ўрхун ва Энасой бўйидаги эмас, кўктурклар хукмронлик қилган улкан ҳудуднинг деярли ҳамма жойида учрайди. *Олтой атрофи, Талас водийси, Кавказ, Волга, Дунай* бўйларида ҳам шунга ўхшаш ёдгорликлар бўлиб, улар бугунги кунгача топилиб келади. Чунончи, XX асрнинг 60-70 йилларида Қозоғистон ҳудудида бир қатор намуналари топилиб эълон қилинди. Шунингдек, уларнинг доираси қабртошлари билангина чекланиб қолмаган. Турли-туман идишлар, уй-хўжалик ашёларига битилган намуналар ҳам учрамоқда. Ниҳоят, уларнинг адади ҳақида гапирадиган бўлсак, биргина Энасой бўйларидан топилган ёдгорликлар салкам 250 тадир. Тош битикларнинг ҳар бири ўзига хос мустақил адабий-

<sup>50</sup> Қадимги туркий тили. И. Азимов, М. Раҳматов Т. «Низомий номидаги ТДПУ Ризографи»:-2005. –Б.6.

тарихий асардир. Улар шеърий йўлда битилган. Ўз даврининг рухи сингдирилган. Шу сабабли ҳам И.В.Стеблева уларни «тарихий қахрамонлик поэмалари» деб атайди. Ўрхун ва Энасой тош битиклари барча туркий халқларнинг адабий ёдгорлигидир. Ёдгорликларнинг энг йириклари Тўнюқук, Билга хоқон ва Култегин битиктошларидир.

**Тўнюқук битиктоши**<sup>51</sup>. Бу ёзув ёдгорлиги иккинчи турк хоқонлигига асос солган Элтариш хоқоннинг (асл оти Қутлуғ, Хитой манбаларида Гудулу) маслаҳатчиси ва саркарда Тўнюқукқа бағишланиб 712-716 йиллар орасида тошга ўйиб ёзилган. Тўнюқук битикни ўзи тириклигида ёздирган. Бу шахс Хитой йилномаларида Юанчжен деб берилган. Йилномалардаги шарқ туркларига оид материалларни икки том қилиб, «*Дие чинишен Нахриштензур Гешихт дер ост-Туркен*» (Шарқий турклар тарихига оид хитой манбалари, Виспаден, 1958) номи билан нашр қилган Луи Мауцай Тўнюқук бошқа шахс деган фикрни билдирган эди. Бироқ ленинградлик олим С.Г.Кляшторний Юанчжен билан Тўнюқукнинг бир шахс эканлигини исботлаб берди. Битиктош 1897 йилда Уланбатордан 66 км жануби шарқдаги Баин Цокто манзилида топилган ва ҳозир ҳам ўша ерда сақланади. Бир-бирига қаратиб қўйилган икки тўрт қиррали тош устунга юқоридан пастга қараб ёзилган. Жанубдаги устуннинг баландлиги 170, шимолдагисиники 160. Тошлардан бирининг 1-7 сатрлари ғарбга, 8-17 сатрлари жанубга, 18-24 сатрлари шарққа, 25-35 сатрлари шимолга қараган тарафига ёзилган. Иккинчи тошнинг 36-44 сатрлари ғарбга, 45-50 сатрлари жанубга, 51-58 сатрлари шарққа ва 59-62 шимол тарафига битилган. Ёзув 62 сатрни ташкил этади. Битиктошни Элизавета Клеменц 1897 йили Шимолий Мўғулистон изланишларига эри Дмитрий Клеменц билан бирга борганда топган. Дастлаб битиктошнинг фотосуратини, ретушсиз ва ретушланган эстампажларини, транскрипция ва немисча таржимасини В.В.Радлов 1899 йилда нашр этди.

---

<sup>51</sup> Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил, Тошкент: «Ўқитувчи» 1982 йил, -Б.70;



Битик Элтаришнинг маслаҳатчиси ва саркардаси Тўнюкққа бағишлаб, унинг тириклигида 732-716 йилларда ёзилган. Вильгелм Томсен «*Фин-угор маданияти ёдгорликлари*» (Хелцингфорс, 1916, 77-сон) да босилган асарида В.В.Радловнинг транскрипция ва таржимасига тузатишлар киритган ва сўнгра битикни дан тилига таржима қилиб, тадқиқот натижаси билан 1922 йилда Копенгагенда нашр қилган. Буни дан тилидан немис тилига Х.Шедер таржима қилиб, «*Немис шарқшунослари жамияти тўплами*» (Лейпциг, 1924-25-,78-жилд)да ва Д.Росс инглиз тилига таржима қилиб, «*Шарқ билимлари мактаби бюллетени*» (Лондон, 1930-32, 6-жилд)да нашр қилдилар. Кейинчалик бу битикни туркча таржимасида Ҳ.Н.Орқун, русча таржимасида С.Е.Малов, немисча таржимасида фин олимлари Г.Рамстедт, И.Грано ва П.Аалто, инглизча таржимасида Т.Текин нашр эттирдилар. Битикнинг охири илмий нашрини французча таржимаси билан 1961 йилда Р.Жиро амалга оширди. Қозоқ олими Г.Айдаров ҳам ўрхун ёдгорликлари тилига бағишланган китобига битикни русча таржимаси билан киритган.

**Култегин битиктоши**<sup>52</sup>. Элтариш хоқоннинг иниси Култегин шарафига кўйилган. Култегин 731 йил 27 февралда 47 ёшида вафот қилади. Битиктошни Билга хоқон битиктоши билан бирга 1889 йилда рус зиёлиси М.Ядринцев (1842-1894) Мўғилистоннинг Кошо Цайдам водийсида Кўкшин Ўрхун дарёси қирғоғида топган. Мазкур ўрин Улан Батордан 400 км жанубда Қорабалғасун шаҳрининг харобаларидан 40 км шимолда жойлашган. Култегин битиктоши Билга хоқон битигидан 1 км шимоли-шарқда ўрнатилган. Битиктошларни 1890 йили А.Хейкел раҳбарлигидаги фин-угор жамияти илмий экспедицияси тадқиқ қилади ва 1892 йили битиктошларнинг фотосуратини ва эстампажларини нашр этади. Битиктошларни 1891 йилда В.В.Радлов бошчилигидаги рус тадқиқотчилари Унгин битиктоши билан бирга текширади ва натижада Петербургда ҳам ўрхун битиклари нашр этилади. В.Томсен ўрхун ҳарфларини ўқиб, аниқлагандан сўнг В.В.Радлов

---

<sup>52</sup> Ўша асар, 86-бет;

мазкур битикларнинг транскрипцияси билан немисча таржималарини нашр қилади. 1896 йилда В.Томсен ўз илмий тадқиқотларини битикларнинг французча таржимаси билан нашр қилади. 1897 йилда шу таржима ва В.В.Радловнинг тўртинчи таржимаси асосида П.М.Мелиоранский битикларни русчага ҳам таржима қилиб, (В.В.Радловнинг илтимосига кўра), унинг битиктошларга берган тавсифи, битикнинг босма наشري ва транскрипцияси билан биргаликда нашр этади.

1922 йилда В.Томсен битикнинг данча нашрини амалга оширади. Буни немисчага таржима қилиб 1924 йилда Ҳ.Шедер ҳам чоп қилади. 1923 йилда Нажиб Осим «Ўрхун обидалари» (Истанбул, 1341х) номли китобида битикни араб ҳарфлари билан, 1936 йилда Ҳ.Н.Оркун туркча таржимаси билан, 1951 йилда С.Е.Малов, 1971 йилда Г.Айдаров русча таржимаси билан нашр эттирган. Т.Текин ўзининг «*A grammar of orkhon Turkic*» (Блумингтон, 1968) номли асарига мазкур битикларни инглизча таржимаси билан киритган.

Култегин битиктоши мрамрдан тарошланган, қалинлиги 41 см, баландлиги 3 м 15 см, кенглиги туб қисмида 1 м 24 см бўлиб, юқорига торайиб борган. Мрамр тахта устуни ўртасига беш бурчакли қалқон шаклда, баландлиги 64 см, кенглиги 40 см лавҳа ўрнатилган. Лавҳанинг юз томонига архар сурати тасвирланган хоқонлик тамғаси нақш қилинган, орқа томонига хитойча қилиб, битиктошнинг ўрнатилиш тарихи (Улуғ тан сулоласи, Кай Юаннинг йигирманчи йили еттинчи ойнинг еттинчи куни-732 йил августнинг 14-куни) ва яна ўн тўрт сатр хитойча ёзув битилган. Бу битикдаги олти белги лавҳадаги мазкур тарихнинг такроридан иборат. Хитойча битикнинг французча, немисча, инглизча, русча ва туркча таржималари бор. Хитойча битикдан ўнроқда икки сатр туркча битик бор. Култегин битиктоши мазкур ёдгорликлар орасида ҳам ҳажман, ҳам мазмунан энг салмоқлисидир. Битиктош Билга хоқон буйруғи билан, Йўллуғ тегин томонидан 20 кун давомида ёзиб тугатилади.

**Билга хоқон битиктоши**<sup>53</sup>. Битиктош ҳам Култегин ёдгорлиги сингари Ўрхун дарёси бўйида Шимолий Мўғилистоннинг Кўкшин-Ўрхун тумани худудида жойлашган. Ҳар икки битиктош атрофи бир чақирим атрофида. Битиктошнинг бўйи уч метр, 45 сантиметр, эни 1 метр, 72 сантиметр, калинлиги 72 сантиметр. Бизга шикастланган ҳолда етиб келган. Афдарилиб, уч бўлакка бўлинган ва ёзувларнинг айрим жойлари зарарланган. Битиктош Элтариш хоқоннинг катта ўғли Билга хоқон шарафига ўрнатилган. Билга-«улуғ» дегани. Билга хоқон 684 йилда туғилган, 18 йил хоқонлик қилган, 734 йилда яқин қариндошларининг бири томонидан заҳарланиб ўлдирилган. Битиктош шу йили ўрнатилган. Унинг муаллифи ҳам Йўллуғ тегиндир.

Мазкур обидаларнинг топилиши Ўрхун ҳамда Энасой дарёларининг ҳавзалари билан боғлиқ. Ўрхун-Энасой обидалари «тош битиклар» деб ҳам юритилади. Бунинг сабаби кўпгина ёдгорликларнинг қабр тошларига ўйиб ёзилганидандир. Қадимги туркий обидаларнинг асл манбалари топилган жойлар: Ўрхун ва Энасой дарёлари атрофлари, Турфон (Шарқий Туркистон), Осиё ва Европанинг кўпгина жойларидир. Шунга кўра уларнинг Мўғулистон, Германия (Берлин, Марбург, Майнс), Россия (Санкт-Петербург, Қизил, Минусинск), Хитой (Турфон, Урумчи, Миран Сучжой, Пекин), Буюк Британия (Лондон), Франция (Париж), Швеция (Стокгольм), Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистонда сақланиши кузатилади. Маълумки, туркий халқлар ўз давлатига эга бўлган энг қадимги дунё қавмларидан биридир. Ўрхун-Энасой обидалари ана шу тарихни бадий тарзда ҳикоя қилади. Улар Ўрта Осиёдан бошлаб Дунайгача бўлган улкан худудда ўз давлатларини идора қилишган. Гарчи бундай қадимий обидалар кейинчалик Сибир ва Мўғулистоннинг бошқа жойларидан, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё, Кавказ, Волга-бўйи, ҳатто Шарқий Европадан ҳам топилган бўлса-да, тарихда бу ном муқим ўрнашиб қолди. Ўрхун-Энасой ёдгорликларининг топилиши ва ўрганилиши XVIII асрдан бошланади. Европада Н.Витзеи, С.Ремезов,

---

<sup>53</sup> Ўша асар, 121-бет;

Т.И.Старленберг, П.С.Паллас ва В.Томсен О.Доннер, А.В.Адрианов каби олимлар ёдгорликларни ўрганиш ишлари билан шуғулланишган. Швед зобити Иоганн Стралленберг, олим Мессершмидт ёдгорликларни Европа илм аҳлига илк марта тақдим қилган эдилар. Сибирда сургунда бўлган швед офицери Ф.Т.Табберт-Страленберг 1730 йилда Ўрхун-Энасой ёзувларининг бир нечтасини топиб, ҳали тарихда номаълум бўлган ва ҳали тарихда ҳеч кимга тушунарли бўлмаган бу ёзувни «сирли» деб номлаган эди.<sup>54</sup>

Ёдгорликлар топилганидан кейин уларни ўқиш, ўрганиш муаммоси кўндаланг бўлди. Аммо бу иш деярли бир ярим аср мобайнида ҳеч кимнинг кўлидан келмади. Ниҳоят, 1893 йилдагина уларни ўқиш учун дастлабки кадам қўйилди<sup>55</sup>. Шу йили даниялик олим Вилгельм Томсен ва рус олими В.Радловлар ёдгорликлардаги барча ҳарфларни ўқидилар. Шундан сўнг уларни жиддий ўрганиш бошланди.

Ёдгорликларни бутун дунё туркийшунослари илмий жиҳатдан ўрганмоқда. В.Томсен ва В.Радловлардан кейин *П.М.Мелиоранский, Х.Н.Оркун, А. Габен, С.Е.Малов, И.А.Батманов, А. И, Шербак, Ж.Клоузон, А.С.Аманжолов, И.В.Кормушин, З.Б.Арагачи, Л.Р.Кызласов, И.Л.Кызласов, Э.Р.Рагдылон, С.Г.Кляшторний, И.В.Стеблева, И.Текин, Нажиб Осим, Г.Айдаров*<sup>56</sup>, ўзбек олимларидан *А.Рустамов, Ғ.Абдурахмонов, Н.Раҳмоновлар* ўрганишган. Руний ёзувдаги ёдгорликлар фақат тошга битилган эмас. Уларнинг қоғозга, турли буюмларга ёзилган намуналари ҳам бор. Масалан, «Ирқ битиги» («Таъбирнома») қоғозда ёзилган. Уни венгр олими А.Стейн Шарқий Туркистондаги Дунхуа манзилдан топган (1907 йил). Рун ёзувлари Талас водийсидан ҳам топилган. У ҳозирги Авлиёота ва Тароз шаҳри яқинида бўлган қоялардаги ёзувлардир. Шунингдек, кумуш

---

<sup>54</sup> Айдаров Г, Қуръшжанов Э, Томанов М. Көне туркі жазба ескерткиштерининг тили, «Мектеп» нашриёти, Алматы-1971, -Б.12-14;

<sup>55</sup> Айдаров Г, Қуръшжанов Э, Томанов М. Көне туркі жазба ескерткиштерининг тили, «Мектеп» нашриёти, Алматы-1971, -Б.12-14;

<sup>56</sup> Акилова М.Ф. «Фонетические и лексико-грамматические особенности башкирского языка в контексте влияния орхоно-енисейской письменности» дисс.работа, Уфа-2015, С.-13;

кўзачаларга ёзилган руний ёзувлари Сибир ўлкасидан ҳам топилган. Эрмитаж (Санкт-Петербург) да сақланаётган 2 та кўзача шу ҳақда маълумот беради. Минусинск музейида эса терига ёзилган руний битиклар мавжуд, ойна, қайиш тўқаси, қоғозга ёзилган бошқа руний ёзувлар ҳам кўп. Турфон (Шарқий Туркистон) дан Ле Кок томонидан топилган руний ёзувлар орасида эски форс тилидаги битиклар ҳам мавжуд. Вена (Австрия) музейида сақланаётган олтин идиш-товоқларда ҳам руний ёзувидаги ёдгорликлар бўлиб, улар бажанақ (печенег) тилида ёзилган. Ёғочга ёзилган рун битиклари намуналари Эрмитажда сақланади. Француз олими О.Доннер Ўрхун алифбоси билан бошқа алифболар ўртасидаги шаклий ўхшашликлар тўғрисида ўз қарашларини илгари суриб, юнон, Кичик Осиёдаги ёзувлар алифболари билан Ўрхун алифбоси ўртасидаги ўхшашликларни аниқлашга ҳаракат қилган эди. Томсен эса Доннернинг фикрига қуйидагича муносабат билдирган эди: «Унутмаслик керакки, ёзувларимизнинг даври билан ўша ёзувларнинг даври орасида минг ва ундан ортиқ йиллар бор. Бу тур ўхшашликларнинг одатда сомон олови сингари ялтироқ, аммо ўткинчи бўлишини ҳам қабул этмоқ керак. Бундай ишоратлар чинакам бошқа йўллар билан аниқлангандан кейин бошқа алифболар билан қилинадиган қиёслаш ёзувнинг илдизини топиш учун асос бўла олади»<sup>57</sup>. Бундан кўриниб турибдики, Томсен ўша даврдаёқ туркий-рун ёзувлари ўртасидаги фарқларга, хусусан, Энасой ва Ўрхун дарёлари бўйларидан топилган ёзувлар алифбосидаги фарқларга эътибор берган. Томсен Вилгельм Людвиг (1842 йили 25 январда Копенгагенда туғилган. 1927 йили вафот этган.) Даниялик тилшунос, тарихчи. Копенгагенлик профессор (1887-1913) бўлган. Петербург Фанлар академиясининг хорижий мухбир аъзоси (1894). Биринчи бўлиб, Ўрхун-Энасой ёдгорликларини ўқиган ва уларнинг қадимги туркий тилларга оидлигини аниқлаган. Қиёсий-тарихий тилшунослик, фин-угор ва туркий

---

<sup>57</sup> Записки восточного отделения, С.Петербург-1894, Том-VIII «Дешифровка орхонских и енисейских надписей» 328 стр.;

тилларни ўрганишга оид илмий асарлар яратган. Дания тили лаҳжалари луғатини ва швед тили луғатини тузишда қатнашган. «XIX аср охиригача бўлган тилшунослик тарихи» монографияси муаллифи. У мазкур асаридида умуман тил ҳақидаги билимнинг тараққиёти жараёнини қамраб олишга, уни даврлаштиришга, лингвистик тафаккур ривожидидаги асосий тамойилларни кўрсатиб беришга эришган. Шунингдек, Томсен «Қутадғу билиг»нинг Вена кутубхонасида сақланаётган уйғур ёзувидаги кўлёмаси асосида асар номининг ҳозирги транскрипциясини таклиф этган. Бу транскрипция кўпчилик томонидан, жумладан, Ўзбекистонда ҳам қабул қилинган. Ҳозирги пайтда туркологияда туркий-рун ёзувларининг бир-бирига боғлиқ бўлмаган, мустақил ҳолда ривож топгани тўғрисидаги қарашларнинг замини аслида В.Томсеннинг назарияси асосида пайдо бўлди, десак хато бўлмайди. Бугунги кунга келиб туркий-рун алифбосининг мустақил ривожлангани тўғрисидаги қарашлар манбашунослик олдида жиддий вазифаларни қўйди. Туркологияда ҳукмрон бўлиб келган туркий-рун ёзувларига худудий ёндашув ўз ўрнини алифбо хусусиятларига таянган ҳолда тасниф қилиш ва туркий-рун ёзувларини шу тамойиллар асосида ўрганишга бўшатиб бермоқда.

В.Томсен ҳам, В.Радлов ҳам йирик Ўрхун ёдномаларини, хусусан, Култегин, Билга хоқон, Тўньюқуқ битиктошларини нашрга тайёрлаган. Василий Василевич Радлов 1837 йили 5 январда Берлинда таваллуд топган. 1858 йилдан умрининг охиригача Россияда яшаган. Радловнинг ҳаёти ва илмий фаолияти шартли равишда 3 даврга бўлинади:

**1. Олтой даври** (1859-71) да Радлов Олтой ва Ғарбий Сибирдаги туркий халқлар тилларини ўрганган, бу халқларнинг тиллари, фольклори, этнографияси ва археологиясига оид материаллар тўплаб, уларни дастлабки ишловдан ўтказган.

**2. Қозон даври** (1871-84)да унинг туркий тиллар фонетикасига бағишланган йирик асари «*Шимолий туркий тилларнинг чоғиштирма*

грамматикаси. II қисм. Фонетика» Лейпцигда немис тилида чоп этилган (1882-83).

**3.Петербург-Петроград даври** (1884-1918)да Радлов номини жаҳонга танитган 4 жилдли 24 китобчадан иборат «*Туркий лаҳжалар луғати тажрибаси*» («*Опыт словаря тюркских наречий*») дунёга келди. Ушбу фундаментал асар 40 дан ортиқ туркий тилда учрайдиган 70 минг луғавий бирликни қамраб олган.

В.В.Радлов 1860-70 йиллардаги Олтой, Сибир, Қозоғистон, Ўрта Осиё экспедициялари иштирокчиси, 1891 йилдаги Ўрхун ёдгорликлари изланишларининг раҳбари, 1898 йилдаги Турфон тадқиқотларининг ташкилотчиси бўлган, биринчилардан бўлиб туркий Ўрхун-Энасой ёзувини ўқиган; XI аср ёзма ёдгорлиги бўлмиш «Қутадғу билиг»нинг Вена кутубхонасидаги уйғур ёзувли нусхасини ва немисча таржимасини нашр этиш билан (1891-1910) ушбу асарни ўрганишга асос солган. Радлов ўзининг 60 йиллик илмий фаолияти давомида туркийшуносликнинг барча соҳаларини қамраб олган ва мазкур соҳаларда рус ва немис тилларида яратган ишлари билан туркийшуносликнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган.

В.Радловдан кейин С.Е.Малов илмий изланишларини келтириш мумкин. Айниқса, туркологиянинг ривожига С.Е.Маловнинг «*Памятники древнетюркской письменности*», «*Енисейский письменность тюрков*», «*Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии*» китоблари катта ҳисса бўлиб қўшилганини алоҳида таъкидлаш даркор. С.Е.Малов бу китобларида фақат битиктошларнинг дешифровкаси ва тил хусусиятларига эътибор бериб қолмасдан, туркий-рун ёзувлари палеографиясига ҳам эътибор қаратди. Сергей Ефимович Малов (28 январь 1880 йилда Қозонда туғилган, 1957 йил 6 сентябрда Ленинградда вафот этган). Рус тилшуноси, шарқшунос-турколог, Собиқ Иттифоқ Фанлар академиясининг мухбир аъзоси (1939). Қадимги туркий битиклар тўпламларини таржима қилган ва нашр эттирган. Малов араб, форс ва туркий

тиллар мутахассиси бўлган. Фаолиятининг бошида у чулим туркларини ўрганган. Ўқишни битиргандан кейин у Россия Фанлар академиясининг Антропология ва этнография музейида кутубхоначи бўлиб ишлаган. Ташқи ишлар вазирлиги орқали Малов Хитойда яшовчи туркий халқларнинг (уйғурлар, саларлар, сартлар ва қирғизлар) тиллари ва урф-одатларини ўрганган. У фольклор ва этнография бўйича бой материаллар йиғди, шунингдек, қадимги қимматбаҳо кўлёмаларни, яъни Ўрта аср уйғур буддавий адабиётининг энг муҳим асари– «*Олтин Сутра*» уйғур кўлёмасини топди, кейинчалик В.В.Радлов билан ҳамкорликда нашр этди. 1910 йилда Хитойда (Гансу) «*Олтун ёруғ*»нинг тўлиқ версиясини топди. 1917 йилда С.Е.Малов Қозон университетининг профессори ва нумизматика тўпламининг раҳбари бўлди. Шу билан бирга у Волга татарларининг этнографияси ва лаҳжаларини ўрганган, татар лаҳжасининг биринчи тадқиқотчиларидан бири бўлган. 1929 йилда Малов Талас ёзувини - қадимги туркий руник алифбосининг маълум бўлган учинчи вариантини топди. 1931 йил бошида Малов араб, форс ва асосан, туркий тиллардаги китобларни, газеталарни ва кўлёмаларни рўйхатга олиш учун Шарқшунослик бўлимига юборилади. Кутубхонада ишлаш унга туркий тилларда мавжуд адабиётлар билан эксклюзив ва цензурасиз шаклда танишиш имкониятини берди. 1933 йилда коммунистик ҳукумат томонидан туркий халқларнинг ёзувларини лотин алифбосига ўтказиш бўйича фаолият бошлангандан сўнг Малов Собиқ Иттифоқ Фанлар академиясининг Шарқшунослик бўлимини тарк этди. 1939 йилда у Собиқ Иттифоқ Фанлар академиясининг тил ва адабиёт бўйича мухбир аъзоси этиб сайланди. Иккинчи Жаҳон уруши пайтида Малов Олма-Отада Қозоғистон университети ва Қозоғистон педагогика институтида профессор бўлиб ишлаган. Малов Собиқ Иттифоқ ва қўшни давлатларнинг тирик ва йўқ бўлиб кетган туркий тиллари бўйича мутахассис сифатида танилган. У Марказий ва ғарбий Хитой, Мўғулистон, Ўрта Осиё ва Қозоғистон, Сибир ва Волга минтақасидаги туркий халқларнинг тили,



фольклори, тарихи ва этнографиясига оид 170 га яқин илмий мақолалар ёзган. У биринчи бўлиб бир қатор туркий тилларга илмий тавсиф берган, кўплаб қадимий туркий ёзма ёдгорликларни кашф қилган, ўрганган ва нашр эттирган, шунингдек, тарихий жиҳатдан ўзига хос миллий ёзув тизимига эга бўлмаган Собиқ Иттифоқ халқлари тиллари учун алифбо ва имло қоидаларини яратишда иштирок этган. Малов қиёсий тадқиқотлар ўтказиш мақсадида Шарқий Европа мамлакатларининг бошқа руналарга ўхшаш алифболари қаторида «Секлер» деб номланган алифбоси билан қизиққан кам сонли олимлардан бири эди. Унинг яна бир ютуғи-Энасойдаги руник ёзувлардан Қирғиз хонлигининг турли этник гуруҳлари фойдаланган,-деган хулосага келишидир. 1952 йилда С.Е.Маловнинг «*Туркларнинг Энасой ёзуви: Матнлар ва тадқиқотлар*» номли асари чоп этилган бўлиб, матнлар географик жойлашувидан қатъи назар (Хакасия, Тува, Мўғулистон) ушбу асарга киритилган. Асарда ёдгорликлар алифболарини таснифлашда палеографик, тарихий ва ижтимоий-сиёсий ёндашувлар муваффақиятли бирлаштирилган. Малов жуда фаол илмий ҳаёт кечирган. Энциклопедиялар, луғатлар ва маълумотномаларни тайёрлашда қатнашган. Малов рус туркийшунослигининг рамзи сифатида улуғланади. Унинг ишлари илмий жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир.

Яна бир турколог олим Л.Н.Гумилев 1912 йили Санкт-Петербургда туғилган. 1948 йилда «*Биринчи турк хоқонлигининг сиёсий тарихи*» мавзусида номзодлик диссертациясини, 1961 йилда қадимги туркийларга бағишланган «*Қадимги турклар*» номли докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Л.Н.Гумилевнинг «*Қадимги турклар*» асари XX асрнинг иккинчи ярмида яратилди. Китобда ўзбек халқи этногенезида жуда катта аҳамият касб этган сўғдлар (суғдларнинг ўзи, хоразмийлар, парканаликлар, саклар) форсларга нисбатан рухий, иқтисодий жуғрофий, ижтимоий жиҳатдан туркларга жуда яқин бўлганлиги, турк хоқонликлари сиёсий ва маънавий ҳаётида муҳим роль ўйнаганлиги холисона очиб берилган. Асарнинг иккинчи

кисми, бевосита Кўктурклар ва уйғурлар ёки иккинчи турк хоқонлиги мавзусига бағишланади. Ундан кейин рус туркологиясида обидалар бўйича С.Г.Кляшторний илмий тадқиқотлари диққатга сазовор.

Сергей Григориевич Кляшторний (1928 йил 4 февраль, Гомелда таваллуд топган-2014 йил 21 сентябрь, Санкт-Петербургда вафот этган) - Совет ва рус шарқшуноси. Тарих фанлари доктори, профессор. 1962 йилда «*Қадимги туркий руник ёдгорликлари Ўрта Осиё тарихининг манбаси сифатида*» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди (илмий раҳбарлари - А.Н.Бернштам ва С.Е.Малов). У археологик кузатувларда фаол қатнашган.

Археологик нуқтаи назардан И.Л.Кызласов ишлари катта аҳамиятга эга. Игорь Леонидович Кызласов- 1951 йили 28 августда Москвада туғилган. Рус тарихчиси, археолог, тарих фанлари доктори. Л.Н.Гумилев номидаги Евроосиё миллий университети профессори (Остона, Қозоғистон Республикаси, 2007 йил). Леонид Ромонович Кызласовнинг ўғли, Ирина Леонидовна Кызласованинг акаси. 1974 йили Москва давлат университетининг тарих факультетини тугатган. У «*Жанубий Сибирнинг Аскиз маданияти, келиб чиқиши ва ривожланиши (X-XIV асрлар)*» мавзусида номзодлик диссертациясини (1977 й), 1990 йилда «*Евроосиё даштларининг руник ёзувлари. Манбашунослик муаммолари*» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.<sup>58</sup> Мактаб йилларида у икки марта археологик изланишларда қатнашган. Кейинчалик Россиянинг марказий ҳудудлари, Хакасия, Тува, Якутия, Олтой, Украина, Тожикистон, Болгария ва бошқа ҳудудларда фаол мустақил экспедициялар фаолиятини олиб боради. Асосий тадқиқот йўналишлари: Жанубий Сибир ва Ўрта Осиё археологияси, туркий халқларнинг тарихи ва маданияти, қадимги ва ўрта асрларнинг дунёқараши,

---

<sup>58</sup>Тугужекова В.Н., Кызласов Игорь Леонидович // Энциклопедия Республики Хакасия— Абакан, 2007.— 335 стр.

Евроосиёнинг дашт руник ёзуви (эпиграфия ва палеография) мавзулари доирасида бўлган.

Бундан ташқари ёзма ёдгорликларни И.В.Стеблева, И.В.Кормушин,<sup>59</sup> Л.Р.Кызласов, И.Л.Кызласовалар ўрганишган. Уларнинг илмий фаолияти туркологиянинг фақат Россияда эмас, балки бутун дунёда мустақкам фан сифатида қарор топишига замин яратди. Айниқса, туркологияда палеографиянинг тарих фанининг ёрдамчи фани сифатида шаклланишига Ўрхун-Энасой ёзувларининг генезиси тўғрисидаги қарашлари сабаб бўлди. Уларнинг нашрлари ҳанузгача ўз қимматини йўқотгани йўқ.

### **1.2-§. Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари туркий тилли халқлар тилшунослари талқинида**

Ўрхун-Энасой тошбитикларининг топилиши қадимги туркий ёзма адабиёт мавжуд бўлганлигининг ёрқин далилидир. Бу битикларда акс этган бадиий тасвир, ғоя халқ оғзаки ижодида яратилган асарлар билан ҳамоҳанг туради. Осмонни муқаддас тангри деб тушуниш туркийлар учун ҳамма даврларга хос хусусият бўлган ва исломгача бу таълимот ўз қимматини йўқотмаган. Туркий халқлар оғзаки ижоди тарихининг илк даврлари ўрганилганда туркийлар номи билан шуҳрат қозонган кўплаб халқларнинг маданиятига мурожаат қилиш ўринлидир. Чунки бугунги кунда мустақил миллат сифатида шаклланган ўзбек, қozoқ, қирғиз, бошқирд, қорақалпоқ, туркман, уйғур, озарбайжон, гагауз, усмонли турк, татар, ёкут ва бошқа халқлар қадимги туркийларнинг авлодларидир. Тарихда «турк» сўзи бир қавмга мансуб кўплаб халқларнинг умумий номи сифатида шаклланди. V асрга оид хитой манбаларида «*турк*» сўзи туронликлар, турклар маъноларида қўлланилган. Мазкур сўз от маъносида келса «*куч-қувват*», сифат вазифасида келса «*кучли, қувватли*» маъносини берган. Бундан ташқари, у «*етук*»,

---

<sup>59</sup>Акилова М.Ф. «Фонетические и лексико-грамматические особенности башкирского языка в контексте влияния орхоно-енисейской письменности» дисс. работа. Уфа. -2015, -С.13;

«билимдон», «доно» каби тушунчаларни ҳам ифодалайди. Эрамизгача Турк хоқонлиги катта ҳудудда ҳукмронлик қилган. Мил. авв. VII-II асрларда Жанубий Сибир, Энасой ва Иртиш дарёси бўйлари, ҳозирги Можаристон (Венгрия) ва Чехословакия, Ҳазар денгизи бўйлари, Эрон, Ироқ, Сурия ва Туркия давлатлари ўрнида сак-искит империяси барпо бўлган. Қадимги туркийлар яшайдиган ҳудудлар Шарқ манбаларида Турон, юнон тарихчиларининг китобларида эса Скифия мамлакати деб юритилган<sup>60</sup>.

Туркийшунослик ёки туркология-туркий тилда гаплашувчи халқларнинг тили, этнографияси, тарихи, оғзаки адабиёти ва маданиятини тадқиқот қилувчи соҳа ҳисобланади. Шарқшунослик илмининг хусусий соҳаси. Туркийшунослик соҳаси илмий алоқага дастлаб Ўрхун-Энасой (Ўрхун ёзма ёдгорликлари, Энасой ёзма ёдгорликлари), эски уйғур, манихей ва бошқа ёзма ёдгорликларнинг ўрганилишига боғлиқ шаклда ривожланган. Бу ёзув ёдгорликлари Марказий Осиё ва бошқа кўплаб ҳудудларни макон қилган қадимги туркий халқларнинг ҳаёт тарзини, тилини, адабий ёдгорликларини, маънавий ва маърифий маданиятини ўрганишда асосий манбалар ҳисобланади. Бундан сўнг туркийшуносликда Ўрта асрдаги араб, форс, туркий тилда ёзилган тарихий йилномаларни, филологик ва географик асарларни ўрганиш ривожлана бошлади. Туркийшуносликнинг фан сифатида ривожланишида XIX-XX асрларда ўрганила бошлаган адабий матнлар билан филологик тадқиқ қилинган асарларнинг ўрни беқиёс. Булар қаторига туркий халқлар тўғрисида лингвистик, тарихий этнографик, фольклор манбалари асосида яратилган асарнинг энг дастлабкиси М.Кошғарийнинг «Девони луғатит турк» номли луғати ҳисобланади. Шундан кейин бир қатор асарлар ўрганилиб, натижада туркийшунослик илмининг пайдо бўлишига туртки бўлди. Ёзма ёдгорликлар тадқиқи эса мазкур соҳани янада мустаҳкамлаб берди.

---

<sup>60</sup> А.Абдурахмонов. Туркий халқлар оғзаки ижоди. Самарқанд.-2006, -Б.76

Обидалар туркий тилли мамлакатлардан Туркия ва Қозоғистонда тўлик ўрганилиб келинмоқда. Туркияда *Нажиб Осим, Хусайн Намиқ Оркун, Аҳмет Жеват Эмре, Аҳмет Темир, Усмон Недим Туна, Омелжан Прицак Ўрхон, Муҳаррем Эргин, Усмон Фикри Серткая, Казим Миршан* сингари олимлар ўрганишган.

Туркиядаги Ўрхун битиклари ҳақидаги илк китоб 1924 йилда турколог *Нажиб Осим* томонидан усмонли турк тилида ёзилган ва «*Ўрхун ёдгорликлари*» номи билан нашр этилган. *Нажиб Осим* мазкур асарни *Радлов* ва *Томсен* асарларидан фойдаланган ҳолда тайёрлаган.

*Хусайн Намиқ Ўркун* томонидан Туркияда иккинчи марта «*Ўрхун битиклари*» китоби нашр этилган. Тўрт жилдда нашр этилган ушбу асарнинг биринчи жилди *Култегин* ва *Билга* хоқон битикларига бағишланган. Ўркун *Томсен* нашрини мисол қилиб олган, унинг кейинги тузатишлари ва *Маҳмуд Қашғарий* луғатидан фойдаланган. Ўркун *Томсен*нинг баъзи ўқишларини тўғриламақчи бўлса-да, бу унчалик муваффақиятли бўлмаган ва *Томсен* тўғри ўқиган баъзи сўзларни тузатишга уриниб, янги хатоларга йўл қўйган.

*Талъат Текин*-1927 йилда Анкарада туғилган. *Истанбул* университетининг Адабиёт факультети, Турк тили ва адабиёти бўлимини тугатган. «*A grammar of orhon Turkic*» номли, 419 бетдан иборат асари 1968 йилда *Блумингтон*да нашр қилинган. 1988 йилда «*Orhon yazitlari*» номли 200 варақли китоб нашр қилинади. 1993 йилда «*Ирқ битик*», 1995 йилда «*Orhon yazitlari, Kultegin, Bilge qağan, Tönyuquq*» номли асарларини яратади. *Талъат Текин* раҳбарлигида ҳам турк тили ва туркийшунослиги бўйича докторлик диссертациялари ёқланган. *Талъат Текин* ўзи бевосита устозлик қилган шогирдларидан ташқари туркологияга қизиқувчи ҳар бир ёшнинг устози ҳисобланади.

Яна бир таниқли турколог, 1983 йилда *Осмон Фикри Серткая* *Култегин* ва *Куличўр* битикларида тез-тез қўлланиладиган «*оплаю тегмек*» жумласи ҳақида кичик, аммо қизиқарли мақола чоп этди. *Осман Фикри Серткая*-1946

йили 11 августда Аданада туғилган. Истанбул университети, Адабиёт факультети Турк тили ва адабиёти мутахассислигини тугатган. Осман Фикри Серткаянинг туркий-рун матнларга оид мақолаларидан бири 1974 йилда «*Кўктурк тарихи масалалари: Култегинми, ёки Кўлтегинми?*» «Турк адабиёти» журналида босилиб чиққан. 1976 йилда «*Islami devrinin uygur harfli eserlerinden sivaç-ul kulub*» номли докторлик диссертациясини ёзган. О.Ф.Сертакая 1966-2013 йиллар оралиғида Кўктурк, уйғур, қорахонли, кипчоқ, чигатой, илк усмонли ва ҳозирги уйғур туркийлари даврларининг тили, адабиёти, тарихи, санъати, халқ оғзаки ижоди ва бошқа кўплаб соҳаларга тегишли 400дан ортиқ мақолалар ёзган<sup>61</sup>.

Тошбитикларни қозоқ олимларидан *Г.Айдаров, А.Байтурсинули, Қ.Жубанов, И.Кенгесбаев, Н.Сауранбаев, М.Балақаев, С.Аманжолов, Р.Сиздик, Ш.Сарибаев, Р.Амиров, А. Қуришжанов, Қ. Сартқожаулы*<sup>62</sup> ва бошқа тадқиқотчи олимлар ўрганишган. Шулар орасида ярим аср вақтини илмий соҳага бағишланган Г.Айдаров туркийшуносликка жуда катта ҳисса қўшди. Г.Айдаров шундан ўн аср қадимийроқ тарих-Ўрхун-Энасой, Култегин, Тўнюқуқ ёзувларини келажак авлодга ҳеч ўзгаришсиз етказишдаги хизматлари катта бўлди. Г.Айдаров энг аввало, қозоқ халқининг фидойи ўғлонларидан биридир. Филология фанлари доктори, профессор, Ахмет Бектурсинули номидаги тилшунослик институтининг бош илмий тадқиқотчиси Телғожа Жанузақов: - «*Г.Айдаров тадқиқотчи олимдир. Олим умр бўйи фақат бир соҳада, яъни тилшунослик соҳасида фаолият олиб борган. Туркман, озарбайжон, татар тилини ўзлаштирган. У қозоқ тилшунослигида Ўрхун-Энасой, Култегин, Тўнюқуқ ёзма ёдгорликларини дастлабкилар қаторида қўлга олиб, илмий жиҳатдан ўрганган олим*»-эканлигини таъкидлайди. Г.Айдаров-1921 йил Мангистоғ вилояти, Мангистоғ тумани, Телман посёлкасида таваллуд топган. 1959 йили

---

<sup>61</sup> Erhan Aydin. «Osman fikri Sertkaya ve turk runic metinleri» Electronic journal of oriental studies. Vol. IX, No. 10. Academia

<sup>62</sup>Еренғайып Куатайұлы «Ақ жол Қазақстан» №39(60) 26.09.03, 8-9 бб .adebiportal.kz

*«Тўньюқуқ ёдгорликларининг тили ва ҳозирги айрим туркий тиллар билан муносабати»* номли номзодлик диссертациясини, 1974 йили *«Қадимги туркий Ўрхун-Энасой ва Талас ёдгорликларининг лексикаси»* мавзусида докторлик диссертациясини Боку шаҳрида озарбайжон тилида ҳимоя қилади. 250 дан ортиқ илмий-тадқиқот ишлари, 10 та монография ва олий тадқиқот муассасалари ўрганувчилари учун дарсликлар муаллифидир. Илмий ишларининг барчаси қадимги туркий ёзма ёдгорликларни ўрганишга бағишланган. 1966 йили *«Язык орхонского памятника Билгеқазан»*, 1971 йили *«Ўрхун ёдгорликларининг тили»*, 1986 йили *«Қадимги туркий ёзма ёдгорликлар тили»*, 1990 йили *«Ўрхун ёдгорликлари матни»*. 1991 йили *«Эски уйғур ёзма ёдгорликларининг тили»* ва бошқа кўплаб асарлари нашр қилинган. 2001 йили 1 мартда вафот этган. Г.Айдаровнинг *«Қадимги туркий ёзма ёдгорликлар тили»*, асарида китобнинг биринчи бўлимига алоқадор қуйидагича асослама беради: *«қадимги туркий тилда ёзилган обидаларни яратилган жойига қараб таснифлашнинг назарий жиҳатлари ҳали аниқланмаганлиги учун, баъзи чалкаш жиҳатлар ҳам мавжуд. Бу сафар қадимги туркий тилда ёзилган обидаларни гуруҳлаш учун биз ҳар жойда айтилаётган, ёзилаётган тахминларнинг биттасинигина, умумжаҳон шарқшуносларининг XXII Конгресси хулосасига мос равишда бутунжаҳон туркологлари биргаликда ёзган «Турк филологияси асослари» да берилган таснифдан фойдаландик»*. Демак, Г.Айдаров асарда ёдгорликлар тили хусусида мавжуд назарий билимларни қиёсан таҳлил қилган ҳолда умумлашма маълумотлар беришга ҳаракат қилган.

Ундан кейинги ўринда тошбитикларни илмий тадқиқ қилган олим Қаржаубай Сартқожа улидир. У филология фанлари доктори, тарих фанлари номзоди, Халқаро Чингизхон Академиясининг академиги, Отатурк номидаги Халқаро турк тарих академиясининг аъзоси, турколог, профессор. У 16 монография, 250 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.

Қаржаубай Сартқожаулы [элана.кз](http://элана.кз) сайтыга берган интервьюсида шундай дейди: «Қадимги Саклардан, хунлардан тортиб, кечаги Қозоқ хонлигига қадар боғланган тарихни очиб берувчи ёдгорликларнинг кўпчилиги Мўғул ерларида сақланган. Асосан, Хитойнинг шарқидаги Манчжурия худудидаги Қадирқан тоғидан (Хянган) тортиб, Эдил, Донга қадар худудни эгаллаган кўк турклардан кейинги даврларда кўплаб ёдгорликлар қолган. Ҳозирги Хитой ерлари ва Мўғулистон худудида қадимги Хунларга тегишли 40 та қальанинг ўрни топилиб, улар абадийлаштирилган. Турк хоқонлигининг пойтахти бўлган Ўрду балиқ шаҳри Ўрхун дарёсининг бўйида жойлашган. Шаҳар кўрғонининг баландлиги 12 метр. Кўрғон худуди жиҳатдан Европадаги тарихий қальалардан катта эканлиги айтиб ўтилган. Шунга кўра археологлар бундай катта худудда туркий халқлардан турли хил ёдгорликлар бўлиши керак деб ҳисоблашган. Кўктурклар макон қилган катта худуддан қоя расмлари, улкан устунлар, тош ёдгорликлар етиб келган. Уларнинг Мўғулистон худудида тўлиқ сақланиб туришига маҳаллий халқларнинг тушунча ва ўйлари сабаб бўлган. Мўғуллар ўша ёдгорликларни муқаддас санаб, уларга эътиқод қилишган. Юқорида айтиб кетилган тош ёдгорликларни, бизгача ўрганган олимлар, «*Эски уйғур тили*»га тегишли деб ҳисоблашган. Узок йилги тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, улар «қипчоқ тили»да ёзилган ёдгорликлардир (бу ҳақида унинг «*Тош китобнинг сири*» номли асарида тўлиқ баён қилинган). - Қипчоқлар «Ж» диалекти билан гапиришган. Ўрхун-Энасой ёдгорликларини ўқиган Радлов, Томсен сингари олимлар мана шу белги, яъни «Ж» ни йўқотиб юборишган. Аввалида чалкашлик бўлган. Улар ўрта асрдаги уйғур тилининг таъсири остида шундай хулосага келишган. Яна бир сабаб: сиёсатнинг ҳам таъсири бўлган».

У узок йиллик тадқиқотлардан кейин, қозоқ далаларида жойлашган ёдгорликлар қипчоқ тилида ёзилганлигини исботлай олган. I, II турк хоқонлигини барпо қилувчилар кўк турклар эканлигини ўша худудда топилган турли ёдгорликлар орқали исботлашга ҳаракат қилди. Бу



туркология тарихидаги энг катта янгилик бўлди. Яна бир жиҳатни таъкидлаш керакки, қадимги туркий тилларни тадқиқ қилишда уларнинг тилини билиш алоҳида, ёзувини билиш алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг билан чекланмай, уларнинг урф-одати, диний тушунчаларини ҳам чуқур англаш лозимдир. Буларсиз турколог бўлиш мумкин эмас.

Қаржаубай Сартқожаулы 30 йилдан ортиқ илмий экспедицияларда қатнашди. Тошларнинг юзидаги ҳар бир белгини қолдирмасдан ўрганишга ҳаракат қилди. Шимолий Хитойни, Мўғулистон ерларини, қозоқ ерларидан Донга қадар ҳудудларни синчиклаб ўрганди. Мана шу фаолият натижасида қадимги туркий ёзувнинг пайдо бўлиш даврларини белгилади. Бугунги кунгача бу ёзувларни ҳар ким ҳар хил изоҳлаган. Кимдир, эски сўғдий ёзувлари дейишса, кимдир, оромий ёзуви деди. Тадқиқотлар натижасида, унинг англагани шу бўлдики, эски туркий ёзувлар яратилиши ибтидоий одамлар орасида шахсий буюмларнинг пайдо бўлиш даврига бориб тақалади. Яъни ҳар қабила ўзига тегишли мол, чорволарга ҳар хил белгилар қўйишган. У ривожлана бориб бўғинли ёзувга, ундан кейин грамматикасиз ёзувга айланган. 552-565 йиллари Мухан хоқон давридагина мазкур ёзувнинг грамматикаси ишлаб чиқилган. *«Томсен яратган янгиликларда жуда кўп хатоликлар мавжуд. Матнларни тўғри ўқиёлмаслик оқибатида кўплаб жумлаларнинг маъноси ўзгариб кетган. VII-VIII асрга тегишли ёдгорликлар: Култегин, Билга хоқон, Тўнюқуқ, Куличур, Онгин, Селенга тоши сингари тошматнларни янгидан нусхалаб кўчириб, этнолингвистик, тарихий-фонологик, грамматик, тарихий-типологик, диахрон, синхрон нуқтаи назарда ўрганилганда ёдгорликларда 500 га яқин хатоликлар аниқланган»,* - дейди олим. В.В.Радловдан 110 йил кейин Қаржаубай Сартқожаулы *«Ўрхун ёдгорликларининг тўлиқ атласи»* (2020) ни яратди. Улар қозоқ ва рус тилларида босиб чиқарилди. Ўрхун ёзувларнинг даврини ҳам ўрганиб, миллоддан олдинги I-VI асрлар деб белгилади. Қадимги туркий ёзувларни фрозаграмма, логограмма, силлобограммалар билан фонемограммаларини

илк бор илмий муомалага чиқаришга эришди. Шунингдек, «Ақ жол Қазақстан» газетасида ( №39 (60) 26.09.03, Б. 8-9) унинг Еренғайып Қуатайұлы билан суҳбатида шундай дейди: «Матнларни тўғридан-тўғри тошдан ўқийдиган дунёда б нафар шахс бор. Биттаси менинг устозим – С.Кляшторный Санкт-Петербургда, иккинчиси Москвада–Дмитрий Васильев, Англияда яшовчи америкалик олим Г.Клаусон, Туркияда Т.Текин, О.Серткая, қозоғистонлик А.Аманжолов ва мен –Қаржаубай Сартқожаулы»<sup>63</sup>.

Бугунги кунда Қозоғистонда қадимги туркий ёзма ёдгорликларни ўрганиш билан Напил Базылханулы шуғулланмоқда.

Марказий Осиёнинг ҳамма худудидаги, жумладан, Ўрта Осиёдаги қабилаларни бирлаштириб турувчи омил туркий тил бўлди. Шош ва Фарғона, Бухоро ва Сирдарё бўйлари, Еттисув ва Шарқий Туркистон, Кубан ва Дондаги қабилаларнинг барчаси, этник мансублигидан қатъи назар, туркий тилда гаплашганлар. Айниқса, Шош ва Фарғонада туркий қавмларнинг мавқеи баланд бўлган, айти пайтда бу қавм миқдор жиҳатдан ҳам бошқа худудларга қараганда кўп эди. Фарғона водийсидаги туркий ёзувлар тарқалган худудларни олимлар 60 йилларда хариталаштирганлар. Ўша пайтда олимларнинг диққатини кўпроқ Исфарадан топилган ёзувлар жалб қилди. Бунинг боиси шу эдики, Исфара ёзувлари Ўрта Осиёнинг, қолаверса, Марказий Осиёнинг бошқа худудларидаги туркий ёзувларга қараганда қадимийдир, – деган фикр бу ёзувларга эътибор қаратишга сабаб бўлди. 60-йилларда балки шундай хулосага келиш учун Исфара ёзувлари сабаб бўлгандир. Қолаверса, кейинги йилларда «Исфара ёзуви» атамаси остидаги бир қатор ёзувларнинг туркий-рун ёзувига мансуб ёки мансуб эмаслиги тўғрисидаги мунозараларни юқорида кўрсатиб ўтдик. 80-90 йиллардаги топилмалар эса, шубҳасиз, бу фикрлардан воз кечишга ундади. Исфара ёзувлари VI-VIII асрларга мансуб. Лўмбитепа ёзуви (Марҳамат тумани) ҳам

---

<sup>63</sup>Еренғайып Қ. Біз көк түріктердің тікелей ұрпағымыз. Adebiportal@gmail.com8(7172) 79 82 06adebiportal.kz

Исфара ёзувидан айрим полеографик жиҳатлари билан фарқ қиладики, бу фарқ Лўмбитепа ёзувининг сон жиҳатдан Исфара ёзувидан кам эмаслигини кўрсатади. Бундан ташқари, Қулжуктов тоғи ёнбағридан топилган ёзувнинг санаси ҳали аниқланмаган<sup>64</sup>. Туркий ёзувлар харитасида Фарғона водийсининг ғарб, шимоли-ғарб ва шарқ томони алоҳида ажралиб туради. Айниқса, шимоли-ғарб томонидаги Фарҳод ГЕСи қурилиши пайтида 1947 йили Қорамозордан топилган туркий ёзув Исфара ёзувларидан ҳам қадимийроқ, V-VII асрнинг биринчи ярмига оид бўлиб чиқди. Ёзув топилган пайтда К.Тревер мулоҳаза билдириб, Кушон ёзуви бўлса керак, деб айтган эди. Лекин орадан кўп ўтмай, К.Тревер фикридан қайтди. Сабаби битта-Кушон давлатининг ёзув ва тил маданияти тўғрисида эроншунослар қатъий фикрларини айтиб қўйган эдилар. Чунки тил ва ёзув этник жараёни аниқлаштирувчи муҳим омил эканини ҳар қандай олим яхши билади.

Кушоннинг кейинги даврдаги жуғрофий чегаралари ва тараққиёти кўпчиликка маълум. Бекободдан топилган туркий ёзув ҳам, Исфара атрофларидан топилган туркий ёзувлар ҳам Кушон давлатидаги ёзув анъанасининг давоми эмасмикан, деган мулоҳаза пайдо бўлади. Гап туркий ёзув тўғрисида кетганда, албатта, шакллантиришга имкон яратган, ёзувни юзага келтирган давлат ва давлатчиликнинг мавқеини ҳам айтиб ўтишга тўғри келади. Эҳтимол Фарғона водийси туркий ёзувлари турли қавмларнинг сиёсий жиҳатдан бирлашуви учун ҳам хизмат қилгандир<sup>65</sup>.

Ўрта Осиёдаги туркий-рун ёзувлари топилишининг ўзига хос тарихи бор. Бу ёзувлар Ўзбекистонда, гарчи ўтган асрнинг ўрталарида топилган бўлса ҳам мазкур ёдгорликларни ўрганиш XIX асрнинг охирида Туркистонда бошланган эди. Ўша пайтда Туркистон ҳаваскор археологлар тўғараги ташкил бўлди. Авлиёотадан топилган биринчи қадимги туркий ёзувдаги битиктош ана шу тўғарак аъзолари томонидан ўрганилди. Бу тўғаракнинг

---

<sup>64</sup> Насимхон Раҳмонов, Боқижон Матбобоев “Ўзбекистоннинг кўҳна туркий-рун ёзувлари”. Т.: -Фан 2006, - Б.28;

<sup>65</sup> Ўша асар, 30-бет;

фаолияти анча самарали бўлганини қайд этиш даркор. 1925 йил 23 сентябрда «Правда Востока» газетасида «*Эски ёдгорликлар бор эди*» номли мақола эълон қилинди. Мақола муаллифи мазкур газетанинг таҳририяти эди. Бу мақолада Ўрта Осиё маданий ёдгорликларини сақлаш ташкилотининг илмий изланишлари натижалари эълон қилинди. Мақолада архитектор М.М.Логинов ва профессор Денике Авлиётадан топилган ёдгорлик тўғрисида батафсил маълумот бердилар. Бу ёдгорлик аслида Авлиёта уезди бошлиғи В.А.Каллаур томонидан топилган эди. Ўзбекистон матбуотининг ўша даврда мазкур қадимий ёдгорликларга мурожаат этгани ва муносабат билдирганини муҳим воқеа деб баҳолаш лозим. 1932 йили Талас водийсининг Александр тоғ тизмалари ён бағридан – Аччиқтошдан бир тахтача топилди. Бу тахтачани М.Е.Массон топди. Тахтачанинг тўртала томонига ҳам ўткир асбоб билан ингичка қилиб ёзув битилган экан. Тахтача арча ёғочидан қилинган. Бу тахтачани М.Е.Массон Россия Давлат эрмитажига топширди. Тахтачадаги ёзувга алоҳида тўхталишимизга сабаб шуки, биринчидан, бу ёзув Ўрта Осиёда ёғочга ёзилган ёзув бўлса, иккинчидан, тахтачадаги баъзи белгиларнинг анъанавий белгилардан фарқ қилишидир. Тахтачадаги мазкур ёзувга дунё туркологларининг кўпчилиги- С.Е.Малов, К.В.Тревер, А.Н.Бернштам, И.Кизласов, Ҳ.Ўркун эътибор қаратадилар. 30 йиллар туркий-рун ёзувлари соҳасида анча самарали натижалар қўлга киритилган давр бўлди. Ўш атрофларида Массон ва С.Е.Малов олиб борган археологик қазувлар кўпгина туркий-рун ёзувларини жамоатчиликка маълум қилди.

Ўзбекистонда Ўрхун-Энасой ёдгорликларини ўрганишга А.Фитрат, О.Шарафиддинов, Н.Маллаев, А.Қаюмов, А.Рустамов, Ғ.Абдурахмонов, Э.Умаров, Т.Салимов, Б.Тўхлиев, Н.Раҳмонов, Қ.Содиқов каби ўзбек олимлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Жумладан, бу ёдгорликнинг топилиш тарихи Н.Маллаевнинг «*Ўзбек адабиёти тарихи*», Б.Тўхлиевнинг «*Ўзбек адабиёти*», А.Қаюмовнинг «*Қадимият обидалари*»

асарларида ёритилган. Ҳ.Зариф, М.Саидов, Б.Саримсоқов, М.Жўраев, С.Турдимов, А.Мусақулов, Г.Акрамов, Ж.Эшонқуловлар ўз ишларида мавзуга у ёки бу даражада тўхталиб ўтганлар. Лекин бу умумтуркий маънавий меросимизни ўрганишда Қосимжон Содиков ва Насимхон Рахмонов хизматлари бекиёс.

Дастлабки илмий нашрлар орасида академик Алибек Рустамов ва академик Ғанижон Абдурахмоновлар нашрга тайёрлаган барча Ўрхун ёдномаларини кўрсатиш мумкин. Улар 1982 йили «*Қадимги туркий тил*» дарслигида Култегин, Билга хоқон, Тўнюқуқ ёдгорликларини дунёдаги мавжуд нашрга қиёслаганлари ҳолда, анча сифатли ва саводли нашрни амалга оширган эдилар. «Нашрларни қиёслаш» деган ибора бир оз ғайритабiiй туюлиши мумкин. Барча битиктошларнинг биттадан асл нусхаси бор, иккинчи нусхаси тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Ҳамма гап-мавжуд асл нусхани қандай ўқишда. Ўрхун-Энасой араб ёзувига нисбатан мураккаб бўлгани учун матнларни дешифровка қилишда, яъни ўқишда ҳар хилликлар келиб чиқади. Шунинг учун йирик Ўрхун битиктошларининг нашрларида ҳар хилликларни кузатиш мумкин. Битта мисол келтирамиз: Култегин катта битиктошида «*балиққа басы:қди*» деган жумла бор. Шу жумлани аксарият туркологлар ҳанузгача «*шаҳарга бормади*» деб табдил қиладилар. Турк олими Таълат Текин ушбу жумлани «*балчиққа ботиб кетди*», деб изоҳлаган. Бизнингча, Текиннинг варианты жуда тўғри.

Туркий ёзма ёдгорликларнинг Ўзбекистонда ўрганилишига Э.Умаров салмоқли ҳисса қўшган. Унинг «Тил ва адабиёт таълими» журнали, 2013 йил 2-сонида «*Туркийшуносликда бир хато хусусида*» номли мақоласида В.Томсеннинг иккита масалада хатога йўл қўйганлигини қайд қилади. Унинг хатога йўл қўйгани сабабини эса битиклар тилини ўрганишда Европа тиллари товуш тизимидан келиб чиқиб ёндашганлигида деб белгилайди. Мақоладан парча келтирамиз: «*Туркишуносларга маълумки, туркий, жумладан, ўзбек тилидаги унлилар қатор бўйича тасниф қилинмайди.*

*Сабаби, унлиларни бундай иккига бўлишининг лингвистик асоси йўқ. Инчунун, бир рунанинг икки унлини англашиши мантиққа зид. Бу хато натижасида В.Томсен тўртта руна саккизта унлини ифодалаган,—деган нотўғри хулоса чиқарди. Афсуски, бу хато ҳозиргача давом этиб келмоқда».*<sup>66</sup> Э.Умаровнинг мазкур мавзуга оид кўплаб илмий ишларини кузатиб, унинг фикрлари асосли эканлигини кўришимиз мумкин. Демак, масала ҳам чуқур тадқиқотга муҳтож. Аини дамда ёдгорликлар тилини ўрганишда Европа тиллари товуш тизимига асосланилгани матн мазмунига ҳам таъсир қилган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ўзбекистонда битиктошларни тадқиқ қилган яна бир таниқли олим Қ. Содиқов ёдгорликларнинг тили, тарихи ва уларда илгари сурилган фалсафий қарашларини ўрганиб, Ўрхун-Энасой ёдгорликларини ўзбекчага таъдил қилди. Ўзбекистондан топилган битикларга асосланиб, Ўзбекистон кўҳна туркий рун ёзувларининг макони бўлган деган хулосага келди. Ёдгорликлар тили, услубияти, диалектикаси, фонетикаси ва морфологиясини ўрганди. Ўрганувчилар учун муҳим аҳамиятга эга асарлар ва дарслик китоблар яратиб, Ўзбекистонда янги туркологиянинг ривожига катта ҳисса қўшди. Олимнинг Ўрхун-Энасой ёдгорликларининг тадқиқига бағишлаб ёзган асарларини куйидаги гуруҳларга бўлиб ўргансак, мақсадга мувофиқ бўлади:

*1. Ўрхун-Энасой ёдгорликларининг тилини ўрганишга бағишланган асарлари:* «Эски уйғур ёзуви», «Қадимги туркий ёзувлар» ва «Қадимги туркий тил» фанларидан дарс матнлари, «Илк ўрта асрлар туркий матнлари номларининг изоҳли луғати», «Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши», «Кўк турк битиклари ва уларнинг тарихий талқини» номли китоблари, «Ёзма ёдгорликларда айрим ундошларнинг тараққиёт масаласи», «Кул тигин, Билга хоқон битикларидан ўрин олган «хоқон» сўзининг бошламалари ва ёдномаларининг матн тузилиши ҳақида», «Кул тигин ва Билга хоқон битикларининг матний-қиёсий

---

<sup>66</sup>Til va adabiyot ta'limi jurnali. 2013-yil .2-son, -B.36-38.

тахлили», «Ўзбекистонда топилган кўк турк харфли матнлар», «Турк-моний диний жамоаларида яратилган ёзма манбалар», «Тилшуносликнинг долзарб масалалари» номли мақолалари, Ўрхун-Энасой ёдгорликларининг тилини ўрганишга бағишланган. Жумладан, «Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши» (2006) тадқиқотида энг кўхна ҳамда ўрта асрларда яратилган туркий ёдгорликлар асосида ўзбек адабий тилининг шаклланиши, мумтоз адабий тилнинг юзага келиши, унинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилади.

2. *Ўрхун-Энасой ёдгорликларининг тарихини ўрганишга доир асарлари:* «Ўзбек адабий тили тарихидан», «Уйғур ёзуви тарихидан», «Кўк турк битиклари: матн ва унинг тарихий талқини», «Ёзув тарихи ва китобат санъати», «Ўзбек тили тарихи», «Туркий тил тарихи», «Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан» номли китоблари ва «Култегин ва Билга хоқон битиклари: тарихий манбанинг матн тузилиши» номли мақолалари Ўрхун-Энасой ёдгорликларининг тарихий томонларини ўрганишга бағишланган. Масалан, «Кўктурк битиклари: матн ва унинг тарихий талқини» (2004) китобида кўк турк обидалари номи билан юритилаётган битиклар тарихий-матний жиҳатдан таҳлил этилади. Битиклар асосида кўк турк даври тарихнавислигининг ўзига хос жиҳатлари, матн тузиш тамойиллари ҳақида баҳс юритилади<sup>67</sup>.

3. *Ўрхун-Энасой ёдгорликлари тадқиқига бағишланган фалсафий асарлари:* «Қадимги туркий халқларнинг диний-фалсафий қарашлари», «Шарқ фалсафаси» («Қадимги туркий халқларнинг диний-фалсафий қарашлари», «Шарқ фалсафаси» (Қадимги туркий халқларнинг диний-фалсафий қарашлари), «Эски туркий фалсафаси» номли китоблари ва «Қадимги туркларнинг олам ва унинг тузилиши тўғрисидаги кўзқарашлари» номли мақоласида ёзма ёдгорликларни фалсафий жиҳатдан ўрганади.

---

<sup>67</sup> Содиков Қ. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши-Тошкент: Шарқшунослик институти, 2006. -Б.32

**Н.Раҳмонов** Ўрхун-Энасой ёдгорликларининг туркий эпослардан ўсиб чиққан асар эканлигини айтиб, ёдгорликларни ўрганиш асносида ўзбек халқи тарихини ўрганишни узоқ асрлардан бошлаш кераклигини таъкидлайди:

«Биз туркий-рун ёзуви ўзбек тилининг тарихий илдизи учун ишончли манбалардан биридир деб қарар эканмиз, туркий-рун ёзуви, туркий тамғалар ва буларнинг асосида ётган қадимги туркий тил ҳақида бошқа ёдгорликлардаги тарихий маълумотлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Далилларга мурожаат этайлик: Элетмиш билга хоқон битиктошида (759–760-йилларда яратилган, бу даврда турк хоқонлиги тугатилиб, уйғур хоқонлиги барпо бўлган) шундай маълумот бор: *Бинг йиллиқ туман кунлук Битигимин, балгумин бунта яси ташқа яратдим, тоқу ташқа тоқутдим* «*Минг йиллик, туман кунлик ёзувимни, белгимни бу ерда ясси тошга ўйишга буюрдим (сўзма-сўз «яраттирдим»)*, *огир тошга ўрнаттирдим*». Моюн чур битиктошида ана ўша тарихий маълумот айнан такрорланади. Битиктошнинг шарқий томони 21-мисрасида турк хоқонлигини тугатиб, уйғур хоқонлигини ўрнатган Моюн чурнинг Айбаш ва Тукуш деган жойларнинг чорраҳасида ёзни ўтказгани, ўша ерда чит, яъни четан (девор) тўқитгани ҳақида хабар беради ва «*бинг йиллиқ туман кунлук Битигимин, балгумин анта жаси ташқа яраттирдим*» – «*минг йиллик, ўн минг кунлик (яъни абадий) ёзувимни, белгимни ясси тошга ўйдириб ёздирдим*»-деб ёзиб қолдиради. Мана шу икки парча қадимги туркий тилнинг илдизига ишора қилган ишончли, айни пайтда муҳим тарихий далил сифатида эътироф етилиши мақсадга мувофиқ»<sup>68</sup>.

Турк хоқонлиги маданиятини ўрганиб, шахзодалар Култегин, Билга хоқон ва маслаҳатчи Тўньюққунинг қаҳрамонликлари, ватанпарварлиги, халқ тақдирини ўзиникидан устун қўйиш хислатларини бизга узоқ ўтмишдан қолган мерос эканлигига эътибор қаратади. Туркий-рун ёзувида битилган битиклар Ўзбекистон ҳудудидан ҳам анчагина топилганини, уларнинг маъноларини Н.Раҳмонов ўз асарларида кўрсатиб берди. Умуман, олимнинг

---

<sup>68</sup> «Шарқ юлдузи» журналі, 2018 йил, 2-сон, 65-бет



Ўрхун-Энасой ёдгорликлари тадқиқига бағишлаб ёзилган асарларини куйидагича ўрганиш мумкин:

Ўрхун-Энасой ёдгорликларининг бадииятини ўрганишга бағишланган асарлар: «Тошга битилган китоблар», «Инсон руҳининг садоси», «Битиклар оламида», «Кўҳна битиктошлар», «Ўзбекистоннинг кўҳна туркий-рун ёзувлари», «Ўзбек мумтоз адабиётининг намуналари», «Ўзбек адабиётини даврлаштириш масалалари» каби китобларида ёдгорликларнинг маъноси, мазмуни, адабий томонлари ўрганилган. Жумладан, Б.Матбобоев билан ҳаммуалифликда ёзган «Ўзбекистоннинг кўҳна туркий-рун ёзувлари» (2006) китоби Ўрхун-Энасой ёдгорликларининг мантикий давоми сифатида Ўзбекистондан топилган туркий-рун ёзувидаги топилмалар ҳақида маълумот беради<sup>69</sup>.

Ўз навбатида, бу гуруҳнинг ўзи ҳам иккига бўлинади:

а) *Ўрхун-Энасой ёдгорликларининг фольклористикаси*: «Туркий ёзма адабиёт ва оғзаки эпик анъаналар муносабатига доир» мақоласи, «Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари ва туркий эпослар муносабати» докторлик иши (1991), Туркий халқлар сеҳрли эртақларида эврилиш (метаморфоза) ва унинг мифологик сюжетлар билан муносабати «Ўзбек фольклоршунослигининг долзарб масалалари» тўпламида, «Фольклоризм ва мифологизация–қадимги туркий адабиёт асоси» каби илмий асарларида ёдгорликлардаги фольклор намуналари ўрганилади.

б) *Ўрхун-Энасой ёдгорликларининг назарияси*: «Кул тигин ёдномаси поэтикаси» («Ўлмас обидалар» таркибида), «Қадимий ҳикматлар», «Култегин ёдномасида аллитерация», «Култегин ёдномасида адабий этикет», «Култегин ёдномасида бадий санъатлар» каби илмий асарлари ёдгорликлардаги насрий ва шеърий санъат турлари намуналарини ўрганади. Маълум бўладики, Қ.Содиқов ўз асарларида ёдгорликларнинг тил

---

<sup>69</sup> Раҳмонов Н., Матбобоев Б. «Ўзбекистоннинг кўҳна-рун ёзувлари». Т.: -2006, -Б.65.

хусусиятларини ва тарихий, фалсафий томонларини ёритган бўлса, Н.Раҳмонов эса уларни назарий ва бадиий жиҳатдан ёритиб берди.

Туркий халқларнинг диний тасаввурлари, оғзаки адабиёти ҳақида **А.Абдурахмонов** асарлари диққатга сазовор. Бу борада унинг 2006 йил Самарқандда нашр этилган «Туркий халқлар оғзаки адабиёти» номли асари мазкур мавзу юзасидан батафсил маълумотлар беради. Айни шу мазмунда **kh-davron.uz** сайтига «Туркий адабиётнинг қадимий қатламлари» асари жойланган. Асар мазмуни орқали қадимги туркийларнинг тотемистик, анимистик қарашлари, бундан ташқари уларнинг ҳаёт тарзи ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мумкин. Қадимги туркийлар келиб чиқиши билан боғлиқ афсоналар бадиий ифода тарзда баён қилинган.

Қадимги туркий тил даври ёдгорликлари ва уларнинг тил хусусиятларини ўрганишда **Бахтиёр Абдушукуров** тадқиқотлари ҳам катта аҳамият касб этади. Унинг «Ўзбек тили тарихи» (Дасрлик, Тошкент: Нодирабегим-2021.-332 бет.), «Қадимги туркий тил», (Қадимги туркий тил [Матн]: ўқув қўлланма/Б.Б.Абдушукуров. - Тошкент: «Навоий университети» НМУ, 2019.-127 б), «Эски туркий адабий тили», (елиб.бухду.уз. Бухоро-2020), сингари асарларида ёзма обидалар ҳақидаги қимматли маълумотлар мавжуд. Энг қадимги суғд, кўк турк (Ўрхун-Энасой, туркий рун), эски уйғур (турк) ёзувларидаги ёдгорликларни ўрганишга оид изланишлар олиб борган. Кўктурк хоқонлиги даврида яратилган Буғут мангутоши, унинг тикланиш тарихи, ёдгорликда сақланиб қолган суғдча битик талқини, суғд тилидаги араблар истилоси билан боғлиқ назарий қарашлар, кўк турк битиглари, кўк турк ёзувининг ўзига хос жиҳатлари, имло хусусиятлари, кўк турк хатида бизгача етиб келган Тўнюқук, Ўнгин, Култегин, Билга хоқон, Сужи битигларининг матни талқини, туркий ёзма ёдгорликлар асосида расмий услубнинг юзага келиши, тараққиёт босқичлари, ҳужжат турлари ҳақида муҳим маълумотларни қайд қилган.

Қадимги даврдаги туркий қабила ва уруғлар, уларнинг тилларига оид жуда кўп манбалар, тарихий ёдгорликлар мавжуд. Жумладан, турк хоқонлиги таркибига кирган туркий уруғлар ва уларнинг тиллари Ўрхун-Энасой ёдгорликлари орқали аниқланган. Бу ёдгорликларнинг топилиш тарихи, битикларнинг адабий-тарихий қиммати дарслик ва қўлланмаларда, бир неча илмий тадқиқотларда ўрганилган.

### **Биринчи боб бўйича хулосалар**

Қадимги ёзма ёдгорликлар бир неча асрлар давомида ўқилмасдан келган. Ёдгорликларни ўрганиш уларга хос «сир»ларни очиш, деярли барча мамлакат олимларини қизиқтирган. Шу туфайли уларни тадқиқ қилиш ҳақида дастлабки назариялар Европа олимларининг илмий фаолияти билан боғланади. Тошга ўйиб ёзилган битикларни ўрганиш орқали, улар тегишли бўлган халқларнинг ҳаёт тарзини, маънавиятини ҳамда сиёсий ҳолатини тасаввур қила оламиз. Шу сабабдан бўлса керак, тарихда катта ҳудудни эгаллаган туркий халқларга тегишли мазкур ёдгорликларнинг тилсимини ечиш дунёнинг барча тадқиқотчи олимларини ўзига жалб қилган. Қадимги туркий тил даври ёзуви намунаси ҳисобланган битиклар, мазкур давр элементларини ўзида тўлиқ сақлаган.

Қадимги туркий тил ўзининг келиб чиқиши ва ривожланиши жиҳатидан олтой ва хун даврлари билан узвий равишда боғланган. Бу даврда туркий уруғ ва қабилалар хун давлати таркибига кирган. Туркий тиллар тараққиётининг мазкур даврига жуда кўп ёзма манбаларни, тарихий ёдгорликларни киритишимиз мумкин. Жумладан, турк хоқонлиги таркибига кирган туркий уруғлар ва уларнинг тиллари Ўрхун-Энасой ёдгорликлари орқали аниқланган. Бу битиктошлар VII-VIII асрларга тегишли бўлиб, турк хоқонлиги даврида руний ёзувда битилган. Улар график жиҳатдан бири-бирига анча яқин туради. Сўғдий ёзуви асосида пайдо бўлган қадимги туркий рун ёзуви Ғарбий ва Шарқий турк хоқонлигида кенг тарқалган эди.

Қабртошларда бағишлов эгаси бўлган шахсларнинг амалга оширган ишлари, жумладан, туркий халқларни бирлаштириш, ички ва ташқи душманларга қарши курашдаги хизматларга алоҳида эътибор берилади. Табиийки, ёзувларда дабдабали мотам руҳи, йўқотиш изтироби сезилиб туради. Ушбу тошбитиклар биринчи навбатда VII-VIII асрларда Марказий Осиё худудларида юз берган шиддатли тарих воқеаларининг конкрет тақдирлар мисолидаги бадий ифодасидир. Уларни англаш, теран ҳис қилиш ўзликимизни англашда катта аҳамият касб этади. Ёдгорликларда акс этган тарихий жараён ўша давр ҳаётидан хабар берса, обидалар тили, лексикаси аждодларимизнинг сўзлашув услуби, адабий тил тараққиётини белгилайди. Ўрхун-Энасой обидалари, бир томондан халқимиз ҳаётининг VII-VIII асрдаги мураккаб тарихини, адабий тилини ҳаяжонли ва таъсирчан лавҳаларда бизга етказиб қолдирган бўлса, иккинчи томондан, улар миллатнинг бирлигини сақлаш, ўзаро аҳилликка даъват этиш воситаси бўлган. Мазкур обидаларнинг тарихий, маърифий ва бадий қийматини шуларда кўришимиз мумкин.

Обидалар Европа, Россия ва Марказий Осиё туркологлари томонидан етарлича ўрганилиб келинмоқда. Туркий хоқонлик таркибида яшаган халқларнинг, асосан, туркий қабила ва уруғлардан ташкил топганлигини ҳисобга олган ҳолда ёдгорликларнинг айнан туркий тил хусусиятларини тўлиқ англаган олимлар томонидан ўрганилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки битикларда акс этган туркий тилларга тегишли хусусиятлар европалик олимлар томонидан ҳисобга олинмаган ёки йўққа чиқариб юборилган. Шу маънода қадимги туркий ёзма обидалар мазмуни, таржимаси масалалари бугунги кунда ҳам туркийшуносликнинг долзарб тадқиқот мавзуларидан бири бўлиб қолаверади.

## II БОБ. ЎРХУН-ЭНАСОЙ ОБИДАЛАРИ ЛУҒАВИЙ ҚАТЛАМИ

### 2.1-§. Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликларида қўлланилган ономастик бирликлар

Лексикологияда тилда мавжуд бўлган барча сўзлар, яъни ўша тилнинг луғат бойлиги ҳақида сўз юритилади. Шунинг ҳам қайд қилиш керакки, қадимги туркий тил луғат таркибида мавжуд бўлган сўзларни бирор уруғ ёки қабиллага мансуб деб бўлмайди. Чунки қадимги туркий тил лексик қатламида мавжуд бўлган сўзлар ўша даврда яшаган уруғ ва қабилаларнинг барчасига тегишли бўлган деб қараш зарур.

Қадимги туркий тил лексикаси мазкур тилнинг қайси диалектлар асосида шаклланиганини кўрсатиши билан диққатга сазовор. Шунингдек, ижтимоий-сиёсий муносабатлар тарихи ҳам илк бор лексикада акс этади.

Қадимги туркий тилнинг лексик қатлами ўзига хос. Бу тилнинг лексикасидаги ўзига хослик шундан иборатки, қадимги туркий қабилаларнинг тилларидаги лексик қатлам, тилнинг бошқа сатҳларига қараганда, қадимги туркий адабий тилнинг шаклланишида катта вазифа бажарган<sup>70</sup>.

Лексика атамаси грекча *лексисос* («сўзга оид») сўзи ҳосиласидир. Лексика деганда, тилнинг барча сўзлари, луғат таркиби назарда тутилади. Лексика атамаси тилнинг алоҳида сўзлар қатламига ҳам (маиший лексика, поэтик лексика, иш юритиш каби), бир ижодкор томонидан қўлланган барча сўзларга нисбатан ҳам ёки бирор асар ҳақида ҳам қўлланилиши мумкин. Тил лексикаси тилшуносликнинг лексикология, семасиология ва ономасиология соҳалари ўрганиш манбаи ҳисобланади. Лексика бевосита ёки билвосита борлиқни ифодалайди, жамиятдаги ўзгаришларни, халқнинг моддий ҳаёти ва маънавий олами акс эттиради, янги предмет, ҳодиса, жараён ва

---

<sup>70</sup> N.Rahmonov, Q.Sodiqov. “O‘zbek tili tarixi” T. “O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti”.: -2009. 78-bet,

тушунчаларни ифодалаш учун янги сўзлар билан муттасил тўлиб боради. Ўзида эскириш ва янгиланишни тўла акс эттиради. Истеъмол даражаси сусайган birlikлар эса лексикадан бутунлай чиқиб кетмайди. Моддий ишлаб чиқаришнинг ҳар хил соҳалари мунтазам ривожланиб, янги йўналишлар билан бойиб бориши, фан ва техниканинг тинимсиз ривожини янгидан-янги махсус сўзлар, атама ва терминологик қатламларни вужудга келтиради ва ривожлантиради. Бунда эътиборлиси шундаки, умумистеъмол сўзларнинг айримлари терминологик табиат касб этса, айрим атамалар ўз ифодаланмишининг кундалик турмушда қўлланиш даражасига боғлиқ равишда умумистеъмол хусусият касб этиб боради. Жамиятда умумий тадқиқотнинг ривожини ҳам тилнинг ўрта саъвияли соҳибларида тил терминологик тизимининг халқчиллашувига олиб келади. Тил лексикасида жамиятнинг ижтимоий қатламланиши ўз аксини топади.

Қадимги ёзма манбалар тилини кўздан кечиришда, унинг лексик таркиби ўша даврда яшаган туркий қабилаларнинг ҳаёти, турмуш тарзи, урф-одатлари тўғрисида тасаввур уйғонади. Биргина мисолни олайлик: лашкарбошилар қабрига, мурданинг ёнига кичкина тош ҳайкалчалар қўйилган. Улар жангда ўлдирган душманлари сонини англатади. Ана шу ҳайкалчалар балбал деб айтилган. Илмий манбаларда ёзилишича, одам қиёфасидаги «балбал» деб номланувчи бу тошлар қадим турк хоқонликлари давридан мерос. Бу каби тарихий тош ҳайкаллар туркийзабон халқлар яшаган маконларда – Россия, Украина, Озарбайжон, Қозоғистон, Мўғулистоннинг кўплаб жойларида учрайди. Балбал маълум бир ҳудудда машҳур бўлган одамнинг ҳурматиغا бунёд этилган. Улар асосан элини, ерини душманлардан ҳимоя қилган ботирлар ҳурматиغا ўрнатилган. *Балбал* – қадимий туркий сўз бўлиб, «бал-бал», яъни «зарба бермоқ», «қоқмоқ», «урмоқ» каби маъноларни англатади. Туркийшунос олимлар фикрича, *балбал* – «тошни тик қилиб ўрнатган белгилар» деган маънога эга. Балбалнинг этномаданий маъноси қадимги туркий даврда, яъни VI-IX асрларда алоҳида мазмун касб этган. У

пайтларда қадимги туркий урф-одат ва анъаналарга кўра, балбалларнинг аксарияти хоқон, тегин, торхон, чор, тудун, бий, бек каби элбошчилар, ботирлар, оқсуяк одамларнинг ҳурматиға махсус ясалган. Улар орқали мотам тутилган, марҳумнинг руҳи ҳурматиға «йўқлаш» каби удумлар бажарилган. Марҳумнинг руҳини шод қилиш маросимида қатнашганлар ўзлари яшаётган маконидан балбал тошларни олиб келган ва анъанаға мувофиқ, марҳумнинг дафн этилган жойида оралиқ масофасини бирдек қилиб, қаторлаштириб ўрнатган. Ушбу эсдалик мажмуасини яратишға иштирок этганлар ўзларининг қавми, уруғ-тоифаси тамғаларини ёки қадимги туркий битик ёзуви билан исмларини, лавозим, унвонларини ёзган. Бу қадимги туркий қавмларнинг ўзига хос йўқлаш маросимидан дарак беради. Марказий Осиёда ислом динининг кенг тарқалиши билан тошлардан эсдалик яшаш ўз маъносини йўқота бошлаган<sup>71</sup>.

Тарихий-этимологик жиҳатдан қараганда, қадимги туркий тил лексикасини асосан умумтуркий сўзлар ташкил қилади. Уларнинг кўпи ҳозир ҳам туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида қўлланади. Буни мисоллардан ҳам кўриш мумкин. «Култегин» битиктошининг учта сатри (1-3) ни таҳлил қилганда, унда жами 58 та сўз қўлланган бўлиб, шундан 42 таси ҳозирги ўзбек тилида айнан ёки айрим ўзгаришлар билан қўлланади, 17 та сўз эса ҳозирги тилимизда қўлланмайди.

*Тәнгри-тәг, тәнгрида болмыш турук билгә қаған бу өдка олуртум, сабымын тукәти әшидгил: улайу уни йигунум, огланым, бирики огушум бодунум, бирйа шадапыт бәглар, йирйа тарқат буйруқ бәглар, отуз...*

*яъни тангридан бўлмиш турк билга хоқон бу дунёга келдим. Сўзимни тугал ешитгил кейнимдаги уни, жияним, ўғилларим, иттифоқ, уругим,*

---

<sup>71</sup>Кызласов Л.Р. О значении термина «балбал» древнетюркских надписей// Тюркологический сборник. М., 1966. –С. 43.

халқим, ўнгдаги шадатит беклар, чапдаги тархонлар, буйруқ беклар, ўтуз...[Тўнюқуқ, 1].

*Тоқуз оғуз бәгләри бодуны бу сабымын әдгути әшид қатығды тынгла илгәру кун тоғсыққа, биргару кун ортусынгару, қурыгару кун батсиқинга, йиргару тун ортусынгару, анта ичрәки бодун қоп манга көру, анча бодун...*

*тўққиз ўғуз беклари, халқи бу сўзларимни яхишлаб ешит, диққат қилиб тингла! Олдинга-кунчиқарга, ўннга-жанубга, орқага-кунботарга, чапга-шимолгача бўлган ер ичидаги халқлар ҳаммаси менга қарайди. шу халқни...*  
[Тўнюқуқ, 2].

*қоп әтдим. Ол амты аийығ йоқ Турук қаган Ўтукән йиши олурсар, әлтә бунг йоқ, илгәру Шантунг йазықа тәги суләдим, талуйқа кичиг тәгмәдим, биргәру Тоқуз әрсәнка тәги суләдим, Тупуткә кичик тәгмәдим, қурыгару Йинчу ўғуз..*

*мамнун қилдим. У енди ёвуз емас Турк хоқони Ўтукан йишида турса, елда ташвиш йўқ. Шимолга Шантунг чўлигача лашкар тортдим, денгизга бир оз етмадим. Жанубга тўқуз арсангача лашкар тортдим, Тупутга бир оз етмадим. Фарбга Инжу ўғуз Сирдарёни...[Тўнюқуқ, 2].*

Ҳозирги тилимизда истеъмолда мавжуд сўзлар	Ҳозирги тилимизда истеъмолда сақланиб қолмаган сўзлар	
<i>Тангри</i>	<i>Ўд</i>	<i>Дунё</i>
<i>Турк</i>	<i>саб</i>	<i>сўз</i>
<i>қаган</i>	<i>йигун</i>	<i>жиян</i>
<i>Тукат</i>	<i>бирики</i>	<i>иттифоқ</i>
<i>ашид</i>	<i>йирйа</i>	<i>чап</i>
<i>Оглан</i>	<i>Бодун</i>	<i>Уруг-халқ</i>
<i>бек</i>	<i>Қатигди</i>	<i>Диққат қил</i>
<i>ини</i>	<i>Тоғсиқ</i>	<i>кунчиқар</i>
<i>тарқат</i>	<i>Биргару</i>	<i>жануб</i>
<i>буйруқ</i>	<i>Ортусингару</i>	<i>кунботар</i>
<i>Тоқуз</i>	<i>Қўп атдим</i>	<i>Йығдим</i>
<i>Оғуз</i>	<i>Алта</i>	<i>әлда</i>
<i>адгу</i>	<i>бунг</i>	<i>Ташвиш</i>
<i>тингла</i>	<i>язиқ</i>	<i>чўл</i>
<i>кун</i>	<i>суладим</i>	<i>Лашкар</i>



		<i>тортмоқ</i>
<i>тун</i>	<i>арсанг</i>	<i>Ўлчов бирлиги</i>
<i>Ичра</i>		
<i>илгару</i>		
<i>Кичик</i>		
<i>Инчу-инжу</i>		
<i>Тупут-тибет</i>		
<i>йоқ</i>		
<i>батисинқа</i>		
<i>Ўтукан йиш</i>		
<i>көрур</i>		

Лексикани ўрганиш тамойилларидан келиб чиқиб мазкур тадқиқот ишида қадимги туркий ёдгорликларда мавжуд бўлган соф туркий сўзларнинг сақланиб қолиш даражаси ҳамда йўқолиб кетиш сабаблари кенг таҳлилга тортилади. Тилнинг лексик хусусиятларини тилшунослик бўлимларидан ономастика бўлими кўпроқ ўзида сақлайди.

XX асрнинг 60-70 йилларида ўзбек тилшунослигида бир қатор илмий йўналишлар пайдо бўлди. Масалан: экспериментал фонетика, фонология, морфонология, фразеология, стилистика (услубшунослик), нутқ маданияти, ижтимоий тилшунослик (социолингвистика), ареал лингвистика, лингвостатистика кабилар. Ўзбек ономастикаси ҳам ўша даврларда вужудга келган тилшуносликнинг янги соҳаларидан бири. Ўзбек ономастикаси (номшунослиги) ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тилшуносликнинг энг ривожланган соҳаларидан бирига айланди. Ўзбек номшунослиги бўйича олиб борилган кенг қўламли тадқиқотлар ўзбек ономастикаси соҳасини бир қатор монографиялар, рисоалар, изоҳли луғатлар, кўп сонли илмий мақолалар, номзодлик ва докторлик диссертациялари билан бойитди<sup>72</sup>.

Тарихий атамаларни, номларни ўрганиш ва қайта тиклаш ҳар биримизда ватанга, тарихимизга бўлган эътиқодни, муҳаббатни қайта тиклайди. Ўрхун-

<sup>72</sup> Бегматов Э, Улуков Н. Ўзбек ономастикаси. Библиографик кўрсаткич (XIX аср охиридан-2008 йилгача эълон қилинган ишлар олинган). Наманган-2008. –Б.168;

Энасой обидаларидаги номларни ўрганиш ҳам айнан мана шу мақсадларни кўзлайди<sup>73</sup>.

Ономастика тилшуносликнинг ҳар қандай атоқли отларни, уларнинг пайдо бўлиш ва ўзгариш тарихини ўрганувчи бўлими, шунингдек, тилдаги барча атоқли отлар йиғиндисини ўзида ифодалайди. Ономастика фани тилдаги мавжуд ономастик тизимларни аниқлаш ва ўрганишни мақсад қилиб кўяди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, тадқиқот ишимизнинг II бобида Ўрхун-Энасой обидаларида қўлланилган номларни қиёсий ўрганиш масалалари эътиборга олинди.

### 2.1.1.Антропонимлар

Маълумки, антропоним (юнонча: антропос-онома-атоқли от)- киши атоқли оти (исм, фамилия, лақаб, тахаллус, патроним ва бошқалар.)<sup>74</sup>. Маълум бир тилда мавжуд бўлган барча киши атоқли отлари мажмуи, фонди антропонимия деб юритилади. Ёдгорликларда қуйидаги киши номлари мавжуд.

**Тўнюқук.** *Билгә Тонйуқуқ бән өзум Табгач элингә қылынтым. Ўзим Табгач давлатида тарбияландим* [Тўнюқук,1].<sup>75</sup> жумласи билан асосий қисмга кўчилади.<sup>76</sup> У турк хоқонлигига асос солган. Исмнинг биринчи қисми, ҳозирда бир қатор туркий сўзларда сақланиб қолган, қадимги туркий тилга хос «тун» –«илк, улуғ», «бош, катта» сўзи билан алоқадор бўлиб, ўзбек тилидаги худди шу маъноларда қўлланилувчи *тўнгич* сўзининг негизи ҳам *тун* сўзига бориб тақалади. Қадимги туркий давлатчилик анъаналарига кўра, ҳар бир амалдор, хоҳ у хоқон бўлсин, хоҳ қуйи даражали лавозим эгаси бўлсин, уларнинг исми олдига баҳодир, алп, билга каби эпитетларга ўхшаб *тун* сўзи ҳам қўшиб айтилган ва шу асосда бир хил унвонга эга амалдорлар

<sup>73</sup> Бегматов Э, Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. Наманган-2006. Б.60

<sup>74</sup> Бегматов Э, Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. Наманган-2006.Б.13;

<sup>75</sup> Битиктошдаги матнлар сатр сони билан белгиланган. Масалан, мақолада Тўнюқук ёдгорлиги, иккинчи сатр сингари ҳаволалар қисқартирилиб, [Тўнюқук, 2] тарзида берилади.

<sup>76</sup> Qosimjon Sodiqov. “Bilga To‘nyuquq bitigi”. “O‘zbekiston adabiyoti va san’ati” gazetasi, 2012-yil, 2-son;

даражасига кўра фарқланган<sup>77</sup>. Жумладан, «*бән өзүм билга Тонйүкүк Өтукан ериг қонмиш, яъни мен ўзим билга Тўнюкүк Өтукан ерига қўнибди*» мазкур ўринда *билга* яъни «ақлли, доно, билимли» маъноларини ифодалаган лақаб, тахаллус кўринишидаги сўз қўлланилган. Кези келганда айтиб ўтиш керак, тун сўзи ҳозирги тилимиздаги «кеча, кечкурун» маъносидаги тун сўзидан фарқли бўлиб, ундаги у унлиси қаттиқ талаффуз этилган. Тилшуносликда «илк, тўнғич» маъносидаги *тун* сўзи *тўн* тариқасида, «кеча» маъносидаги тун сўзи эса *ту:н* шаклида транскрипция қилинади. Бу биринчи сўзнинг юмшоқ, иккинчи сўзнинг эса қаттиқ талаффуз қилиниши билан боғлиқ. Тўнюкүк сўзининг луғавий маъноси ҳақида турлича фикрлар бор. Р.Жиро бу исм *тони юкүк* (кийими юқлик) деган сўздан олинган дейди. В.М.Наделяев ўзининг шу масалага бағишланган мақоласида бу ном *туюқ-ўқ* (туёқ ўқ) сўзларидан иборат деб кўрсатади. Турк олими Али Улви Элове «*Turk dili arastirmalari yilligi*» (Анкара,1958) да нашр қилинган «*Bir yazi maselesi üziriine*» номли мақоласида мазкур от *тўн* (бирламчи, тўнғич), *ёқ*-(юксал) ва *уқ* (от ясовчи кўшимча) дан иборат дейди. Ленинградлик олим С.Г.Кляшторний бу фикрга иккинчи элемент *оқ* сақламоқ, қадрламоқ маъносидаги феълнинг ўзаги деб тузатиш киритади ва Тўнюкүкнинг асл луғавий маъноси «*тўнғич жавҳар*» деган хулосага келади. Шундан аниқлашадикки, кейинги икки олимнинг фикрлари бизнинг фикримизни далиллайди.

*Илтәрис-Элтариш. бирлә Элтариш қаган болайын, барийә Табғачыг онрә Қытанйыг йирайа Оғузуг өкушәк олурти. Элтариш хоқон жанубда Табғачни, Шарқда Хитойни, Шимолда Оғузни кўпгина ўлдирди* [Тўнюкүк,7]. Илтәрис - Элтариш Қутлуғ - Турк хоқонлиги хукмдори (680-691). Бумин хоқоннинг авлоди. Дастлаб тудун унвони билан Хитойнинг шимолидаги туркий қабилаларга раҳбарлик қилган Асл исми Қутлуғ бўлиб, кейинчалик Элтариш-давлатни, халқни бирлаштирувчи деган ном олган. У бир муддат

---

<sup>77</sup> Кляшторний С.Г. Тонюкүк-Ашида Юанчжен, Туркологический сборник. «Наука». М.: -1966,стр 23;

хитойнинг Тан сулоласига (618-907) қарам бўлиб қолган турк хоқонлигининг 681 йилда қайтадан мустақил давлат бўлишига муҳим ҳисса қўшган. Ўрхун битиктошлари ва Хитой йилномаларида Табғач (Хитой)га қарши Элтариш бошчилигида истиқлол учун олиб борилган ҳаракатлар батафсил баён қилинган. Жумладан, битиктошларда Элтариш хоқон аёли Элбилга хотун билан биргаликда давлатни қайтадан барпо этгани таъкидланади. Хитой йилномаларида Гудулу (Қутлуғ) шаклида қайд қилинган Элтариш хоқон Тан империясига қарши қўзғолон кўтарган туркий қабилаларга бошчилик қилади ва дастлаб Хитойнинг шимолидаги Чуқайқузи ва Қорақум (Хуанхе дарёсининг шимоли) мавзёларида қароргоҳ қуриб, фаолият юрита бошлайди. Элтариш 687 йилда йирик қабила ўғузларни енгиб, Ўтуқан (Мўғулистоннинг шимолий-ғарбий қисмидаги Хангай тоғларида жойлашган ўрмонли водий) ни хоқонлик марказига айлантиради. Унинг даврида Турк хоқонлиги ўзининг илгариги қудратига эришиб, Олтой, Жанубий Сибир ва Мўғулистонда истиқомат қилувчи туркий қабилалар битта давлатга бирлаштирилади. Бу даврда Турк хоқонлигининг ҳудуди шимолда Саян тоғларидаги водийларни, шарқда Керулен ва Ўнон дарёлари ҳавзаларини, жанубда Хитойнинг шимолий вилоятларини ўз ичига олган йирик давлатга айланади.

**Билга қаган** (асл исми Моғилён). *Тэнгри-тэг тэнгри йаратмиш Турук Билга қаган сабым: қанғым турук билгэ..., Тангридай тангри яратмиш турк Билга хоқон нутқим: Отам турк доно...*[Билга хоқон,1]. (684-734) -Турк хоқонлиги хоқони (716-734). Иккинчи турк хоқонлигининг асосчиси Элтариш хоқонининг ўғли, Култегиннинг акаси. 693 йил Элтариш хоқон вафот этгач, туркий халқларнинг удумига кўра тахтга укаси Мўчур, яъни Қапаған қаган ўтиради. У жияни Моғилённи хоқонликнинг ғарбий ҳудудларида яшовчи тардушлар ҳукмдори-шади этиб тайинлайди ҳамда унинг зиммасига муҳим ҳарбий масалаларни ҳал этиш вазифасини юклайди. 701 йили Моғилён 16 ёшли иниси Култегин билан биргаликда Чуй водийсига

юриш қилади ва у бостирилади (705 йил). Доно Тўнюққнинг қизига уйланган Моғилён 704 йил Ғарбий хоқонлик қўшинлари билан Энасой дарёсининг юқори оқимидаги *чик* ҳамда *аз* қабилаларини мағлуб этади. Маълум фурсатдан сўнг у ҳозирги Тува ерларини ҳам қўлга киритади. 716 йили Қапаған қаған *байирқу* қабиласи вакиллари томонидан ўлдирилгач, Моғилён укаси Култегиннинг саъй-ҳаракатлари туфайли хоқонлик тахтига ўтиради ва Билга хоқон лақабини олади. Билга хоқон Култегинни бош қўмондон, Тўнюққни эса бош маслаҳатчи этиб тайинлайди. Билга хоқон Қапаған хоқон даврида маълум даражада йўқотилган имкониятларни қайта тиклашга, туркий қабилалар ўртасидаги ўзаро жанжал ва низоларга чек қўйишга, уларни ягона давлат теварагида бирлаштиришга, ташқи хужумларни даф этишга қодир ҳарбий кучларни, қисқа муддатга бўлса-да, барпо этишга эришади. Билга хоқон 734 йил заҳарлаб ўлдирилган.

**Бўғу қаған.** *Бөг (у?) қаған бангаруанча айыдмыш, ана тарқангару ичра саб ыдмыш: билгә Тонйуққ анйыг ол, өз оланглар. Бугу хоқон менга шундай деб айттирибди. Апатархан (бош қўмондан) га махфий гап юборибди: билга Тўнюққ ҳушёр, ўзи билади [Тўнюққ, 34].* Бўғу хоқон, Қапаған хоқоннинг катта ўғли бўлган. Моғилён ва Култегинга яқин қариндош. У хоқонликнинг шимолида жойлашган кичик хоқонликни бошқарган. Тўнюққ битиктошида тилга олинади. 716 йилда Шарқий турк хоқонлигининг хоқони бўлган Қапаған хоннинг кутилмаганда вафоти Ўрдани саросимага солади. Аслида, жами кучлар Култегинга тегишли бўлса ҳам, Қапаған хоқон улушини ўзининг катта ўғли Бўғу хоқонга топширади. 699 йили Бўғуни кичик хоқон деб эълон қилишади ва отасидан қолган қирқ минг ҳарбийга эга бўлади. 716 йилда у тўлиқ хоқонликка хоқон деб белгиланади.

**Барсбаг** (*барс бек*). *Барс бәг әрти, қаған ат бунта биз бәртимиз, синглим қунчуйуг бәртимиз, ози йангылты, қағаны олти, бодуны кунг қул болты. Барс бек эди. Хоқон деб биз унвон бердик. Синглим хоқонзодани бердик. Ўзи адашди, хоқони ўлди, халқи чўри, қул бўлди [Култегин, 20].*

**Бумин қаған.** Бумин (Хитой тарихий манбаларида «Тумин») -Турк хоқонлиги асосчиси ва унинг биринчи ҳукмдори (552-553); Жужан хонлигига тобе *аш* уруғи (маъдан қазиш, темир эритиш ва ундан қурол-яроғлар яшаш билан шуғулланган) нинг сардори. Бумин «элхон» унвони билан илк бор 551 йил Турк хоқонлиги тахтига ўтиради.

**Элбилга.** *Субы анча тэмис<sup>78</sup>: «турук бодун йоқ болмазун» тэйин, «бодун болчун» тэйин, қангим Элтарис қазаныг, өгум Элбилга қатунуг, тэнгри тѳнусинта тутуп йѳгару кѳтурмис эринч. Суви<sup>79</sup> шундай дебди: «турк халқи йўқ бўлмасун» деб, халқ бўлсин» деб, отам Элтариш хоқонни, онам Элбилга хотунни тангри [ўз] мартабасида тутиб юқори кўтарган экан.* [Култегин, 11]. Қадимги мўғулчада Элбилга Хатан ёки Илбилга Қатун деб номланган. VIII асрнинг Кўктурк хоқонлиги хоқони Қутлуғ хоқоннинг аёли. Култегин ва Билга хоқонниг онаси.

**Истами хоқон.** Истами хоқон, Истами (хитойча Ши-де-ми, юн.-Стемвис, Византияча-Дизовул ёхуд Силзибул, арабча Синджибу)-ғарбий турк хоқонлигининг асосчиси ва биринчи хоқони (553-76); Бумин хоқоннинг укаси. Акаси вафоти (553)дан сўнг турк хоқонлигининг ғарбга қилган юришига раҳбарлик қилган. Истами хоқон қўшинининг сони 100 минг киши бўлган. Унинг унвони *ябғу-хоқон* бўлган. Истами хоқон ғарбни забт этишга жияни Муғон хоқоннинг ябғуси сифатида йўл олган. Истами хоқон қўшини қаттиқ қаршиликка учрамаган. 555 йили улар «Ғарбий денгиз» бўйига этиб борганлар. Фирдавсийнинг ёзишича: *Истами хоқонга тобеъ бўлган мулкларнинг чегараси «Чин» (Хитой)дан Жайхунгача ва Чочнинг нариги томонидан «Сирдарё»гача чўзилган*». Шундай қилиб, туркийлар бир ярим йил ичида бутун Марказий Қозоғистон, Етгисув ва Хоразмни забт этганлар. Бироқ Истами хоқон юриши кейин қийинлашган. Орол денгизининг шимолида унга хуни (хионитлар), вар (ўғур қавми) ва ўғур (угорлар-

---

<sup>78</sup> Буни *этмис* деб ҳам ўқиганлар

<sup>79</sup> Бизнингча, мазкур ўринда лашкар сўзи назарда тутилмоқда.

венгерлар аждоди) лар қаттиқ қаршилик кўрсатганлар. Фақат 558 йили бу қабилалар тор-мор қилинган ва туркийлар Волга бўйларига чиққанлар. Истами хоқонга тобеъ бўлишдан воз кечган *вар* ва *хун* қабилаларнинг қолган-қутганлари (20 мингга яқин киши) қочиб, кейинчалик ягона халқ-аварларга бирлашган.

*Исжилика-Исьи ва Лика. Табғач қаганта Исйи Ликанг кэлти, бир туман агы, алтун, кумуш кэргэксиз кэлурти. Тупут қаганта болун<sup>80</sup> кэлти. Табғач хоқондан Исйи Ликанг келди. Бир туман ипак, олтин, кумушни ортиқча келтирди. Тубут (Тибет) хоқондан бўлун келди [Култегин, 52].*

*Қапаған хоқон. Қапқан қаган Турук сир бодун йэринтэ бод йэмэ, бодун йэмэ киши йэмэ иди йоқ эртэчи эрти. Қапаған хоқон Турк сир халқи ерида уруг ҳам, халқ ҳам, киши ҳам (ерга) эга ҳам бўлмас эди. [Тўньюқук, 60].* Қапаған хон Қутлуғ хоқоннинг укаси. 961-716 йиллар оралиғида хоқонлик қилган. Ўрхун-Энасой обидаларида Қапаған хоқон номи билан тилга олинган. VII асрда у хоқонликнинг машҳур шахсларидан бири бўлган.

**Куни сангун.** *Көрүг сабы антаг: тоқуз оғуз бодун уза қаган олурты тэр, Табғачгару Қоны Сангунуг ыдмыш Қытанйгару Тонгра сэмиз ыдмыш: азқынйа турук бодун. Кузатувчининг гаплари шундай: Тўқуз ўғуз халқи устига бир хоқон ҳукмрон бўлди, дейди. Табғачга Куни Сангунни юборибди, Хитойга Тўнгра Семни юборибди. Уларга шундай гап юборибди: озгина турк халқи. [Тўньюқук, 9].* Табғач давлатининг аскар бошлиғи. Тўньюқук битиктоши матнларида учрайди.

**Мақрач.** *Он оқ оғлум Тургәш қаганта Мақарач тамғачы. Оғуз Билга тамғачы кэлти, қырқыз қаганта Тардуш ынанчу чор кэлти, барқ этгучи, бәдиз йаратығма битикташ этгучи Табғач қаган чықаны Чан Сәнгун кэлти. Он оқ оғлум Тургас қаганта Мақарач<sup>81</sup> тамгани, Ўғуз Билга тамгачи келди.*

---

<sup>80</sup> Буни дастлаб бўлан, кейинчалик *болун* деб ўқиганлар. Қадимги ва ҳозирги кўпгина туркий тилларда *о* фақат биринчи бўғинда келишини ҳисобга олиб, биз уни *бўлун* деб ўқидик. Бу сўз тибетча *блон* (олий мартабали шахс, аён) дейилади.

<sup>81</sup> Мақрач деб ҳам ўқилади. Мақарача ҳиндча маҳаражадан деб тахмин қилинади

*Қирғиз хоқондан Тардуш инанчу чўр келди. Бино ясовчи, нақш солинган битиктош ясовчи Табғач хоқонининг наққоши Чанг Сангун келди [Култегин, 53]. Эркаклар исми назарда тutilган.*

**Наън сангун.** *Удар сэнгун кэлти, Табғач қаганта Исйи Ликэнг кэлти, бир туман ағы алтун, кумуш кэргэксиз кэлурти. Тупут қаганта болун кэлти. Қурийа кун батсықдақы Согд бэрчакэр, Буқарақ улус бодунта Нэнг сэнгун Оғул тарқан кэлти. Удар сангун<sup>82</sup> келди. Табғач хоқондан Исйи Ликанг келди. Бир туман ипак, олтин, кумушни ортиқча келтирди. Тубут (Тибет) хоқондан бұлун келди. Жанубда кунботардаги Сузд барчакар, Буқарақ улус [ва] халқидан Нанг<sup>83</sup> сангун, Ўғул тархон келди [Култегин, 52]. Табғачларнинг ҳарбий қўмондони номи. Култегин ёдгорликларида учрайди.*

**Оғуз билга.** *Он оқ оғлум Тургәш қаганта Мақарач тамғачы, Оғуз Билгә тамғачы кэлти, қырқыз қаганта Тардуш нанчу чор кэлти, барқ этгучи, бадиз яратыгма битикташ этгучи табғач қаган чықаны Чан Сэнгун кэлти. Он оқ оғлум Тургас қаганта Мақарач<sup>84</sup> тамгани, Ўғуз Билга тамғачи келди. Қирғиз хоқондан Тардуш инанчу чўр келди. Бино ясовчи, нақш солинган битиктош ясовчи Табғач хоқонининг наққоши Чанг Сангун келди. [Култегин, 53]. Эркакларнинг исми. Култегин битиктошида учрайди.*

**Тинаси.** *Биз йәмә суләдимиз, аны иртимиз. Йәнчу оғузуг кәчә, Тинси оғли ятыгма Бәнгилак тагыг... биз ҳам лашкар тортдик, уни қувдик. Инжу ўғузни кечиб Тинси ўғли ётадиган Банглигак тоғини... [Тўнюқуқ, 44].*

*Тинси оғли ятыгма тағқа тәгмиш. Иди йоқ әрмиш. Тинси оғли этадиган тоққа этди. Эгаси йўқ экан [Тўнюқуқ, 47]. Эркакларнинг исми. Фақатгина Тўнюқуқ битиктошида учрайди.*

**Тонра Сам.** *Көрүг саби антаг: тоқуз оғуз бодун узә қаган олурты тәр, Табғачгару Қоны Сангунуг ыдмыш Қитанйгару Тонра сәмиг ыдмыш саб анча ыдмыш: азқинйа турк бодун. Кузатувчининг гаплари шундай: Тоқуз оғуз*

---

<sup>82</sup> Ҳозирги қўмондан атамасига тўғри келади;

<sup>83</sup> Бу ердаги Нанг оти форсча нак (луғавий маъноси «яхши») нинг туркчалашган кўриниши дейилади

<sup>84</sup> Мақрач деб ҳам ўқилади. Мақарача хиндча маҳаражадан деб тахмин қилинади



халқи устига бир хоқон ҳукмрон бўлди, дейди. Табғачга Куни Сангунни юборибди, Хитойга Тўнгра Семни юборибди. (Уларга) шундай гап юборибди: озгина Турк халқи... [Тўнюқуқ, 9]. Аслида Тонгра Сам(иг) бўлган. Эркак киши исми. Фақат Тўнюқуқ битиктошида учрайди.

**Удар Сэнгун.** *Удар сэнгун кэлти, Табғач қаганта Исйи Ликанг кэлти, бир туман ағы алтун, кумуш кэргэксиз кэлурти. Тупут қаганта болун кэлти. Қурийа кун батсықдақы Согд бэрчакэр, Буқарақ улус бодунта Нэнг сэнгун Оғул тарқан кэлти. Удар сангун<sup>85</sup> келди. Табғач хоқондан Исйи Ликанг келди. Бир туман ипак, олтин, кумушни ортиқча келтирди. Тубут (Тибет) хоқондан бўлун келди. Жанубда кунботардаги Сўгд барчакар, Буқарақ улус [ва] халқидан Нанг<sup>86</sup> сангун, Ўғул тархон келди [Култегин, 52]. Ҳарбий кўмондон исми;*

**Чача сангун.** *Култегин йадагин олайу тэгди. Онг тутуқ ёрчын йарақлыг алигин тутды, йарақлыгды қаганқа анчулады. Ол суг анта йоққышдымиз. Бир отуз яшинга Чача Сэнгункэ сунгушдимиз, энг элки Тадқан Чорынг боз. Култегин яёв отилиб, хужум қилди. Ўнг тутуқ йўлбошчисини яроқли қўли билан тутди, яроқланган ҳолда хоқонга армузон қилди. У лашкарни ўшанда йўқ қилдик. [Култегин, 32]. Ҳарбий генералнинг исми;*

### 2.1.2. Зоонимлар

Ўрхун-Энасой обидаларида ҳайвон номларининг ишлатилиши катта аҳамият касб этган. Мазкур битиктошларда зоонимлар ҳажман кўпчиликни ташкил этмаса-да, улар орқали англашилаётган маънолар ўша давр халқи ҳаёти, ижтимоий аҳволини ёритишда муҳим маълумотлар ҳисобланади. Баъзи ўринларда битиктошларда жониворлар номлари бугунги маъносига айнан ўхшамайди. Масалан, Култегин ва Билгахоқон битиктошларида «Тоғу балиқ» деган иборалар кўп қўлланган. Аммо бу ўринларда балиқ сўзи жонзот

---

<sup>85</sup> Ҳозирги кўмондан атамасига тўғри келади;

<sup>86</sup> Бу ердаги Нанг оти форсча нак (луғавий маъноси «яхши») нинг туркчалашган кўриниши дейилади

номи сифатида эмас, балки *шаҳар*, *қалъа* маъноларида ишлатилган. Тўнюқук битиктошида ҳам бундай ҳолатлар учрайди, бироқ битиктошда ҳайвон номлари нисбатан халқнинг ижтимоий аҳволи, аҳолининг маърифий ҳолатини ифодалаш учун қўлланилган.

**Буқа.** *Билсэр, сэмиз буқа, туруқ буқа тэйин билмэз эрмис, тэйин анча сақынтым. Биров туруқ буқа билан семиз буқани тезагидан билса, биров бу семиз буқа бу туруқ буқа дея билмас эмиш* [Тўнюқук, 6].<sup>87</sup> Парча Тўнюқук тилидан айтилган, унда ҳар ерга таркаган турк халқидан 700 киши бирлашгани, улар орасида ақлий юксаклари ва кўп нарсани ажрата олмайдиганлари ҳам бор, деган мазмун ойдинлашади. Яъни парчада тўғридан-тўғри семиз буқа ёки туруқ буқани фарқлаш маъносидан ташқари ўхшатиш маъноси ҳам қўлланилган. Бугунги кунда ўзбек адабий тилида мазкур сўз айнан сақланиб қолинган. Айрим туркий тилларда, масалан, қорақалпоқ тилида *буға* шаклида, турк тилида эса *боға* шаклида сақланган.

**Кийик.** *Кэйик йэйу, табышқан йэйу олурур эртимиз, бодун богзы тоқ эрти. Кийик еб, товушқан еб кун кечирар эдик, халқнинг бўғзи тўқ эди* [Тўнюқук, 8]. Тўнюқук шарофати билан халқ яна тўпланади. Кўплаб ерларга юриш қилади, ғалаба қозонади. Халқ яна тўкин ҳаёт кечира бошлайди. Бу ўринда *кийик* ва *товушқон* сўзлари халқнинг ижтимоий аҳолини ифодалаш учун ишлатилган. Бизга маълумки, кийик гўшти қимматбаҳо ҳисобланади. Демак, ўша даврларда ҳам кийик гўшти ноёб ҳисобланиб, уни юқори табақа вакиллари ёки сиёсий куч-қудратга эга бўлган аҳоли истеъмол қилган. Қадимги туркий тилда шундай маънони англатган от асли *кадик* тарзида талаффуз қилинган, кейинчалик *а:* унлиси *э* унлисига, *д* ундоши *з* ундошига ва *бу* ундош *й* ундошига, *охири* *э* унлиси *и* унлисига алмашган: *ка:дик>ка:зик>кезик>кейик>кийик*<sup>88</sup>. Қадимги туркий тилда «оҳу» маъносини англатувчи *кейик* сўзидан ташқари ёввойи маъносини англатувчи

<sup>87</sup>Битиктошларда матн транскрипциялари тушинишга қулай бўлиши учун рақамлар билан белгиланган

<sup>88</sup>Ўзбек тилининг этимологик луғати. Раҳматуллаев Ш. Тошкент, «Университет»-2000;

ка:йик сўзи ҳам мавжуд бўлган ва бу сўз ҳам кейинчалик кийик тарзида талаффуз қилиниб кетган. Бугунги ўзбек адабий тилида *кийик* тарзида, турк тилида *гейик* тарзида ишлатилади.

*Товушқон. Кэйик йэйу, табышқан йэйу олурур эртимиз, бодун боғзы тоқ арти. Кийик еб, товушқан еб кун кечирар эдик, халқнинг бўғзи тўқ эди* [Тўнюқук, 8]. Мазкур сўз ўзбек тилининг изоҳли луғатида *қуён* деб изоҳ берилган. Қуён кемирувчилар оиласига мансуб. Қулоқлари ва оёқлари узун, кичик югурик ҳайвон<sup>89</sup>. Қуён гўшти ҳам истеъмол учун овланган. Ҳозирги ўзбек адабий тилида *қуён* шакли ишлатилгани билан, баъзи ўғуз лаҳчасига тегишли шеваларда *товшон* шаклида қадимий кўринишида ишлатилиб келинмоқда.

**От.** ...*отунтум, су: йорытдым, атлат, тәдим. Ақ тәрмәл кәчә оғрақлатдым, ат узә бинтурә, қарығ сөкдүм, йоқару ат йәтә йадағын, ығач тутуни ағтуртум, өнгрәки әр. ...ўтиндим, лашкарни йўлга солдим, от сол дедим. Ақ тармални кечиб илдам йўлладим, отга миндириб қорни кечдим* [Тўнюқук, 25]. *Ол суб қоды бардымыз, санагалы тушуртумуз, атиг иқа байур эртимиз... кун йәмә тун йәмә йәлу бардымыз. Ўша сувнинг қуйи томонига бордик, лашкарни санагали туширдик, отни буталарга бойладик Кун ҳам тун ҳам елиб бордик* [Тўнюқук, 27]. Туркий халқлар оғзаки ижодида от тотемига алоҳида аҳамият берилган. Археологик қазилмалар даврида ярми от ва ярми одам шаклидаги санъат асарларининг топилиши ҳам отга эътиқоднинг қадимий рамзидир. Туркий халқлар қадимдан отларга меҳр қўйган. Отларни ақли жонивор сифатида эъзозлашган. Бу каби қарашларни зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да ҳам учратиш мумкин. Унда қайд этилишича, ўша даврда от билан боғлиқ бўлган расм-русмлар кўпчиликни ташкил этган. Бу жиҳат эр-йигитларнинг куч-ғайратини синовдан ўтказишида ҳам аҳамиятли бўлган. Масалан: *Лагамзадан*- отга суулик солиш, *зин задан*-отни эгарлаш каби дастурлар айнан от билан боғлиқ

---

<sup>89</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.: «Ўзбекистон» -2006. –Б.365.

маросимлар бўлган. Ўғил болалар 17 ёшида шу каби ҳунарларни қанчалик ўзлаштиришгани юзасидан синовдан ўтишган. Бу эса эр-йигитларнинг ҳаётида муҳим босқич саналган. *От*-«йирик иш-улов ҳайвони» Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз *a:t* тарзида талаффуз қилинган. Маҳмуд Қашғарий бу сўзни «қаттиқ талаффуз қилинадиган алиф билан» деб алоҳида таъкидлайди<sup>90</sup>. Ўзбек тилида *a* унлиси *a:* унлисига алмашган: *am>a:t*. От сўзи кўплаб туркий ёдномаларда қайд қилинганини учратамиз. Масалан, «Алпомиш», «Манас», «Кўрқут ота китоби»да от яхшилик белгиси, қаҳрамоннинг энг яқин сафдоши ва дўсти сифатида шаклланган. Ўрхун ёдномасидаги Култегиннинг Бўз оти ҳам шундай белгилардан ҳисобланади. *Нэнг йылсыг<sup>91</sup> бодунқа олурмадим... Мол йилқили халққа (хоқон бўлиб) ўрнашмадим.* [Култегин, 26]. Бу ўринда ҳам *йилқи* сўзи орқали халқнинг аҳволи, ижтимоий ҳолати акс этган. Йилқилари кўп халқ ўзига тўқ бўлган. Парчада Билга хоқон давлатли халққа хоқон бўлмагани, аксинча, ҳеч вақоси йўқ халққа хоқон бўлгани, уларни оёққа қўйгани айтилади. Қадимги туркийлар илоҳий мўжиза бўлмиш отга гапирадиган, уча оладиган ақлли маҳлуқ сифатида қараганлар. Ижтимоий ҳаётда муҳим ўрин тутган от муқаддаслаштирилиб, топиниш (культ) даражасигача кўтарилган. От номи билан боғлиқ дастлабки қарашлар «Авесто»даги куёш илоҳи Митрага бағишланган «Яшт» мадҳияларида учрайди. «Авесто» яштларида таъкидланишича, от Шарқий Эрон ва Ўрта Осиёдаги қадимги халқлар, яъни буқа тотемли *Атвья* қавмига қарши курашувчи *Пурушасп* қавмининг фратрийси сифатида ифодаланган. Бироқ, кейинги давр зардуштийлик ёзувларида от Аҳриман тимсоли сифатида, яъни қора от кўринишида тасвирланади. Шунингдек, Авестода Ардвиссура, Анахита бир хил зотли тўрт оқ от қўшилган аравада Тангри даргоҳидай ерга-бандалари ҳузурига

---

<sup>90</sup> «Девони луғатит турк» I жилд, 70 бет;

<sup>91</sup> Бу сўз таҳминан *йылсыг* деб ўқилиб, унга «*йилқидор*», «*бой*» деган маъно берилган. Лекин бундай ўқиш тил нуқтаи назаридан ҳам, ёдномга услуби нуқтаи назаридан ҳам тўғри эмас. Бу ерда феъл ёки от+феъл бўлиши керак. Иккинчи ҳолда феъл *алсыг* (оладиган), от эйи ёки йи (16 сатрдаги йича билан қиёсланади.) бўлади.

учиб тушган ҳолда тасвирланган<sup>92</sup>. Ўрхун-Энасой обидаларида от тотеми эътиқоди сезилади: *кӧзун кӧрмадук, қулқақын, эсидмадук бодунум илгару кун то[ғсықынга]..., биргәру [Табгач]қа, қуригәру... урунг кумушин, қырғазлығ қутайин, экинлиг исигтисин, ӧзлук атын, адгырын, қара к(исин)... кӱз билан кӱрмаган, қулоқ билан эшитмаган халқим шарққа кунчиқарга... жанубга-Табгачга, гарбга ... оқ кумушини, қирғогли ипагини, экиндан қилинган ичкилигини, боқимдаги отини, айғирини, қора кишини...* [Билга хоқон, 11]. Қадимда кӱпгина халқларда жангчини оти, хотини, буюмлари, озик-овқатлари билан бирга дафн этиш одатлари бўлган. Бундай маросимлар анимистик тасаввурлар, инсон руҳининг у дунёда ҳам яшашига ишонч билан боғлиқдир. Турк олими Усмон Турон ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлаган ҳолда, «Туркий халқларда ўлгандан кейин отлари ва қурол-аслаҳалари билан кӱмилишига сабаб, ҳайвонга миниб жаннатга кетишларига ишонч бўлган»-деб ёзади. Инсонни тириклигида миниб юрган оти билан бирга кӱмиш одати милоддан аввалги VIII – VII асрлардан то милодий VII асригача давом этган. Бу маросим асосан VI асрда Турк хоқонлигида кенг тарқалган эди. *...ӧтунтум, су йоритдим атлат, тәдим. Ақ тәрмал кәчә, оғрақлатдим, ат уза бинтурә, қарығ сӧкдум, йоқару ат йәтә, йадагин, ығач тутуну агтуртум ӧнгрәки әр. Арз қилдим. Лашкарни йӱлга солдим. От сол, дедим, Оқ тармални кечиб, мақсад сари йӱлладим. От устига миндириб қорни ёрдим. Юқорига отни етаклаб, яёв ёғоч тутуниб, чиқардим олдиндаги йигитлар...* [Тўнюкук,25]. Қадимги туркий халқлар икки дунёни ҳам отсиз тасаввур қила олмаганлар. Агар марҳумнинг қариндошлари отни кӱшиб кӱмишга қурби етмаса, унда от эгар-жабдуғи, анжомлари кӱмилган. Бундан ташқари қадимги туркийларда қурбонлик учун ҳам отлар танланган. Туркий халқлар эпоси ва мифологияси анъаналарига кӱра, қаҳрамоннинг яқин қариндоши ва дӱсти ҳисобланган эпик от кӱпинча оқ ёки бўз (кӱк) тусли тулпор сифатида тасвирланган. *Биниш оплайу тәғди, бир әриг оқун урты, әки*

<sup>92</sup> Авесто. Тарихий адабий мерос. А.Маҳкам таржимаси, Т.: «Шарқ нашриёт матбаа»-2001, Б.171.

*эриг удушуру санчды, ол тэгдуктэ Байырқунунг ақ адғырыг удлуқын сийу урты. Қирқиз қазанын олуртимиз, элин алтымыз, ол йылқа ту... Миниб отилиб хужум қилди. Бир ерни ўқ билан урди. Икки ерни уюштириб, (кетма-кет қилиб) санчди. Ўша хужумда Байырқунинг оқ айғирини курагини синдириб урди. Қирғиз хоқонини ўлдирдик, давлатини олдик [Култегин, 36].*

**Айғир.** *Бинип оплайу тэгди, бир эриг оқун урты, эки эриг удушуру санчды, ол тэгдуктэ Байырқунунг ақ адғырыг удлуқын сийу урты. Қирқиз қазанын олуртимиз, элин алтымыз, ол йылқа ту... миниб отилиб хужум қилди. Бир ерни ўқ билан урди, икки ерни уюштириб кетма-кет қилиб санчди. Ўша хужумда Байырқунинг оқ айғирини курагини синдириб урди. Қирғиз хоқонини ўлдирдик, давлатини олдик. Ўша йили ту. [Култегин, 36].* Ўрхун-Энасой обидаларда айғир зоонимини ҳам учратамиз. Айғир вояга этган от хисобланади. Бу ҳақида Ўзбекистон миллий энциклопедияси 2000-2005 йиллардаги нашрда шундай дейилган: Айғир-вояга этган от. Айғир биядан кўра секинроқ ўсиб, кечроқ вояга етади. Айғирнинг қарчиғайи бияникига нисбатан 2-3 см баланд, вазни оғир, оёқлари узун ва пишиқ, калласи катта, гавдаси ихчамроқ. Наслдор айғирлар йилқининг сифатини яхшилашда катта аҳамиятга эга. Демак, юрт ҳокимлари, давлат раҳбарлари айнан зотдор айғирларни минганлиги битиктошлар матнидан англашилмоқда. Мазкур лексема бугунги кундаги тилимизда ҳам фаол қўлланилади. *Айғир-етук, эркак от.* Бу сўз қадимги туркий тилдаги бетоқат *бўл*-маъносини англаган *ай*- феълидан *-ғир* қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб, асли, бетоқат, гижинг, ўйноқи, қизикқон, деган маъноларни англаган. Кейинчалик бу сифат отга кўчиб, шундай хусусиятли эркак отни билдира бошлаган. Ўзбек тилида *а* унлиси *а:* унлисига алмашган, *ы* унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: *ай+ғир+айғир>айғир*<sup>93</sup>.

**Йилқи-отлар подаси.** Бу от қадимги туркий тилдаги “бир жойга тўпла” маъносини англаган *йил*- феълидан *қи* қўшимчаси билан ясалган. Ўзбек

---

<sup>93</sup> Ўзбек тилининг этимологик луғати. Раҳматуллаев Ш. Тошкент, Университет-2000. –Б.25.

тилида *ы* унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган. Йилки-йилқы. Мазкур от асли, кенг ўтлоқда эркин ҳаракатланиб юривчи ҳайвонлар маъносини англатган; маънода торайиш воқеъ бўлиб, «отлар подаси» маъносини англата бошлаган. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ва бошқа кўплаб туркий тилларда *от* ва *ат* шаклида ишлатилиб келинмоқда.

**Бўри.** Битиктошларда бўри тотеми ишлатилган. Бўри қадимдан барча туркий халқларнинг тотемидир. Ашин уруғи ўзларини бўридан тарқалган деб ҳисоблашлари тўғрисида афсоналар мавжуд. «Алпомиш»да Бойбўри, «Қўрқут ота китоби»да Бойбўрак образларининг яратилиши, «Ўғузнома»да бўри туркий қавмларни бошловчи асосий қахрамон даражасига кўтарилиши қадимий эътиқодлар ифодасидир. Энасой ёдномаларидаги «Чучук Бўри» – Сангун исми ҳам тотемлик белгиси бўлиб, у қадимги туркий дostonлар билан ёдномалар ўртасидаги яқинликни кўрсатади. Бўри тотеми туркий халқлар оғзаки ижодида уруғ боши, бало-офатлардан сақловчи мададкор куч сифатида улуғланган.

Англашилаётганидек, ёдгорликларда қўлланилган ҳайвон номлари, қадимги туркий қабила ва уруғларнинг тотемистик тасаввурларини ифодалаб келган.

### 2.1.3. Топонимлар

Топонимлар жой номларини билдирадиган сўзлардир. Топонимлар асосан, турдош отлар натижасида ҳосил бўлади. Топонимларда халқнинг ўтмиши, урф-одатлари бошидан кечирган турли хил сиёсий-ижтимоий, этномаданий жараёнлар ўз аксини топган бўлади. Битиктошларда Табғач, Ўғуз, Ўтукан, Шантунг, Олтин Йиш, Кўгман сингари кўплаб географик жой номлари келтирилган.

**Табғач.** ... *бэрийа Табғачыг онрэ Қытаныйг йырайа Огузуг окушэж олурти. Жанубда Табғачни, Шарқда Хитойни, шимолда Ўғузни кўпгина ўлдирди* [Тўньюкук, 7]. Тарихий манбаларда ёзилишича, яримтурк ва

яримхитойликлардан ташкил топган этник халқ. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луғоти турк» асарида “Тавғач/тауғач – «турк халқининг бир қисми»<sup>94</sup> дея таърифланган. Мазкур жумланинг этимологиясига назар солинганида табғач – туркий тилда гаплашувчи халқ эканлиги ойдинлашади. Қадимги туркий тилда *тапағ* (тапиғ ёки тапуғ) – *хизмат, хизмат қилиш, хизмат қилишли, ач*-қадимги туркий тилдаги *ас–моҳир* этнонимидир. Шундан келиб чиқилса, табғач – *моҳир хизматчи* демакдир. Шунингдек, туркий тилда гаплашувчи табғачлар, манбаларга кўра, *сянби* ва *сюн* қабилаларининг бирлашувидан ташкил топган. Улар тарихан IV асрларда Марказий Осиёда мустақил давлат сифатида шаклланган ҳамда икки тиллиликка асосланган. Мамлакат VI асрга келиб тарқоқлашган ва тугатилган.<sup>95</sup> Л.Гумилев тахминига кўра табғачлар, яъни тобалар сянби қабилаларидан ташкил топган халқ.<sup>96</sup> *Тавғач, Табғач, Тамғач, Табқоч, Тўба/Тоба, Туғбат* – илк ўрта асрларда туркий халқлардаги тарихий-этноним атама бўлиб, уни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1.Хитой манбаларида тўба (туғбат) деб номланиб, улар қурган хонлик Шимолий Вей сулоласи деб аталган. Тўбалар сянбиларнинг авлоди бўлган.

2.Туркий битикларда Табғач атамаси Тан сулоласини англатган.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғоти турк» асарида Табғачни йигирмата она турк қабиласидан бири сифатида қайд этиб, табғачларнинг яшаган ҳудуди Юқори Чин (Хитойнинг шимоли)далиги, аммо кейинги даврда бу ҳудуд «Мочин» деб ўзгарганлиги, шунингдек, мамлакати қадимий ва катта хон маъносида «Тавғач хон» деб аталишини ёзган. Қорахонийлар ўзларини «Тавғач хон», «Тамғач хон» деб аташган.<sup>97</sup> Юқори Чинда истиқомат қилган «Табғачларнинг кейинги даврда «Мочин» деб аталганлигини айтиб ўтиб, жумладан, Чин ва Мочин халқларининг алоҳида тиллари бўлса ҳам,

---

<sup>94</sup> Маҳмуд Қашғарий. “Девони луғатит турк”. ЎзФА нашриёти 1960, III жилд, -Б. 853.

<sup>95</sup>Закиев М.З. Глубокие этнический корни тюркских народов. Астана-2011. – Б.297.

<sup>96</sup>Лев Гумилев. Энциклопедия. / Гл. ред. Е.Б.Садыков. Сост. Т.К.Шанбай. – Москва, 2013. – 564-бет;

<sup>97</sup>Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2000; Б. 487.



шахарликлар туркийчани яхши билади. Бизга ёзган хатларни туркий ёзув билан ёзади», –деб хабар берган. Маҳмуд Кошғарий чизган харитада Мочиннинг уч тарафи денгиз билан ўралган бўлиб, унинг Япония (Жабрқа) билан денгиз орқали ажралиб турганлиги кўрсатилган. Бундан Мочин деб Манчжурия ҳудуди назарда тутилгани аён бўлади<sup>98</sup>.

**Откан, Отукан.** *Турк бодунуг Отукан йаркә, бен өзум билгә Тонйуқуқ Отукан йәриг қонмыш. Турк халқина Отукан ерига, мен ўзим Билга Тўнюқуқ Отукан ерига қўнибди* [Тўнюқуқ, 17]. Топоним ўт эгаси, ота макон, болалар майдони, замон, вақтнинг хони сингари маъноларга эга. *Ўту+кан, ўту+қан, уту+қан, эгу+га, оту+га* шаклидаги ўзакдош сўзлардан иборат кўринишлари мавжуд.<sup>99</sup> Айнан мана шу атамани «Девони луғоти турк» асарида татар халқи ерида жойлашган чўлистон эканлиги ва бу жой уйғур ерларидан унча олис бўлмаган ерда жойлашганлиги ҳақидаги маълумот келтирилган. Ўтукан – (Хитой манбаларида (Ю-те-кин) Шимолий Мўғилистондаги Хангай тоғ тизмасининг Шарқий қисмидаги ўрмонли ўлка. Маҳмуд Кошғарий Ўтуканни Уйғур яқинидаги татар чўлларидаги бир жойнинг номи дейди<sup>100</sup>.

**Көгмен.** *Көгмен йолы бир әрмиш, тумыш тәйин, әшидип, бу йолин йорысар йарамачы тәдим, йәрчи тиләдим... Кўгман йўли битта экан, бекилган деб әшитиб, бу йўл билан юрса ярамайди.* [Тўнюқуқ, 23]. Ҳозирги Саян//Соен тоғ тизмалари. Турк хоқонлигининг аскарлари қирғиз элини бўйсундирганда Кўгман тоғини ошиб, қор кечиб боргани манбаларда кўрсатилган. Саян тоғлари–Жанубий Сибир тоғларининг ўрта қисмида жойлашган тоғ ўлкаси. Саян икки тоғ тизмасига–Ғарбий Саян ва Шарқий Саянга бўлинади. Красноярск ўлкаси Иркутск вилоятининг жанубий, Тува ва Бурятия Республикаси шимолидаги ҳудудни эгаллайди.

**Шантунг.** *Турк бодун олурғали, Турк қаган олурғали, шантунг балиқ(қ)а, талуи өгузкә тәгмиш йоқ әрмиш қағаныма отунуп, су әлтдим. Турк халқи (ер*

<sup>98</sup> Маҳмуд Кошғарий, Девони луғатит-турк, 1-жилд, Тошкент, Ўзбекистон ФА нашриёти 1960-йил, 123-бет;

<sup>99</sup> www.Turk.bitig.org

<sup>100</sup> Маҳмуд Қашғарий, Девони луғатит-турк, 1-жилд, Тошкент, Ўзбекистон ФА нашриёти 1960-йил, 123-бет;

юзига) ўрнашгандан бери, Турк хоқони (тахтга) ўрнашгандан бери Шантунг шаҳрига, денгиз, дарёга етмаган эди. Хоқонимга арз қилиб, лашкар тортдим [Тўньюқук, 18]. Ҳозирги номи Шандун текислиги. Хитойнинг шарқий қисмидаги провинция. Шандун орол ва қисман Буюк Хитой текислигида, Хуанхе дарёсининг қуйи қисмида жойлашган. Сарик денгиз ва унинг Бохайван қўлтиғи сувлари ўраб туради.

**Банглигак.** *Биз йәмә суладимиз, аны иртимиз. Йәнчу өгузуг кәча, Тинси ўгли йатызма Банглигәк тагыг...Биз ҳам лашкар тортдик, уни қувдик. Инжу ўгузни кечиб Тинси ўгли ётадиган Банглигак тоғини...* [Тўньюқук, 44]. Бу тоғнинг қаердалигини аниқ эмас. С.Г.Кляшторний Зарафшон водийсида бўлса керак деб тахмин қилади.

**Тамир қапиғ.** *Тамир қапиғқа тәги иртимиз, анти йантуртумиз. Инәл қаганқа... тәзик, тоқарысын... Темир қапиққача қувиб бордик. Ўша ерда қайтардик. Инал хоқонга... араб, тухорини...* [Тўньюқук, 45]. Мазкур жой Самарқанд Балх йўлида Шахрисабздан 90 км жанубда Бойсун тоғида жойлашган Бўзғола гузаридир. Ал Яъқубнинг «Китоб ул булдон»ида «Дари оҳанин» (Темир дарвоза) дейилган ва буни В.Томсен аниқлаган<sup>101</sup>.

**Чўғай.** *Чугай қузын Қара қумуг олурур эртимиз. Чугай қузни ва Қорақумни манзил қилиб олган эдик.* [Тўньюқук, 7]. Ҳозирги Иншан Қорақум. Иншан шимолидаги чўл воҳаларидан бири. Қуз-тоғнинг қуёш тушмайдиган томони.

*Алтун (Олтой).* *Алтун йишида олурунг, тәди су башы Инәл қаган, Тардуш шад барзун тәди. Билга Тўньюқуққа банга айды: Олтун йишида ўрнашинг, деди. Менга, Билга Тўньюқуққа айтди.*[Тўньюқук, 31].

*Олтой ўлкаси.* Россия Федерацияси таркибидаги ўлка. 1937 йил 28 сентябрда ташкил этилган. Ғарбий Сибирнинг жанубида, Об дарёси юқори оқими ва унинг ирмоқлари – Бия ва Катун ҳавзаларида жойлашган. Ғарбий Сибир иқтисодий туманига киради. Олтойнинг деярли ҳаммасини,

---

<sup>101</sup> С.Г.Кляшторний. Древнетюрские памятники как источники по истории Средней Азии. М.: 1964. С.148;

Салаирнинг ғарбий ён бағирларини ва унга ёндош текислик ҳамда тоғ олди худудлари – Даштли Олтойни ўз ичига олади. Жануби–Шарқда Хитой билан чегарадош.

*Инал қағанча. Тамир қапығча тәги иртимиз, анти йантуртумиз. Инәл қағанча...тәзик, тоқарысын... Темир қапиққача қувиб бордик. Ўша ердан қайтардик. Инал хоқонга... араб, тухорини....* [Тўнюққ, 45]. Р.Жиро Инал қаған бу ўринда тоғ тизмасининг номи бўлса керак деб тахмин қилади.

*Тупут. ... Табғач, Тупут, апар, пурум, Қырқыз, уч қурықан, Отуз татар, Қытанй, Татабы-бунча бодун кәлипән сығтамыс йоғламыс, антағ кулуг қаған әрмис. Табғач, Тупут, апар, пурум, Қирқиз, уч қуриқан, Отуз татар, Қитани, Татаби-шунча халқ келиб, йиғлаган, аза тутган. Шундай маишхур хоқон экан. Шундан кейин иниси хоқон.* [Култегин, 4]. Тибет халқи миллоддан аввалги VI-V асрларда Кукунор туманидан Тибет худудига кўчиб ўтган сянларнинг автохтонлар билан қўшилиб кетишидан келиб чиққан. Милодий VII асрдан сянларнинг бир қисми дехқончилик билан шуғулланган. Ўша даврда Тибетнинг жанубий шарқий қисмидаги Ярлунга хукмдори Намри барча қабилаларни бирлаштирган. Унинг ўғли Сронсангамбо (649 йилда вафот этган) Тибет давлатига асос солган. VII асрнинг биринчи ярмида Тибетда ёзма манбалар яратилган. Тибет – (Хитойча: *Ситцзан*), Хитойнинг жанубий-ғарбий қисмидаги маъмурий бирлашма.

**Апар.** *Табғач, Тупут, апар, пурум, Қырқыз, уч қурықан, Отуз татар, Қытанй, Татабы-бунча бодун кәлипән сығтамыс йоғламыс, антағ кулуг қаған әрмис... Табғач, Тупут, апар, пурум, Қирқиз, уч қуриқан, Отуз татар, Қитанй, Татаби-шунча халқ келиб, йиғлаган, аза тутган. Шундай маишхур хоқон экан. Шундан кейин иниси хоқон...* [Култегин, 4]. Табғач, Тубут, Апар...– авар деб тахмин қилинади. VI асрда Дунай бўйларида авар хоқонлиги ташкил топган. Авар халқи қўшни давлатларга тез-тез юриш қилиб турган. Туркий тилда гаплашувчи халқлардан бири.

**Қадирқан...** йана бәртимиз, илгәру Қадырқан йышыг аша, бодунуг анча қондуртымыз, анча әтдимиз, қурығару Кәңгу Тарманқа тәги туруг бодунуг анча қонтуртымыз, анча әтдимиз. Шарққа Қадирқан (Хинган) йишни ошиб, халқни шу хилда кўндирдик, шундай қилиб тузатдик. Ғарбга Кангу Тармангача турк халқини шу ҳолда кўндирдик, шу хилда тузатдик. [Култегин, 21]. Узоқ Шарқдаги тоғ тизмаси, асосан, Хитойнинг шимоли-шарқий ва қисман Хабаровск ўлкасида. Катта Хинган тоғлари аксари қисми ички Монголия худудида бўлиб, Марказий ва Шарқий Осиё ўртасидаги шартли табиий чегара вазифасини ўтайди. Шимоли-шарқдан жануби-ғарбга 1200 км га чўзилган. Кичик Хинган тоғлари- Хабаровск ўлкаси ва Хитойнинг шимоли-шарқида<sup>102</sup>.

**Олти чўб.** ...алты чуб Соғдақ тапа суләдимиз, буздымыз. Олти чуб суғдлари томонга лашкар тортдик. Тор-мор қилдик. [Култегин, 31]. Чуб сўзи хитойча чжоу (вилоят) сўзининг туркча кўриниши дейилади. Олти чуб суғдақ суғдлар ўрнашган олти вилоят бўлиб, булар Шимолий Шенсида бўлган<sup>103</sup>.

**Соғд.** Курыйа кун батсықдақы Соғд бәрчәкәр, Буқарақ улус бодунта Нәнг сәнгун Огул тарқан кәлти. Жанубда кунботардаги Суғд барчакар, Буқарақ улус [ва] халқидан Нәнг сангун, ўгул тархон келди. [Култегин, 52] Соғдақ бодун әтәйин тәйин, Йинчу огузуг кәчә Тәмир қапығқа тәги суләдимиз. Суғдақ халқини тузатайин деб, Йинчу (сир) дарёни кечиб Темир қапиққача лашкар торттик. [Култегин, 39]. Баъзан мазкур сўзда *о* ўрнида у товуши ҳам ишлатилган. Қадимги сўғд, ҳатто ҳозирги тожик, қобулий, форсий ва туркий тилларда *о* эмас, *у* бўлади. Суғдақни Маҳмуд Кошғарий куйидагича изоҳлайди: «Суғдақ Баласоғунда ўрнашган бир халқ. Улар Бухоро билан Самарқанд оралиғидаги Суғддандирлар. Бироқ улар туркларнинг кийим-кечагини қабул қилганлар ва уларнинг урф-одатини

<sup>102</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси.-Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти-2000, X ҳарфи, 120бет, [https://n.ziyouz.com/books/uzbekiston\\_milliy\\_ensiklopediyasi](https://n.ziyouz.com/books/uzbekiston_milliy_ensiklopediyasi)

<sup>103</sup> Абдурахмонов Г, Рустамов А. Қадимги туркий тил. Т.:Низомий номидаги ТДПУ Ризографи-1982, -Б.117.

ўзлаштирганлар». Суғдақнинг асли суғдча *суғдиқ* (суғдий-суғдли) дандир. Ҳозирги тожик тилидаги сифат ясовчи *-ий* қадимги туркий тилда *-ик, -иг* шаклларида бўлган<sup>104</sup>.

Топонимлар ҳам, тил лексикасининг бир қисми сифатида бошқа ҳамма сўзлар сингари тил қонуниятларига бўйсунди, лекин ўзининг пайдо бўлиши ва баъзи ички хусусиятлари жиҳатидан жамиятнинг кундалиқ моддий ва маънавий ҳолати, иқтисодий турмуши, орзу ва интилишларига алоқадор бўлиб, маълум даражада бошқа гуруҳ сўзлардан фарқ қилади. Шу билан бирга, ёдгорликларда топонимлар миллий тилимизга хос бўлган қадимий фонетик, лексик ва морфологик элементларни кўпроқ ўзида сақланган. Жойнинг табиий географик шароити, аҳолининг этник таркиби, кишиларнинг касби ва машғулоти, қазилма бойликлар, тарихий шахслар ва воқеалар обидаларда мавжуд топонимлар вужудга келишининг асосий манбалари ҳисобланган.

#### 2.1.4. Диний қарашларни ифодаловчи сўзлар

Хитой манбаларида қадимги турклар ҳақида уларнинг «руҳларга сиғиниш, сеҳргарларга ишониш»и<sup>105</sup> кўрсатилган. Ушбу маълумотни таҳлил қилган Л.Н.Гумилев, хитойликлар «осмон руҳи» орқали олий худо Кўк-Тенгрини тушунган<sup>106</sup> деган фикрларни келтиради. *...ичукдук, учун тэнгри «ёл!» тәмиш әринч, Турк бодун ёлти, алқынты йоқ болти. Таслим бўлгани учун тангри «ёл!»деган, шекилли, турк халқи ёлди, тугади, йўқ бўлди* [Тўньюқуқ, 3]. Мазкур манбаларда қадимги турклар дунёсининг расмида кўринадиган дунё учта соҳага бўлинган: юқори - *осмон*, ўрта - *ер* ва пастки - *ер* ости. «Юқори дунёнинг Раббиси ва қадимги турк пантеонининг олий худоси» нафақат осмонни, балки ердаги ишларни ҳам, шу жумладан, ер

---

<sup>104</sup> Ўша асар, 117-бет;

<sup>105</sup> Бичурин, Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена / Н.Я.Бичурин. - М.; Ленинград, 1950. - Ч. 1. - , 231 с.

<sup>106</sup>Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. Т.: -2007, -Б.89.

юзиди яшовчи одамлар тақдирини ҳам бошқариб турувчи «Тенгри (Осмон)» худоси эди. *Тэнгри-тэг, тэнгрида болмиш турук билгә қазан бу ўдка олуртум, сабымын тукәти эшидгил:.. Тангридай, тангридан бўлмиш турк билга хоқон бу дунёга келдим, Сўзимни тугал эшитгил...* [Култегин, 1].

Ўрхун-Энасой ёдгорликларида «Тэнгри-тек-Тэнгри» бирикмаси учрайди: *Тэнгри-тэг тангрида болмиш Турук билгә қазан бу ўдка олуртим, сабымин тукәти эшидгил! Тангридай, тангридан бўлмиш турк билга хоқон бу дунёга келдим. Сўзимни тугал эшитгил.* [Култегин, 1]. Унинг маъноси ҳам Тангрининг танҳолигини эътироф этишдир. Тангри-тек-Тангри- «осмондек Тангри» ёки «Оллоҳдек Оллоҳ», «Оллоҳга ўхшайдиган Оллоҳ» дейилишида Тангрининг қиёфаси учун ҳеч бир сифат, ўхшатиш йўқ, у фақат Тангрининг ўзига ўхшайди, деган қараш ифодаланган. Кўкнинг Тангри сифатида қабул қилиниши, кўк қобиғидаги осмоний жисмларнинг ҳам муқаддаслигини белгилайди. Шу сабабли ҳам туркийлар осмон жисмларида илоҳийликни сезадилар.

Л.П.Потаповнинг сўзларига кўра, худога бўлган ҳурмат «хунн даврига тўғри келади». Қадимги турклар Олий худога сиғинишган. Олий худо Тенгри ёки Кўк-Тенгри, дунёдаги ҳамма нарсани яратувчиси эди: *«бошида тепада кўк осмон, настда қоронги ер бор эди; улар орасида одам ўғиллари пайдо бўлди»*, аммо Кўк-Тенгри (Мовий осмон) моддий эмас, балки илоҳий тушунчадир. И.В.Стеблева фикрича, қадимги туркийларнинг тангрига сиғиниш тушунчаларида олий ўринда «осмон» ва «худо» туради. Юқори дунёнинг иккинчи ўринда турувчи худоси унумдорлик маъбудаси Умай ҳисобланган. Қадимги турклар ва бошқа туркий кўчманчи халқларнинг ғояларига кўра, у аҳолининг кўпайишини, муваффақиятли фарзанд кўришни, «эркак ўғиллар»нинг хавфсиз туғилишини таъминлайди ва аёлларнинг ҳомийси эди. Мана шу диний тушунчанинг ўрта қисмида *«муқаддас ер-сув»* ёки *Йдук Ер-Сув* худоси туради. Қадимги туркий манбаларда бу худо ҳамиша Тенгри ва Умай билан биргаликда тилга олинган. (Стеблева И.В., 1972, 214-

бет) Қадимги туркийларнинг илоҳий тушунчаларига кўра инсон вафотидан кейин у қуйи дунёга тушади ва кўк осмон сувидан, қуёш ҳамда ойнинг илиқлигидан баҳраманд бўлиш имкониятини йўқотади. Улар оламдаги ҳар бир жисм уч қисмли дея тасаввур қилишган. Масалан, туркий мифларда олам уч қаватдан иборат: *инсон эт, суяк* ва *қалб*дан ташкил топган, қалб эса тин (нафас), қут ва сирлардан иборат, деб ҳисобланган. Мавжуд мифларга кўра, Кўк тангри бўлажак оналарга қут (қут-барака), тин (тин, нафас), сюр (рух, кўнгил) юборади. Инсон вафот этгандан сўнг, унинг танасидаги қут, тин, сюрлар парчаланиб, руҳи осмонга учиб, аждодлар руҳига эврилган. Қадимги туркийлар ҳақиқий ўлимни йўқ деб ҳисоблаганлар. Ўша пайтда ҳаёт ўлимдан кейин ҳам давом этади деган фикрлар мавжуд бўлиб, майитни у дунёда минишлари учун от, турли озиқ-овқатлар билан кўмишган. Барчаси рисоладагидек бажарилса, аждодлар руҳи уларга мадад беради, деган ҳақиқатга ишонишган. Шунинг учун улар еттинчи аждодларигача билишни бурчлари деб билишган. Ўз навбатида борлиқ ҳам кўринмайдиган ва кўринадиган оламлар қоришмаси дея тушунилган. Кўринмайдиган қисмга Кўк Тангри ва руҳлар кирган. Унга кўра осмон горизонтал тарзда қаватларга ажралган. Энг юқори қаватда Кўк Тангри, қолган қаватларда даражасига қараб турли руҳлар яшаган. Қадимги туркийлар қарашларига кўра, руҳлар самовий отларда юришган. Шунинг учун отларни уларга қурбонлик қилишган. Шу боис бўлса керак, от муқаддас (илоҳий) худолар ва руҳларга тегишли ҳайвон ҳисобланган. Кўк Тангри элчилари–ҳоқон ва маликалар энг сара отларда юришган. Кўринадиган борлиқда эса қуёш, ой, юлдузлар ва камалак мавжуд деб ўйлашган. Бу ерда ёмғир, қор, жала, чакмоқлар туғилиб ҳаёт кечиришган. Умуман олганда, кўринадиган оламга турли хил космогоник жисмлар кирган. Ўрта олам ҳам осмон каби кўринадиган ва кўринмайдиган жисмларга бўлинган. Кўринмайдиган ўрта оламда тоғ, ўрмон, сув, дара, ғор, булоқ ва бошқа руҳлар яшаган. Булар кўринадиган ўрта оламга, яъни инсонлар ва ҳайвонларга ўз таъсирларини ўтказганлар, бирга

яшаганлар. Шунинг учун инсонлар улардан мадад олишган, қурбонликлар қилишган.

### 2.1.5. Табиат ҳодисаларига оид сўзлар

Қадимги туркий ёзма битикларда *ер, йўл, қор, сув, денгиз, дарё, чўл, осмон* сингари табиат ҳодисаларини ифодаловчи сўзлар ишлатилган. Бундан ташқари мазкур сўзлар ўзаро жуфт ҳолда келиб янги маъноларни ифодалашга ҳам хизмат қилган.

Оламнинг яралиши учун асос бўлган тўртта унсурнинг биттаси – олов. Мазкур сўз ёдгорликлар тилида мавжуд бўлиб, бунда олов сўзининг сув сўзи билан ёнма-ён келган ҳолатларини учратиш мумкин: *анча қазганип, бирики бодунуз от суб қилмадим (шу хилда қозониб бирлашган халқни ўт-сув қилмадим)*. Бизга маълумки, оловни фақат сув енга олиши мумкин. Бундан бошқа оловга бас келадиган бирор нарса йўқ. Шу маънода *ўт-сув* дея ишлатилаётган мазкур жуфтликда айнан «бир-бирига душман бўлмоқ» маъноси мавжуддир. Бу билан Билга хоқон халқига ўзи ҳукмронлиги давридаги фаровонлик, тинчлик ҳақидаги фикрларни айтмоқда. Қадимги туркийлар табиат кучларида пинҳоний куч ва руҳнинг борлигига ишонишган. Уларнинг фикрича, ой, куюш, момоқалдиروق ва чакмоқларнинг ҳам ўз руҳи мавжуд. Гўё руҳлар эркаклик ва аёллик жинсига мансуб эди. Аёл руҳ маликаси «Умай» деб аталган. Маҳмуд Кошғарий она қорнидаги болаларни Умай муҳофаза қилади деб ҳисоблаши ҳам унинг руҳларга бўлган ишончини кўрсатади. Ер ва сувни, айниқса, кучли руҳга эга деб ҳисоблашган. Булар туркий қавмлар ўртасида турлича номда («Ер-Сув», «Ер-Суб», «Ер-Сув», «Сув-Ер», «Йир-Суб», «Суб-Ер») айтилган. Қадимда туркий қавмлар истиқомат қилган Сибир (Сиб-ир) водийсининг номи ҳам ана шу муқаддас тушунчалар ҳосиласи бўлган деган фаразлар мавжуд. Ер, сув, олов ҳақидаги



фигрларни Унгин<sup>107</sup> битигида ҳам учратиш мумкин: *билга атачим ёғун ал у рагингин қазгантим суб, я:р, та:нгри, ўд.... кирур арт и. Аллома отагинам, жанозанг, оқ-қизил йиртишингга эришдим. Сув ер, фалак, олов... кириб эди* [Унгин, 4]. *Уза тангри басмасар, асра я:р та:линмасар, турук бодун, а:лигин то:рунгин ким артати? Осмон босмаган бўлса, пастда ер ёрилмаган бўлса, турк халқи, давлатингни, ҳукуматингни ким бузди?* [Тўнюқуқ, 45]. Яъни тарқоқ ҳолга келиб қолган туркий қавмларга даъват сифатида айтилаётган мазкур жумлаларда осмон ва ер сўзларининг ишлатилаётганини кўрамиз. Чунки инсониятнинг қадимий вакиллари ҳар икки тушунчани муқаддас билиб, уларга эътиқод қилишган. Тинмай ёмғир ёғиши, турли табиий офатлар, ер қимирлаши каби табиат ҳодисаларини улар ер, осмоннинг ғазабга миниши деб тасаввур қилганлар. Шунга кўра Қултегин битигида Билга хоқон пароканда бўлаётган халқига осмондан, ердан ёғилган офат бўлмаса, қандай қилиб давлатингиз бузилди? Бунга ягона сабабчи ўзларингиз, ўйсизлигингиз эмасми? –дея уларни ҳамжиҳатликка чорлаган. Битикларда бундай даъватларнинг бир нечтасини кўрсатиш мумкин. Қултегин битиктоши Билга хоқон тилидан ёзилган бўлгани учун унда айнан Билга хоқоннинг қарашлари кўпроқ акс этган. Шунингдек, ёдгорликлар матнида ер ва сув сўзларининг ёнма-ён, жуфт ҳолда қўлланилганини учратамиз: *тэнгри Умай ыдуқ йәр суб баса бәрти эринч. Тангри Умай, муқаддас ер-сувни босиб берган кўринади* [Тўнюқуқ, 38]. Гап шундаки, қадимги турклар ер ва сувни муқаддас деб билишган ҳамда «ер-сув» деганда ватанни тушунишган. Шунга кўра осмон ва ер ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин. Бундай олиб қараганда, инсоният қайси даврда бўлса-да, унинг учун табиий бойликлар ўз заруратини йўқотмайди, шу жиҳатдан бугун ҳам уларга нисбатан «муқаддас» атамасини қўллаш мумкин.

---

<sup>107</sup>Мазкур битиктош Мўғулистондаги Кошо-Цайдам водийсидан 180 км жанубда, Унгин водийсига ўрнатилган ва ҳозир ҳам ўз ўрнида.

*Нэнг, сабым әрсар, бэнггу ташқа уртум. Қандай сўзим бўлса, мангу тошга ўйдим* [Қултегин, 1]. Маълумки, тошга ўйиб ёзилган расм ёки ёзув ҳеч қачон ўчмайди. Қултегин битиктоши матнидан келтирилган мазкур жумлада, Билга хоқоннинг ўз сўзларини тошга ўйиб ёздиргани қайд қилинмоқда. Жумланинг давомида *«Туркнинг эндиги халқлари, беклари. Уй-дунёга қарайдиган беклар, сизлар гумроҳсизлар!»* – деган фикрларни ўқиймиз. Кўзига фақат мол-дунё кўринадиган бекларга уларнинг танлаган йўли нотўғри эканлигини, бу сўзларни мангу тошга ўйиб ёзилганининг сабаби эса, тарихда қилинган хатоликларни авлодлар яна такрорламасдан, кўзни очиб оқилона ҳаракат қилишга чақириқ дейиш мумкин.

*Тўньюқуқда: ёқару ат йәтә:, йадағын, ығач тутуну агтуртум онграки әр. Юқорига отни етаклаб, яёв яғоч тутуниб, чиқардим олдиндаги йигитлар...* [Тўньюқуқ, 25]. Мазкур жумлада «ёғоч» сўзининг қўлланилишини кўриш мумкин. Қадимги туркий тилда *ығач* шаклида ишлатилган бўлса, асрлар силсиласида турли фонетик ўзгаришларга учраб бугунги луғавий қатламда *ёғоч* тарзида ишлатилиб келмоқда. Бундан кўринадикки, ҳозирги адабий тилимизда истеъмолда бўлган сўзларни этимологик жиҳатдан тадқиқ қилинганда уларнинг тарихи бир неча асрларга бориб тақалиши маълум бўлади. Турли табиий шароитлар туфайли ўзгаришларга учраган кўпгина сўзларнинг бугунги тилимизда ҳам ишлатилаётгани уларнинг қиёсий тадқиқи масаласига енгиллик киритади. Шу билан бирга қадимги туркий тилда истеъмолда бўлган айрим сўзлар бугунги кунда сақланиб қолмаган, яъни архаиклашиб қолган. Масалан: *шантунг бали(қ)а, талууй өғузкә тәғмиши йоқ әрмиши қазаныма өтунуп, су әлтдим. Шантунг шаҳрига, денгиз, дарёга етмаган әди. Хоқонимга арз қилиб, лашкар тортдим* [Тўньюқуқ, 18]. Бу ерда *талууй, ўғуз* сўзининг архаиклашиб, тушунча ўзгармасдан ном ўзгариб «денгиз», «дарё» ҳолига келганини кўриш мумкин. Жумла мазмунидан келиб чиққанда, бу ўринда Сарик денгизи ва Хуанхе дарёси кўзда тутилган. Қадимги туркий тилда қўлланилган шу каби қатор сўзлар ўз даврида

истеъмолда бўлиб, кейинчалик бутунлай муомаладан чиққан. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, улар бутунлай йўқолиб кетган эмас. Уларнинг баъзилари бошқа туркий тилларда ёки айрим ўзбек шеваларида ҳозир ҳам сақланиб қолган. Жумладан, *қатиз-дарвоза, ал-қўл* каби сўзлар ҳозирги ўғуз тилларида мавжуд. Айрим сўзлар эса топоним ва антропонимлар таркибида сақланиб қолган.

Геродотнинг ёзиб қолдиришича, туркийларнинг антик даврларда яшаган қавмларидан бири массагетлар Қуёшни ягона тангри деб билганлар. Қуёш шарафига отларни қурбонлик қилишган. Уларнинг тушунчасига кўра, Тангрига қанчалик тез қурбонлик қилинса, у борлиққа нуруни шунчалик тез сочади. Тангрининг осмонда эканлигига ишонч билдиради. Осмон Тангри ҳисоблангани учун шу осмонда жойлашган *Қуёш, Ой* ва *Юлдузлар* муқаддас саналади<sup>108</sup>: *Узэ қазан олуртум, олуртуқума олтэчичэ сақыныгма турук баглэр бодун эгирип, сэбинип, тоқтамыш кёзи йугуру кёрти бёдка озум олуруп бунча азыр тёруг тёрт булунгдақы (бодунуг эт) дим, узэ (кёк тэнгри ас) ра... Узра хоқон бўлиб ўтиришимга орзуманд турк беклари, халқи атрофимга йигилиб, севиниб, тўхтамиш яъни ҳаракатсиз кўзлари югуриб, яъни ўйнаб боқди. Тахтга ўзим ўтириб, бунча оғир ҳукуматни, тўрт жиҳатдан халқни энга келтирдим. Устда (кўк тангри), остда... [Билга хоқон, 2].*

## **2.2-§. Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари луғавий қатлами мавзуй гуруҳлари**

### **2.2.1. Қадимги туркий битикларда инсон таъна аъзоларини билдирувчи сўзлар**

Ўрхун-Энасой обидалари луғавий қатламида тана аъзоларини билдирувчи бир нечта сўзлар учрайди. Тана аъзоларини ифодаловчи сўзларнинг лексик-семантик мазмундаги маънолари йиллар ўтса ҳамки ҳеч

---

<sup>108</sup>Гумилев Л.Н. «Қадимги турклар», Т.: Фан -2007. –Б.353-374.

кандай ўзгаришларга учрамаганлиги кўринадди. Масалан, *адақ-оёқ, кўз-кўз, бас-бош, тизе-тизза, арқа-орқа, ич-ичак, қан-қон, қаш-қош, боғаз-бўғиз, тер-тер, тил-тил* сингари сўзларда ҳам кўриниб турганидек, айрим фонетик ўзгаришларгина мавжуд холос. Маъновий жиҳатдан деярли фарқлар мавжуд эмас.

**Адақ.** *Турк бодун адақ камастди. Турк халқи оёқларининг чарчоқларига берилиб кетишиди.* [Култегин, 4]. Оёқ-гавданинг таяниб туриши ва ҳаракатланиши учун хизмат қиладиган аъзо: *Ҳаво айнийдиган бўлса, дарров оёғим оғрий бошлайди.* Бу от қадимги туркий тилдаги «қадамла» – маъносини англатган *а:д-* феълининг *ай-* шаклидан *-(а)қ* кўшимчаси билан ясалган. Ўзбек тилида *а* унлилари *й* унлиларига алмашган. *Ай-+ақ=аяқ>айёқ.* [ЎТЭЛ-250 б];

**Кўз.** ... *кўрар кўзум кўрмаз-таг, билир билигим билмаз таг болти, ўзум сақинтим. кўрар кўзим кўрмайтгандай, билар ақлим билмаётгандай бўлди* [Култегин, 50]. Кўз-кўриш аъзоси. Аяган кўзга чўп тушар (Мақол). Қадимги туркий тилда шундай маънони англатган бу от асли *кө:з* тарзида талаффуз қилинган, кейинроқ *ө* унлисининг чўзиқлик белгиси, ўзбек тилида эса юмшоқлик белгиси ҳам йўқолган. *Кө:з>көз>коз.* [ЎТЭЛ 221-бет]; Қарға, қарғанинг кўзини чўқимайди. (Мақол.) Қадимги туркий тил ва ҳозирги ўзбек адабий тилида кўз сўзи айнан кўриш маъносида берилган. Шу сабабли улар орасида маъновий боғлиқлик узоқлашмаган.

*Бас... тизлигиг сўкуртимиз, башлигиг юкунтуртимиз. ...тиззаси борни чўккалатдик, боши борни таъзим эттирдик* [Култегин, 18]. Бош-тананинг бўйиндан юқори (олд) қисмида жойлашган аъзо: *Укам сувга боши билан шўнғиди.* Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони ва бошқа бир неча маъноларни англатган бу от асли *ба:ш* тарзида талаффуз қилинган, кейинроқ *а:* унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган; Ўзбек тилида *а* унлиси *а:* унлисига алмашган: *ба:ш>баш>байш;* Ўзбек ойим *боши* билан ризолик билдириб, «баракалла!» деб қўйди. (Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар»).

Мазкур мисоллардан ҳам кўриниб турибди, *ба:ш* ва *бош* сўзларида фонетик ўзгариш содир бўлган. Бундай ҳодиса ҳозирги адабий тилда кўплаб сўзларда учрайди.

*Тиз. Тизлигиз сўкуртимиз, башлигиз юкунтуртимиз. ...тиззаси борни чўккалатдик, боши борни таъзим эттирдик* [Култегин, 18]. *Тизза*-Оёқнинг болдир билан сон боғланадиган жойи. Тиз букиб, таъзим этиб, иззат килолмай доғман (Муқимий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от «кетма-кет боғла» маъносини англатган *тиз*-фёлидан маъно таракқиёти йўли билан ўсиб чиққан. Эски ўзбек тилида *-ä* кўшимчаси билан ясалган. Кейинчалик *з* ундоши қатланган: *тиз+ä=тизä>тизза*. Ҳозирги ўзбек адабий тилида тизза шакли қўлланилади: Ҳаёт келинчакларча, бир оёғини йиғиштириб, иккинчи оёғини тиззасини букиб ўтирди. (М.Исмоилий. «Фарғона тонг отгунча»). Турсунбой қамиш каппа олдида тиззасини кучоқлаб дарвеш қиёфасида ўтирарди. (Саид Аҳмад. «Уфқ»).

**Арқа.** *...сақинтим, туруқ буқали самиз буқали арқда билсар, Ўйладим: ориқ буқа ва семиз буқани биров тезагидан билса,* [Тўньюкук, 5]. *Арқа*-Орт томон. Орқадан кимнингдур овози эшитилди. Бу от қадимги туркий тилдаги «орқа қисм» маъносини англатган *ар* отидан ўрин маъносини ифодаловчи *-қа* кўшимчаси билан ҳосил қилинган. Ўзбек тилида сўз бошланишидаги *а* унлиси *ä* унлисига, сўз охиридаги *а* унлиси *ä* унлисига алмашган: *ар+қа>ärқä*. [ЎТЭЛ 259-бет.] Саидий эшикка *орқасини* бериб ўтирар эди. (А.Қаҳҳор. «Сароб»).

**Ич.** *Қаған олуртди аринч. Нанъ йилсиз бодунқа олурмадим, ичра ашсиз, ташра тонсиз ябиз яблақ бодунта уза олуртим. Хоқон қилиб ўрнатди, шекилли. Мол, йилқилик халққа [хоқон бўлиб] ўрнашмадим. Ичи ошсиз, тоши кийимсиз (оч-яланғоч) ёвуз, ёмон халқ уза ўрнашдим* [Тўньюкук, 26]. Ичак-Овқат ҳазм қилишга хизмат қиладиган найсимон эластик аъзо. Ҳозирги замонда кўйнинг ичаги ҳам фалон пул. Бу сўз ич отининг «қорин», «қориндаги аъзолар» маъносидан кичрайтириш маъносини ифодаловчи *-(ä)к*

қўшимчаси билан ҳосил қилинган: *ич+ақ=ичақ*; ишчилар учун резинка ичакни у ёқдан бу ёққа судраб, чанқаб қолган гулларга, чанг ўтира бошлаган дарахт баргларига сув сепишарди. (П.Қодиров, Уч илдиз).

**Қан.** ... *қанинъ субча югурти, сонгукунг тагча ятди, баглик ури, оғлунг кул болти, силик қиз оғлунг кунг болти...* Қонинг сувдай оқди, суягинг тоғдай [уюлиб] ётди, бек бўладиган ўғил боланг қул бўлди, етук қиз боланг чўри бўлди [Култегин, 24]. Тирик вужуд аъзо ва ҳужайраларини озиклантирувчи, модда алмашувини таъминловчи қизил рангли суюқлик. Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли қан тарзида талаффуз қилинган; Ўзбек тилида *а* унлиси *а* унлисига алмашган: *қан>қан*; [ЎТЭЛ 561б], У (Жаннат хола) Икромжон чўлга кетгандан бери ёлғиз уймалайвериб қон бўлиб кетди. (Саид Аҳмад. «Уфқ»).

**Қаш.** *Аки шад улаю уни йиғуним оғланим бағларим бодунум кўзи қаши яблақ болтачи тап, сақинтиқ. Икки шад кейинг уни жияним, болам, бегларим, халқимнинг кўзи қоши ёмон бўлади деб, ўйладим* [Култегин, 51]. Қош-кўз қовоғи тепасидаги туклар мажмуаси. Кумушнинг қошлари чимирилди (Абдулла Қодирий. «Ўткан кунлар»). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли *қаш* тарзида талаффуз қилинган. Кейинчалик ўзбек тилида *а* унлиси *а* унлисига алмашган: *қаш>қаш*. Кумушнинг қошлари чимирилди. (Абдулла Қодирий. «Ўткан кунлар»).

**Боғаз.** *бодун боғзи тоқ арти, яғимиз тагра учоқ тагирти. Халқнинг томоғи тўқ эди. Душманзимиз атрофга қанотини етказди* [Тўньюқук, 8]. Томоқнинг қизилўнгач ва кекирдак бошланадиган ери. Бу от қадимги туркий тилда “-қис” маъносини англатувчи *боғ*-феълидан – (у)з қўшимчаси билан ясалган. Ўзбек тилида кейинчалик иккинчи бўғиндаги *у* унлиси *и* унлисига алмашган: *боғ+уз=боғуз> бўғиз*; Мусулмонқулнинг омонсиз қиличи оғайнининг бўғзида эди. (Абдулла Қодирий. «Ўткан кунлар»)

**Тер.** *Қара тәрим югурти, ишиг кучуг бартим ок. Қора терим югуртиб, меҳнатни кучни бердим, ахир* [Тўньюқук, 52]. Тери остидаги махсус безлар

ажратадиган сувсимон шаффоф суюқлик. Уйнинг димлигиданми ёки оғриқ азобиданми, унинг пешанасида майда тер томчилари ялтирарди. (Саида Зуннунова). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли *tār|tār* тарзида талаффуз қилинган; Кейинроқ *ä|ë* унлисига алмашган: *tār|tār*>*тер*. У тер тўкиб ишлади. Низомжон унга. (Икромжонга) ёлворгандек қаради: Мени энг оғир ишга қўйинг, илтимос қиламан. Эл катори ишлаб тер тўкай. (Саид Аҳмад. «Уфқ»)

**Тил.** ...қалмаз арсар, тилиг сабиғ али олур, тади. Келмас бўлса, тил (тутиб), маълумот олиб тур, деди [Тўньюқуқ, 32]. ...тилиг калурти саби: ярис язида он туман су тарилти, тар. Тил(тутиб) келтирди. Гапи: ярис даштида ўн туман (юз минг) лашкар йиғилди, деди [Тўньюқуқ, 36]. Оғиз бўшлиғида пастки жағга ёпишган, таъм-маза билишга, нутқ товушларини ҳосил қилишга хизмат қиладиган аъзо. *Айтсам, тилим қуяди, айтмасам-дилим.* (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли «*гапир*» маъносини англатган *ти-* феълидан *-л* қўшимчаси билан ясалган: *ти-+л=тил*; Кўнглига келган гапни очик айтишга Низомжоннинг сира тили бормасди. (Саид Аҳмад. «Уфқ»). Тил алоқа – ахборотнинг энг қулай воситаси ҳисобланади. Инсонларнинг хатти-ҳаракатидан ҳам маълум бир маъно англашилади. Инсон тана аъзоларидан *бош, кўз, қўл, қош, бармоқ, тил, тиш, лаб* кабиларнинг жисмоний ҳаракати орқали ҳам нутқ жараёнида маълум бир белгини кўрамиз, ҳис қиламиз.

### **2.2.2.Қадимги ёзма обидаларда маънавий қадриятларни ифодаловчи сўзлар**

...қанин қодуп. Табгачка яна ичикти. Та:нгри анча та:миш а:ринч. Қан ба:ртим. Хонини қўйиб яна Табгачга қўшилди. (таслим бўлди). Тангри шундай деган экан, шекилли: Хон бердим [Тўньюқуқ, 2]. Қанингин қодуп,

*ичикдинг, ичукдук учун та:нгри «ў:л» тамииш а:ринч, Турк бодун ўлти, алҳинти, ёқ болти. Хонингни қўйиб таслим бўлдинг. Таслим бўлгани учун тангри «ўл» деган шекилли, турк халқи ўлди, тугади йўқ бўлди* [Тўнюқук, 1].

Мазкур сатрлар Тўнюқук тилидан айтилган бўлиб, унда Тўнюқук халқнинг маънавий тубанлиги орқали ўз ватани учун жанг қилмасдан, юрт хонига таскин, ҳамдард бўлмай, халқнинг Табғач (яъни қадимги хитой мамлақати)га таслим бўлгани ҳақида куйиниб гапиреди. Тўнюқук бу ҳолатдан яратганининг ҳам жаҳли чиқиб, мазкур иши учун турк халқини ўлимга буюрганини, натижада, бирорта турк халқи вакили қолмагани ва халқнинг йўқолиб кетганини мисол қилиб келтиради. Бу лавҳалар орқали доно Тўнюқук кейинги авлодларга ибрат тариқасида юртга хоинлик, ватанни сотиш асло кечирилмаслигини ишора қилган.

*... қазани а:лп а:рмиш, айғучиси билга: армиш... Хоқони баҳодир экан, маслаҳатчиси аллома экан* [Тўнюқук, 21]. Тўнюқук битиктоши матнидан олинган мазкур мисолда мамлакат бошқарувида икки кишининг, яъни давлат ҳокими ҳамда унинг ёрдамчиси ҳақида гап боради. Агар мамлакат бошқарувида давлат раҳбари оқил, доно инсон бўлса, бу халқнинг тинч-хотиржамлиги гаровидир. Юксак тафаккур билан бирга жисмоний баркамолликнинг уйғунлиги эса ҳар жиҳатдан аҳолининг фаровонлигини таъминловчи омил. Шу маънода, хоқоннинг баҳодирлиги, маслаҳатчининг аллома бўлиши атрофдаги душманларни чўчитиши табиий. Ўз халқи хусусида бундай тавсифни эшитган Тўнюқук кибру ҳавога берилмади, аксинча, душманларнинг хоқони баҳодир, маслаҳатчиси аллома бўлган халқни енгиш қийин, ҳар тарафдан хужум қилиш керак, –деган фикрларини эшитиб: *Ол сабиғ эшидип тун удисиқим калмади, кундуз олурсуқим калмади. Ўша гапни эшитиб, тун ухлагим келмади, кундуз ўтиргим келмади* [Тўнюқук, 22]. Тўнюқук куюниб айтган гапларида саркарданинг ниҳоятда ўз бурчига содиқлиги, ватанпарварлиги ойдинлашади.



Ватанга содиқлик, ватан туйғуси тушунчаси олий тушунчадир. Айнан ўхшаш юксак кадриятларни Култегин битиктошида ҳам кўриш мумкин. *Тузултум, алтун, кумуш, исигти, қутай бунгсиз анча бару Табғач бодун саби сучиг агиси йимшақ армис, сучиг сабин йимшақ агин эрип, Ирақ бодунуз анча ягутур армис. Яғру қонтуқта кисра аййиз били аюр армис... Муросага келдим. Олтин, кумуш, ичкилик, ипакни шунча ҳисобсиз бераётган Табғач халқи сўзи ширин, дебоси нафис экан* [Култегин, 1]. Маҳмуд Кошғарийда аги арабчадаги *ди:ба:ж* деб таржима қилинган. *Ди:ба:ж* қадимги форс тилидаги дебочанинг арабча таржимасидир. Ҳозир бу сўз дебо шаклида бўлиб, нақшдор ипак кийимини билдиради. Ширин сўзи, дебоси билан алдаб йироқ халқни шу хилда яқинлаштирар экан. Яқин кўшни бўлгандан сўнг ёвуз илмни у ерда ўрганар экан. Мазкур сатрларда маънавий кадриятларнинг инсон ҳаётидаги ўрнини англаш мумкин. Култегиннинг жасоратлари битилган мазкур битиктош унинг акаси Билга хоқон тилидан ёзилган. Мазкур сатр орқали душманларнинг халқни алдаб ўз ёнига чақириб олиб, сўнгра ёвуз ниятларини амалга оширишлари лавҳаси берилган. Жумланинг давомида шундай дейилади: *Адгу билга кисиг, адгу а:лт кисиг, ёритмаз армис... Яхши ва доно кишини, яхши баҳодир кишини йўлатмас экан* [Култегин, 6].

*...нэнг, пэнг, сабим арсар, бангу таиққа уртум, ангар кору билинг, турук амти бодун бағлар, а:б ўдка кўругма бэғларгу янгилтачисиз. Қандай нима сўзим бўлса мангу тошга ўйдим. Унга қараб билинг, Туркнинг эндиги халқи, беклари. Уй, дунёга қарайдиган, (кўзига фақат мол-мулк кўринадиган) беклар, сизлар гумроҳсизлар* [Култегин, 11]. Барча замон ва маконларда маънавияти кучли, ишонч ва эътиқоди мустаҳкам миллат бир жону бир тан бўлиб, муаммолари тез ва соз ечилган, пешқадам бўлган.

*...анча қизганмис, атмиш алимиз тўрумиз арти. Турук ўғуз бағлари бодун, асидинг! Уза тангри басмасар, асра яр талинмасар, турук бодун, алингин торунгин ким артати?.. Шу хилда қозонилган, [барпо] этилган элимиз-тартиб, қоида-қонунларимиз [бор] эди. Турк ўғуз беклари, [ей] халқ,*

*эшитинг! Терадан осмон босмаган бўлса, пастда ер ёрилмаган бўлса, [ей] турк халқи, давлатингни, ҳукуматингни ким бузди?..* [Култегин, 22]. Мазкур жумлада ҳам, муаллиф табиий офатлар бўлмаган бўлса, («*Уза тангри басмасар, асра яр талинмасар*») турк халқининг ҳукумати нима сабабдан бузилганини сўрамоқда. Шунча куч билан, меҳнат билан қозонилган мамлакат, ўзига яраша тартиб-қоидаси мавжудлиги ҳақида надомад билан шарҳламоқда. Мафкуравий бирлиги ичидан ёки ташқаридан бузилган миллатлар мағлуб ҳисобланади. Натижада, мустамлакага айланади. Бунинг тарихий мисолини эса юқоридаги сатрлардан ҳам кўриш мумкин. Битиклар орқали бундан бир неча аср олдин ҳам мафкурасизликнинг аянчли оқибатлари, бутун бошли халқни, миллатни қириб, йўқ қилиб юбориши мумкинлигидан хабар беради.

*...арқиш калмади, ани айнитайин та:п суладим. Қурғу эки уч кисилигин та:зип барди. Қара бодун қазаним кэлти та:п, өг..ка ат бартим. Карвон келмади. Уни хушёр қилиб қўяй деб, лашкар тортдим. Енгилтак икки-уч кишиси билан қочди. Қора (оддий) халқ Хоқоним келди деб мадҳ қил...га от бердим* [Билга хоқон, 41]. Мана шу ўринда «енгилтак кишилари билан...» жумласига эътибор қаратдик. Чунки аслида *енгилтак* сўзи феъл-атворида енгил сифатлар мавжуд бўлган инсонларга нисбатан айтилади. Мазкур ўринда эса сотқин, хоин инсонларга нисбат берилиб, айнан шундай инсонлар орқасидан давлат кучсизланиши мумкинлиги назарда тутилмоқда.

Мазкур битикларни инсониятга қолдирилган энг катта бебаҳо хазина деб тан олиш ўринли, чунки уларда маънавий баркамолликни мустаҳкамлаш, бунга эришилмаганда қандай фожиаларга олиб келиши ҳақидаги огоҳлантириш даъватлари мавжуд.

### **2.2.3. Ижтимоий соҳага оид атамалар**

Туркий инсониятнинг яратилишига тўхтамасдан аввал турк хоқонлигининг асосий манбалари Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари, Хитой

йилномалари ва Византия манбалари сифатида уч гуруҳга ажралишини айтиб ўтишимиз жоиз<sup>109</sup>.

Монийлик динининг қимматли асари «Хуастуанифт»нинг туркий версияси қадимги туркий тилнинг қимматли обидасидир. Унда биз тадқиқ этаётган «сўз» атамаси учрайди: *T(ä)һрим суйда бару: сақинсїм сўзин қилінсїн он тїрлїг суй язуқ қїлт(ї)м(ї)з әрсәр: нәсә игид игдәд(и)м(и)з – тангрим, ёзуқ қилиб ёмон хаёллар билан, сўз билан, иш билан ўн хил ёзуқ қилган бўлсак, қанча сохта ишлар қилган бўлсак*<sup>110</sup>. Юқоридаги мисолда «сўз» худди ҳозирги кўринишида ишлатилганини кўриш мумкин яъни *сўзин -ин* қўшимчаси билан сўзга маъносида қўлланилган. Маълумки, «Хуастуанифт» монийлик динининг ёлбориш дуосидир<sup>111</sup>. Унда «хаёллар билан, сўз билан, иш билан гуноҳ қилган бўлсак, гуноҳларимизни кечиргайсан» деб кечирилиши сўралган. Ёки: *T(ä)һрим әксїклїг язуқлуғ-биз: өтәгсї биримсї-биз тодунссуз унутсуз суқ йәк исїн сақинсїн сўзин қилінсїн -Тангрим, ёзуқлимиз, қарздормиз, тўймас, уятсиз, суқ иблис учун хаёл қилиб, сўз билан, иш билан*<sup>112</sup>. Мазкур даврда ҳам «сўз» атамаси сўз маъносида қўлланилган. Кўп ўринларда «сўз» ни кўп маъноли сўзлар қаторига қўшиш мумкин. «Древнетюркский словарь»да келтирилган мисолда сўз қуйидагича изоҳланган: *Сўзїһ өзїһгә өкїнс келмәсїн –ўз сўзингдан афсусланмагин (пушаймон қилмагин)*<sup>113</sup> шаклида. Шунга кўра, ёзма обидалар тилида учрайдиган тилшунослик ёки адабиётшунослик тушунчасини билдирадиган сўзлар маълум бир шароитда пайдо бўлган деб айтиш қийин. Бу сўзлар қанчалик турғун бўлмасин, даврлар ўтиши билан ривожланади ва шаклан ўзгаради. Тилшунослик соҳасининг ривожланиши билан сўзларнинг доираси ҳам кенгайиб борган. Қадимги туркий ёдномаларда ҳамда «Девону луғати турк»да сўз маъносида «сўз»

---

<sup>109</sup> Ташағыл А. Туркий қағанатдағы адами қундилиқтар. Туркий халқтарининг тарихий ойи. Тарихий адамзат ақил-ойининг хазинаси: он томдиқ-Астана . 2006. Т.10-36.

<sup>110</sup> Қ.Содиқов Эски туркий битиклар.. Т.: ТошДШИ, 2009. –Б.82

<sup>111</sup> Қ.Содиқов Эски туркий битиклар.. Т.: ТошДШИ, 2009. –Б.85 .

<sup>112</sup> Қ.Содиқов Эски туркий битиклар.. Т.: ТошДШИ, 2009. –Б.98.

<sup>113</sup> Маҳмуд Кошғарий. «Девони луғатит турк Тошкент, Ўзбекистон ФА нашриёти 1960, I жилд – Б. 511.

атамасидан ташқари *саб* ва *саw* атамалари ҳам учрайди. Шунингдек, Ўрхун-Энасой обидаларида ҳам мазкур сўзнинг айнан шу кўринишлари мавжуд. *Üč köriğ kişi kälti, sabı bir: қағані сiу тағiқдi, он оқ сiсi қалiсiз тағiқдi, тәр – уч кўрувчи киши келди, сўзи бир: «Хоқони лашкар билан майдонга чиқди, ўн ўқ лашқари бекаму кўст майдонга чиқди, - дер»<sup>114</sup>*. Мазкур мисол Тўнюкүк битигидан олинган. Унда сўз атамаси «*саб*» шаклида қўлланилган. Шундан кўринадики, даврлар ўтиши билан тилнинг луғавий қатламидаги сўзлар турли босқичларда ўзгаришга учрайди, айримлари йўқ бўлиб кетиши ҳам мумкин.

Қизиғи шундаки, VI-VIII асрлар ёзма обидалар тилида «*саб*» атамаси омоним шаклда ҳам ишлатилган. Омонимлар шакли бир хил, маъноси ҳар хил сўзлардир. «*Саб*» атамаси ҳам икки хил маънода: сўз, хабар маъносида қўлланилган. Култегин битигида: *Сабымын тукәти әсидгил – сўзимни тугал эшитгил*<sup>115</sup>. Ёки: *Тоқуз оғуз бәгләри, бодуні, бу сабімін әдгүти әсид, қатиғдi тиңлә – тўққиз ўғуз бекләри, халқи, бу сўзимни яхшилаб эшит, диққат билан тингла*<sup>116</sup> сингари мисолларда *сабімін* сўзига *-ім* эгалик қўшимчаси ҳамда тушум келишиги аффикси *-(i)н* қўшилган ва матнда «*сўз*» маъносида қўлланилган. Бунда халққа мурожаат қилинган. Ёзма манбаларда «*саб*» дан ташқари «*саw*» шаклида, яъни сўз маъносида ҳам қўлланилган. «Хуастуанифт» нинг туркий версиясида қуйидагича келтирилган: *Тигмәкә артiзiн анiң саwiн алiн нәсә яңiлу басағ... – ҳар кимсага эргашиб, унинг сўзини олиб, қанча янгилишиб, рўза... Ёки:...[сўл]ву саw сўзләд(и)м(и)з әрсәр: й(ә)мә кiн ай... [әр]ксизин тугар батар әрки... – ... ёлгон сўзларни айтган бўлсак, яна Кун-ой...ерксиз ҳолда тугар ва ботар [яъни куннинг туғиши ва ботиши] истаги. Шундан кўринадики, қадимги туркий битикларда сўз атамасининг ўрнига асосан, «*саб*» ҳамда «*саw*» сўзлари қўллашган. Асарларда келган маълумотларга қараганда, «*сўз*» шаклига келган кўриниши*

<sup>114</sup> Қ.Содиқов. Кўрсатилган асар. – Б. 26.

<sup>115</sup> Қ.Содиқов. Кўрсатилган асар. –Б. 39

<sup>116</sup> Қ.Содиқов. Кўрсатилган асар . –Б. 39.

Х асрдан сўнг кўпроқ фойдаланилган. «Девону луғоти турк»да «саw» куйидаги маънода изоҳланади: *Саw – сўз, нутқ. Сўз маъносида «саw» шаклида кўлланилишини куйидаги мисолда кўришимиз мумкин. «Девону луғатит-турк»: Билгә эрән саwларін алгїл өгїт, эдгї саwїғ эдләсә өзкә сиңәр. Айтмоқдаки: Билагон кишиларнинг сўз, ўгитларидан фойдалан. Чунки яхиши сўз таъсир қилгач, кўнгилга жойлашади. Саwїн сағраққа тегир – киши ширин сўз билан шоҳлар косасидан сув ичади, яъни улар ҳурмат топади. Ушбу мақолдаги «саw» – ширин калом, ақл ва мушоҳада билан айтилган сўз маъносида талқин қилиш мумкин. Яъни хушмуомалалиги ёки ширин сўзлилиги туфайли инсон кўп нарсага эришиши, шулардан бири шоҳ олдида ҳурмат топиши назарда тутилган. Шу билан бирга «сўз» атамасининг «Девону луғати турк»да ҳар иккала шаклда, яъни «сўз» ва «саw» кўринишида кўлланган ўринларни ҳам учратиш мумкин: *Сарсиғ сўз - кўпол ва дағал сўз.*<sup>117</sup> *Сўз бег қулақїна сәлїндї - Сўз бек ва бошқаларнинг қулогига чалинди, эшитилди(ўғузча). Эшитип ата-анаңнїң, саwларїні қадїрма. Нәң қоп булуп, кїwәзлик, қїлїниб яна қутурма. Ота-онангнинг насиҳатларини эшит, гапингда уларнинг сўзини қайтарма. Кўп мол топсанг, ўзингдан ўтиб, қутурма. Мағрурланиб, феълингни бузма.**

Қадимда фаол ишлатилиб келинган маълум соҳага оид сўзлар архаиклашиб қолиши ва унинг ўрнида бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар ишлатилиши мумкин. Қадимдан ишлатиб келган сўз эса пассив лексикадан ўрин ола бошлайди. Тадқиқотдан шу жиҳат англашиладики, сўз маъносида VI-IX аср ёзма обидаларида «саb» ва «саw» шаклларида ишлатилган, X-XI асрларга келиб эса, «саw» ва «сўз» кўринишига ўзгарган. Аммо XI асрдан кейинги даврларда «сўз» шаклида ишлатилган. Бугунги кунда «сўз» шаклидаги кўриниши амал қилмоқда. Айрим сўзлар таркибида «саw» шаклини ҳам учратиш мумкин. Масалан, «Совчи» сўзида «саw» айнан қадимги туркий тилдаги «саw» деган хулосага келинди. Чунки бугунги кунда

---

<sup>117</sup> Ўша асар. –Б. 184.

«совчи» бирор хонадоннинг вояга етган қизини келинликка сўраб боровчи инсон. Бу вазифани бажарувчилар совчилар деб аталади. Дунёнинг турли халқларида бу одат турличадир. Совчилик тўғрисидаги илк маълумотлар VII-VIII асрларга оид Ўрхун-Энасой битикларида учрайди. Тўнжук битиктошида «сов», «саб» калимаси сўз, гап маъносида ишлатилади. «Ирк Битиги» («Фол китоби») да эса «саб»-сўз, «сабчи» -хабарчи, сўз келтирувчи маъносида қўлланилган. Бу ҳақда Маҳмуд Кошғарий «совчи-келин ва куёв орасида бир-бирига хабар элтувчи», деб ёзган. Туркий халқларда, жумладан, ўзбекларда қадимдан совчиликка дастлаб аёллар, сўнгра эркалар боришган. Шунга асосланиб, ҳозирги адабий тилимизда қўлланиладиган «совчи» сўзининг асоси айнан «sav» эканлиги маълум бўлади.

Кўришиб турганидек, барча ўринларда «саб» сўзи «сўз, гап» маъносида келмоқда. Шу сўз ва гапларни етказувчи кишига эса «сабчи» атамаси қўлланилган. Мазкур сўз кейинчалик турли фонетик ўзгаришларга учраб «совчи» кўринишига келиб қолган. Қизиқарлиси шундаки, совчи бир томондан иккинчи томонга хабар етказувчи шахс ҳисобланади. Хабарчилар қандай хабар етказишидан қатъи назар, уларга ҳеч қандай таъсир ўтказилмаган. Айнан мана шу ҳолат бугунги кунда ҳам сақланиб қолинган. Икки томон вакиллари ўртасидаги илк қариндошлик ришталари айнан совчилар томонидан амалга оширилади. Совчи бўлиб боришга эса кўпни кўрган обрўли инсонлар танланади. Шунингдек, совчи бўлиб борадиган одамга қизил ва оқ от танланган. Совчилар бу эзгу ишда ҳеч қачон қора отдан фойдаланмаган. Чунки қора ранг уларнинг диний тасаввурларида ёвузлик рамзи ҳисобланган. Совчилар ишни битириб келишса, уларга совға-саломлар, сарполар берилган. Шунинг учун ҳам совчи бўлишга ҳар жиҳатдан сўзамол, тили ширин, нотик инсонлар танланган<sup>118</sup>. Бугунги кунда ҳам совчи бўлиш учун айнан шундай мукамал инсонлар танланади.

---

<sup>118</sup>Аҳмаджон Аширов. Ўзбек халқининг қадимий этикод ва маросимлари. Тошкент: 2007, Б.89.

Ёзма обидалар тилида учрайдиган яқинлик ва қавм қариндошлик тушунчасини билдирадиган сўзлар ҳам маълум бир шароитда пайдо бўлган. Бу номлар қанчалик турғун бўлмасин, вақт ўтиши билан улар ҳам ўзгаради. Аниқроғи, оила, никоҳ шакллари янги турлари пайдо бўлиши билан улар ҳам ўзгариб бораверади. Лекин шундай сўзлар борки, улар неча минг йиллардан буён сақланиб қолиб, аждодларнинг илк даврларда қандай шароитда кун кечирганликларидан далолат бериб туради. «Совчи» атамаси сингари сўзлар тилимизда жуда кўп учрайди. Уларни тарихан тадқиқот қилиш ва ўрганиш зарур.

#### 2.2.4. Қариндошлик тушунчасини билдирадиган сўзлар

Қадимги туркий тил луғат таркибида бошқа сўзлар қаторида қавм-қариндошлик атамалари ҳам ўз ифодасини топгандир. Ёзма обидалар тилида учрайдиган яқинлик ёки қавм-қариндошлик тушунчасини билдирадиган сўзлар ҳам маълум бир шароитда пайдо бўлган.

Ёзма обидалар тилида *қан* (КТ<sup>119</sup>), *өг* (КТ), *сингил* (КТ), *ана* (Оё<sup>120</sup>), *огул* (КТ), *ога* (КТ), *ини* (КТ), *чолуқ* (КТ), *эр* (КТ), *қатун* (тўн), *эка* (КТ), *ингун* (қариндош), *йигун* (жиян ёки набира), *ачи* (амаки), *ана* (бобо) (КТ) ва бошқа шунга ўхшаш қавм-қариндошлик тушунчасини билдирадиган сўзлар учрайди. Уларни лексик-семантик томондан қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Қон-қариндошлик атамалари.

2. Никоҳдан кейин яқинликни билдирадиган атамалар.

*Қон-қариндошлик атамалари.* Бу каби атамаларга *қан*, *ачи*, *ини*, *йигун*, *ана*, *уры*, *огул*, *сынғыл* ва бошқа шунга ўхшаш сўзларни кўрсатиш мумкин.

**Қан.** VI-X аср ёзма обидаларида *ата*, *қан* ва *эде* каби шаклларда ишлатилган бўлса, X-XI асрда ҳам худди шундай ишлатилган. Аммо XI-XIV асрларда *аба* шаклидадир. Ата атамаси фарзандли, бола-чақали эр кишилар.

---

<sup>119</sup>Култегин ёдномаси

<sup>120</sup>Олтин ёруғ ёдномаси

*Ота* сўзи семантик жиҳатдан ҳар хил маъноларда ҳам ишлатилади. *Өз* атамаси ҳам ҳар хил кўринишларда бўлган. VI-X асрларда *эг* шаклида, X-XI асрларда *ана* ва X-XIV асрларда эса *аба*, *ана*, *ана* шаклларида ҳам қўлланилган. *Она* атамаси асосан фарзандли шахсларга нисбатан айтилган, *она* сўзи кейинги даврларда ҳар хил семантик хусусиятга эга бўла бошлаган. *Ачи* атамаси. Бу X-XVI аср ёзма обидалар тилида, эчи шаклида ишлатилган бўлса, X-XIV асрларда эса *ака* шакли ҳам ишлатила бошлаган.

**Ини.** Бу атама акасига нисбатан ёш жиҳатидан кичик бўлганига нисбатан ишлатилган. Бу атаманинг қариндош маъноси кейинчалик келиб чиққан.

**Уры.** Ўғли маъносида ишлатилган, *ўғыл* эса бола маъносидадир, VI-X асрларда *уры оғул*, X-XI асрларда эса ўғлон. Мазкур атама ҳам кейинчалик ҳар хил маъноларда ишлатила бошлаган. Қиз атамаси аёл жинсига мансубликни ифодалайди. Ўрхун ёдномаларида *қиз ўғыл*, яъни *қиз бола* маъносидадир. X-XIV асрларда эса бу сўзнинг маъноси кенгайди.

**Сынғыл.** Бу атама X асргача ва ундан кейин яратилган ёзма обидаларда ҳам *сынъл*, *сынғыл* каби фонетик кўринишларда учрайди. Бу атама оилада акаларидан кейин қизга нисбатан ишлатилган.

**Йигун.** Ака ёки опаларининг фарзандларига нисбатан қўлланиладиган атамадир.

**Апа.** Бу атама VI-X асрларда оилада ёши катта бўлган (асли бобо демақдир.) шахсга нисбатан ҳам ишлатилган. Унинг *аба* каби кўриниши ҳам мавжуд.

*Никоҳдан кейин пайдо бўлган қариндошлик атамалари.* Никоҳ эр-хотинликни расмийлаштиришдир. Бу турдаги атамаларга *эр*, *қатун*, *эрин*, *киши*, *авлуқ* ва бошқалар киради.

VI-XIV асрларда *эр (ур)* сўзи кўпроқ жанговар, мард маъносида ишлатилган.



*Қатун, узук, урангут, арин* ва *авлуқ* каби кўринишлари ҳам ишлатилган<sup>121</sup>.

X-XIV асрлардаги қавм-қариндошлик атамалари Махмуд Кошғарий асарида ўз ифодасини топгандир.

Қадимги ёзма ёдгорликларда оила муносабатлари, хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни, онанинг хонадондаги мавқеи масалалари турли ўринларда қайд этилган. Жумладан, Ўрхун ёзувларда ижтимоий институтларнинг энг асосий ва муҳим қисмлари бўлган оила институти ва аёллар тўғрисида муҳим маълумотлар келтирилади. Ёзувларда «хоқон» исми билан бирга аёл-қизларнинг исми ҳам тилга олинishi аёлларнинг жамиятдаги ва давлат бошқарувидаги мавқеидан далолат беради. Ўрхун битиктошларида аёллар оилада *қиз, сингил, хотин ва келин* сифатида тан олинган. «Канизак» тушунчаси тез-тез тилга олинса-да, канизаклар мавжудлиги ҳақида аниқ маълумотлар учрамайди. Битиктошларда аёл образи ўзига хос диний-мифологик ўзига хослик билан намоён бўлади. Қадимги туркий эътиқод ва урф-одатларга кўра аёллар Худонинг ер юзидаги вакили ҳисобланган. Худо унга,-яъни ёрдамчисига буйруқ берган дейилади. Бу ҳолат матндан ҳам англашилади, нафақат хоқон балки матн ёзувчиси ҳам бот-бот шу ҳақида таъкидлаб ўтади. Ўрхун ёзувлари ва бошқа битиклар қадимги туркий халқлар тарихи ва маданиятини ёритадиган бошқа кўплаб асарлар билан яхлитликка эга ҳисобланади. Қадимий туркий эътиқодга кўра туркийлар ўзларини тангри фарзандлари, осмон фарзандлари деб ҳисоблашган. Уларнинг наздида хоқон ва унинг рафиқаси худонинг ердаги ёрдамчиси ҳисобланиб, уларни муқаддас санаб, эътиқод қилишган. Аёлларнинг ўз саройлари, ўз қарор ва фармонлари мавжуд бўлган ҳамда улар давлат бошқарувида оид мажлисларда ҳам иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишган. Хоқонининг кўк тангри фарзанди эканлигига ишора «Билга хоқон» битиктошида ўз ифодасини топган. Хоқон билан бирга унинг

---

<sup>121</sup>Азимов И., Раҳматов М. «Қадимги туркий тил», Т.: Низомий номидаги ТДПУ Ризографи-2005, Б.18-19.

рафикасининг исми ҳам тенгдай тилга олинган. Билга хоқон битиктошида Элтариш хоқон ва Элбилга хотун муносабатлари ҳақида сўз келтирилиб, уларни тангрининг инояти эканлиги таъкидланади, яъни тангри турк халқини йўқ бўлиб кетмаслиги учун уларни юборди деб таърифланади. Сиёсий маънода эса аёл ва хоқон ўртасида ерлар тақсимланган, аёл ҳам ўз муҳрига эга бўлган. Буйруқлар ҳам «Хоқон ва Хотун буюрди...» шаклида бўлган. Ҳатто сиёсий элчиларни қабул қилишда хоқоннинг рафикаси иштирок этган. Ибн Баттута саёхатномасида: «*Елчилар ва меҳмонларга кўра уларга хизмат қиладиган аёлларига кўпроқ совға берилиши лозим*»лиги ҳақида айтилган. Унга кўра Хоқон ўнг томонда, қизлар чап томонда ўтирганликлари элчилар эса, уларнинг қаршисидан жой олганликлари таъкидланади. Дада Қўркут<sup>122</sup> китобида ҳам хон рафикасига «хон қиз» деб мурожаат қилинган. Унга кўра аёллар «зодагонлик» ва «сиёсий куч» маъносида рамзийлик касб этган. Баъзи адабиётларда, жумладан, Рашидиддиннинг «Шажараи тарокима<sup>123</sup>» асарида Ўғуз уч марта уйланганлиги, лекин хотинлари, қизлари бўлмагани, амакисининг, тоғасининг беваларини урф-одатга кўра никоҳлаб олганлиги таъкидланади. Мазкур ҳолат эса оилавий анъана сифатида давом қилиниб, ҳозирги кунда ҳам айрим оилаларда кузатилади. Аммо бу дегани, такрор уйланиш ўз рафикасига нисбатан ҳурматсизлик эмас, балки оила аъзоларининг, наслнинг бегоналашиб кетмаслиги важдан бўлган.

Қадимги туркий обидалар матнида дафн маросими алоҳида аҳамият касб этган. Тошбитиклар орқали қадимги туркийларнинг мотам маросимлари, шунга доир диний эътиқодлари ҳақида етарлича билиб олиш мумкин. Тўньюқ, Култегин ва Билга хоқон битикларида дафн маросимларига боғлиқ ўринлар мавжуд. Масалан, Тўньюқ битиктошидаги бир ҳолатга тўхталайлик: *Қатун йўқ болмиш эрти, ани йўғлатайин тәди*<sup>124</sup> -хотун йўқ

---

<sup>122</sup> Ўрта асрлар ўғуз эпосининг юксак намуналаридан бири. Унинг таркибига кирган ҳикоя ва дostonларнинг айримлари VII-VIII асрларда оғзаки равишда яратила бошланган.

<sup>123</sup> Тарихий асар муаллифи Абулғозий Баҳодирхон. Эски ўзбек тилида ёзилган. (1661). Обида туркий кабилалар, хусусан, туркман халқининг келиб чиқиши ҳақидаги маълумотлари билан қимматлидир.

<sup>124</sup>Тўньюқ битиктоши -31

бўлган эди, унинг маросимини ўтказай деди. Ҳарбий юришга отланган пайтда хотуннинг вафоти ва унинг маросимини ўтказмай кетишга ҳокон жазм қилмайди. Бу ҳолат ҳам аёлларга бўлган эътиқоддан далолатдир.

**Хотун.** Малика деган маънони билдиради. Туркий сулолаларда ҳукмдорнинг аёли шундай номланган. У ҳокон билан биргаликда давлат бошқарувида фаол иштирок этган. Қадимда турк ҳоконликларида зарб қилинган тангаларда аёл тасвирининг берилгани ҳам шу билан изоҳланади. Хотунларга атаб *хотункат*-малика шаҳарлари қурилган. Турк ҳоконликларида аёл киши ниҳоятда эъзозланган. Қадимги туркийлар эътиқодида Умай исмли илоҳ ўрин олиб, у қут-барака ҳомийси ҳисобланган ва ҳомиладорликни, болаларни ҳамда жангчиларни кўриқловчи илоҳ сифатида талқин этилган. Маҳмуд Кошғарий «*Умай*» сўзига шундай изоҳ беради: *«хотин кишининг ичидан тушиб бўлганда чиқадиган қопчиққа ўхшаш нарса. У боланинг қориндаги эгаси дейилади. «Умайқа топинса ўгил бўлур» деган масал бор. Яъни кимки Умайга хизмат қилса, у ўгил кўради, демакдир».* Хотинлар шунга эътиқод қилишади. Қадимги даврлардан тортиб, ХХасрнинг бошларига қадар «Умай» болаларни асровчи илоҳ сифатида халқ орасида яшаган. Айрим туркий халқлар мифологиясида, масалан, хакас, шор, болқор халқларида *Имай* тарзида ҳам қўлланади. Маҳмуд Кошғарийнинг кўрсатишича, тубутлар онани «*ума*» деб айтар эканлар, шунингдек, уйга келган меҳмонни ҳам «*ума*» дер эканлар<sup>125</sup> *Умай\Имай* культининг маъно ва вазифалари кўп. Шу боис айрим олимларнинг, Умай Эрон мифологиясида Хумойдан келиб чиққан, деган фикрлари ўзини оқламайди. Хумой куши соясини инсонга солганда, инсон бахтли бўлар экан. Умай култи Сибир туркий халқларида кенг маънода ишлатилади. Умай бу халқларда фақат болаларни ҳимоя қилувчигина эмас, балки болаларнинг жонини олувчи сифатида ҳам талқин қилинган. Қизиғи шундаки, ҳозирда ҳам Умай ёки Имай она деб аталувчи ушбу илоҳнинг рамзларидан бири узун уч қиррали

---

<sup>125</sup> Маҳмуд Кошғарий. «Девони луғати турк». 1-жилд. Тошкент: Ўзбекистон ФА нашриёти, 1960. -Б.118.

калпоқ бўлган. Демак, аёлларга бўлган бундай эъзоз, ҳатто хоқонлик тангаларида акс этган маликаларнинг тасвири бежиз эмас. Бошқарув ишларида доимо хоқонга ҳамроҳ бўлган малика-хотун рамзий маънода Умайга менгзалган. Зеро, қадимги битиктошлардан бири Култегинда *Умайтег ўғум қатун қутига иним Култегин эр ат бўлди*, яъни *Умайдек онам хотун қутига (бахтига) иним Култегин эр йигит деган ном топди* жумлаларининг учрашиёқ бу фикрни тасдиқлаб турибди. Турк-будда мифологиясида Умай культининг туркий ёзма ёдгорликларидан ва удумларидан кескин фарқ қиладиган жиҳатлари бор. «Олтин ёруғ» асарида буддавийлик ақидасига кўра, қайта туғилган жонзотлар, шу жумладан, инсонлар ҳам, бўдиставга айланадилар, яъни комилликка эришадилар. Жонзотларнинг бу жараёни босиб ўтишларини Зерван жонзот болаларига кўйидагича уқтиради: *«(Ей) оламини, эру сувни муҳофаза этувчилар! Сизлар шуни билинглар: фойда, манфаат келтиргани жамики жонзотлар болаларига, эл-улусга бошчилик қилиш қонуни билан сўраган бўлсангизлар, ижозат беринг, уни энди мен (сизларга) айтайин. Диққат билан эшитинглар: илгари қилган яхши ишлар туфайли тангри заминида туғилганда тангри хони бўладилар. Қачон қайта туғилиб, инсонлар орасига тушганда, инсонлар хони бўладилар. Хукмронлик қилувчи ўз қудрати, иродаси билан жамики жонзотлар(ни) биргаликда муҳофаза қиладилар. Шундан кейин хавф-хатарсиз она қорнига кирадилар. Қачон она қорнига кирсалар, Умай онадай, у ерда ҳам тангрилар муҳофаза қиладилар. Туғилса, ҳам инсонлар (ораси)да инсоният ерида кўп иззат-ҳурматли бўлмоқдан уни тангри деб айтадилар»* «Олтин ёруғ» дан келтирилган бу парчада Умай она култи диққатга сазовор. Гарчи «Олтин ёруғ» санскритчадан хитойчага ва хитойчадан қадимги туркийга таржима қилинган бўлса ҳам (IX аср охирида), Умай култи таржима жараёнида киритилганини таъкидлаш даркор. Парчадаги Умай она култи буддавийликнинг айнан қайта туғилиш ақидасига мослаштирилгани учун унинг яна бир хусусияти намоён бўлган.

Умай она «Олтин ёруғ» да қайта туғиладиганларни муҳофаза қилувчи илоҳ деб талқин қилинган. Маълум бўлишича, Умайда қут бериш, бахт бериш хусусияти бор. Умай оғир меҳнат пайти, туғруқ пайти аёлларни ҳимоя қилувчи илоҳдир. Илоҳлар эса, қадимги туркий дунёқарашга кўра муқаддас аталиб, уларга эътиқод қилинган. Уларнинг айрим қолдиқлари бугунги кунда ҳам учрайди, яъни аёлларимиз туғруқ жараёнида «йўлдош тушди» иборасини айнан мана шу илоҳ номи боғлашади. Туркий мифологияга кўра ота ва она осмон ва ер рамзи ҳисобланган. Уларнинг бирлашишидан илоҳий куч вужудга келган. Шу сабабдан ҳам қадимги туркий аждодлар ўзларини «осмон фарзандлари», ота ва она ҳаёт устунлари деб ҳисоблашган.

### 2.2.5. Қурол-аслаҳа номларини билдирадиган сўзлар

VI-X асрлардаги қурол-аслаҳа атамалари ўша давр уруғ ва қабилаларнинг турмуши, сиёсий-ҳарбий аҳволини маълум даражада акс эттиради. Қурол-аслаҳа номларини билдирадиган қуйидаги атамалар учрайди.

Ҳарбий хизматга алоқадор шахслар, қўшиннинг таркибини ифодаловчи атамалар, *су* (армия) (Кт), *атлы* (отлик), *қўшин* (Кт); (пиёда аскар), *яда* (Кт), *тутмақ* (душманларнинг кучини билишга ажратилганлар) (Кт), *ярчи* (қўшинга йўл кўрсатиб боровчи) (Кт), *язак сув ёки илқу су* (илфор отрядда боровчилар). Армиянинг ўнг қанотида уруш қилганлар *ўқ* (Кт), чап қаноти уруш қилганларга нисбатан *сол* (Кт) ва ўртада уруш қилганларга нисбатан *кед* каби атамалар ишлатилган. Армиянинг орқа томонида қуролланиб турган ҳарбийлар *ятуг* (Кт) ва *оқчы* (ўнг) дейилган. Қўшинларнинг ёрдамчи қисмлари *яқут* деб аталган. Бирор жойда яшаётган қabila ва уруғни талаш учун юборилган гуруҳ *ақынчы* деб аталган.

Хон ва бекларнинг шахсий қўриқчилари ва уларнинг турадиган жойлар *ятгақ*, *тургақ* (Сарой қўриқчиси) дейилган. Урушда қаҳрамонлик

кўрсатганлар – *алп* (Кт), қарам бўлиш-*кермис* (Кт), хийлакорлик-*тэблиг* (Кт) каби сўзлар билан юритилган.

Қадимги туркий тилда яна «ябғу» сўзи лақаб сифатида қўлланилган. Бу сўз Турк хоқонлигида бош ҳукмдор-хоқондан кейин турувчи, аниқроғи унинг ўринбосарига нисбатан қўлланилган. Ўша даврларда турк хоқонлигининг энг олий ҳукмдорига нисбатан хоқон атамаси ишлатилган: *Он оқ қазани яғи:мыз арти -Ўн ўқ хоқони душманимиз эди*. Хоқон унвонини шарқдаги бош хоқонлик маркази Ўрхунда бўлган ҳукмдорлар қўллашга ҳақли бўлиб, хоқонликнинг ғарбий қаноти бўлмиш Ғарбий турк хоқонлиги ҳукмдорлари эса ябғу-хоқон унвонини ишлатишар ва шу тариқа улар марказга боғлиқлигини ифодалашар эди. Шунингдек, турк хоқонлигида яна *элтабар, тудун, айғучи, ярчи, апатархан* сингари унвонлар ишлатилган. **Элтабар** унвони «давлатни тутиб турувчи» деган маънони англатган. Хитой йилномаларида таъкидланишича, бу унвон катта-кичик воҳаларни бошқарувчиларга берилган. **Тудун** унвони эса хоқонликнинг бошқарув тизимига хос унвонлардан бири сифатида «*бўйсундирилган ўлкалардан солиқ йиғишни ташиқил қилувчи маҳаллий ҳукмдор устидан назорат этувчи*», яъни ноиб маъносида бўлган. Айғучи эса вазир, маслаҳатчи, саркарда маъноларида бўлиб<sup>126</sup>, кўпинча маслаҳатчи маъносида ишлатилган: *қазани алп армиш, айғучиси билга армиш- хоқони қаҳрамон экан, маслаҳатчиси аллома экан*. Бу сифат Ўрхун-Энасой обидаларидан бири Тўньюқуқ битиктошида Тўньюқуққа нисбатан қўлланилган. Манбаларда қайд этилишича Тўньюқуқ мазкур битиктошни ўзи ёздирган. **Ярчи** –йўлчи, йўл бошловчи, ер биладиган киши дегани: *ярчи тиладим–ерчи суриштирдим*. *Апатархан* – бош қўмондан деган маънони билдирувчи унвон: *апатархангару ичра саб идмиш-апатарханга махфий гап юборибди*. «Апа» сўзи «Девони луғати-турк»да она маъносида берилган. Култегинда эса, аждодимиз деб таржима қилинганини ва шу маънода қўлланилганини учратамиз. Умумий тарзда улар бир-бирига жуда

---

<sup>126</sup>Қ.Содиқов, Қ.Омонов, “Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан”. Т.:Мухаррир нашриёти -2010. –В.53.

якин, шунингдек, апа қадимги туркий тилда фақат она маносида эмас, ўзидан катта улуғларга, юрт бошқарувчиларга нисбатан ҳам қўлланилган. Шу ўринда «тегин» нисбасига ҳам тўхталиб ўтсак. Юқорида Тўньюқуқ атамаси ҳақида гапирганимизда қадимги туркий давлатчилик анъаналарига кўра, ҳар бир амалдор, хоҳ у хоқон бўлсин, хоҳ қуйи даражали лавозим эгаси бўлсин, уларнинг исми олдига *баҳодур, алп, билга, тегин* каби сифатлашлар қўшиб айтилганини таъкидлаган эдик. «Тегин» шахзода деган маънони англатади. Қадимги туркийлар ашина сулоласига мансуб шахслар учун мазкур унвонни ишлатишган. Қадимда туркий халқларнинг маданият марказларида турк шахзодалари томонидан Тегин-шоҳ ибодатхоналари қурдирилган. Тегин номлари билан маҳаллий халқлар тилида тангалар зарб қилинган.

Ҳарбий соҳага оид сўзларнинг аксарияти Билга хоқон битиктошида учрайди. Битикда Билга хоқоннинг баҳодирлик ишлари тасвирланган. Шу сабабдан ҳам битиктошда ҳарбий соҳага оид бўлган сўзлар кўпчиликни ташкил этади. Шуниси қизиқарлики, сўзларнинг аксарияти айнан такрорланмайди, балки улар баъзи ўринларда синонимлари билан ифодаланади. Бу жиҳат эса ўша даврдаги тил имкониятлари ҳолатидан дарак беради: *Йэти йигирми йашыма Тангут топа суладим ўн етти ёшимда Тангутга лашкар тортдим* [Билга хоқон, 24]. «Суладим» сўзи лашкар тортдим тарзида таржима қилинган. Қадимги туркий тилда «су» лашкар дегани, мазкур феъл айнан шу сўздан ясалган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «*лашкар тортмоқ*» жумласига шундай изоҳ берилган: Лашкар тортмоқ-қўшин билан ҳужумга бормоқ<sup>127</sup>. Битиктошнинг иккинчи бир ўрнида айни шу маънода бошқа сўзнинг ишлатилганини учратамиз: *Ол йилда Тургаиш тапа Алтун йишиг аша эртиш окузуг кэчэ ёридим. Ўша йилда Тургаиш томонга Олтун йишни ошиб Эртиш дарёсини кечиб, юриш қилдим.* [Билга хоқон, 27]. Бу ўринда ҳам лашкар тортмоқ бирикмасининг маъносини

---

<sup>127</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли, 2 жилд. Тошкент:2006. –Б.110.

берувчи «ёридим» сўзи, яъни «юриш қилдим» жумласи ишлатилган. Улар айнан ўхшамаса ҳам, маъно жиҳатдан бир-бирига яқин ҳарбий соҳага оид сўзлардир. Битиктошда яна ҳарбий соҳага оид бўлган кўплаб сўзларни, бирикмаларни кўриш мумкин: *Тангут бодунуг буздум оғлин, ю(туз)ин, йилқисин, баримин анта алдим. Тангут халқини енгдим, ўғлини, хонумонини, йилқисини, молини ўшанда олдим* [Билга хоқон, 24]. Қадимда аждодларимизнинг бадавлатлиги уларнинг моли билан ўлчанган, айниқса, чорвадор халқларда йилқилар катта аҳамиятга эга ҳисобланган. Жангларда кўли баланд келган тараф енгилган халқнинг бор-йўғини, йилқиларини олиб кўядиган бўлган. *Сусин анта олуртим, Лашкарни ўшанда қирдим* [Билга хоқон, 26]. *Қирқиз бодунуг уда басдим. Қирқиз халқини уйқуда басдим* [Билга хоқон, 27]. *Тангут бодунуг буздим. Тангут халқини енгдим* [Билга хоқон, 26]. Ҳар учала гапда бир-бирига яқин маъноли сўзлар қўлланилган. Бироқ айнан бир хилда эмас, юқорида таъкидланганидек, турли хил кўринишларда ишлатилган. Қирмоқ, босмоқ, енгмоқ сўзлари умумий «ғалаба қилмоқ» маъносини беради. Шу жиҳатдан уларни маънодош сўзлар ҳам дейиш мумкин. ...*Оза йанйа кәлигмә сусин ағыттым. ...илгарилаб бизникини пораканда қилиб келадиган лашкарини қайтардим* [Билга хоқон, 31]. *Яня - янй-яй* феълининг қадимги кўриниши бўлиб, ёймоқ, пароканда қилмоқ деган маъноларни билдиради. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида пароканда сўзи турли томонга тарқаган, тартибсиз, тарқоқ деб изоҳланган.

### **Иккинчи боб юзасидан хулосалар**

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, қадимги ёзма обидаларда, умуман, қадимги туркий тилда қўлланилган луғавий қатлам орқали кўплаб тарихий лавҳаларни, тарихий қадриятларни кашф қилиш мумкин. Шу каби табиат ҳодисаларини ифодаловчи сўзлар қадимги туркий халқларнинг эътиқоди, дунёқараши, фикрлаши ҳақида хабардор қилади. Бу эса ўз ўрнида аждодларимиз тарихини билиш йўлидаги қимматли маълумотлардир.



Бизнингча, аждодларимизнинг бой маънавий мероси акс этган мазкур обидалар келажак авлод тарбиясида ҳам катта аҳамиятга эгадир. Беруний «Ҳиндистон» асарида кўрсатишича, юнонлар ҳам Зевсни рамзий ва табиий маънода тушунганлар. Милоддан олдинги V асрда яшаган юнон шоири Кратос фалакни Зевс деб атаган. Бу рамзий маънодир. Зевс худолар худоси эканлиги унинг табиий маъноси ҳисобланади. Туркийларда Кўк мисолида Тангрининг ягоналиги тан олинади ва улуғланади. Юнон мифологиясида эса кўп худолик тарғиб этилади ҳамда худолар одам шаклида тасаввур қилинади. Шундай тасаввурлар жамланмаси ёдгорликларда ҳам бор. Обидаларнинг лексик birlikларини ўрганиш асосида ўша давр одамларининг маданий, ижтимоий, сиёсий, маърифий, диний қарашлари ҳақидаги маълумотларни қўлга киритиш мумкин.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳеч ўзгаришсиз айнан қўлланаётган сўзлар: *ер, олтин, қумуш, темир, кўз, бош, тош, тил, йил, қиз, ака, келин, қор, кум, бўғуз, қиш, тун, кун, бой, қул, ўғуз, татар, алп, улуг, от, ол, бор, юр, қўй, кел, бир, уч, ўн, юз, биз, оқ, қора, кўк, оз, учун* ва бошқа. Қадимги туркий тилдаги айрим сўзлар бизгача баъзи шаклий ўзгаришларга учраган ҳолда етиб келган. Масалан: *қаган- хоқон, яғи- ёв, адақ- оёқ, аб-ов, суб- сув амти- энди, бан-мен, яма- яна, ҳам, ўгран- ўрган, яғиқ- яқин, киси- киши, уза- юқори, баг- бек* ва бошқа обидалар тили са-санамоқ, сэ-сўзламоқ, банди - боғламоқ феъллари мустақил қўлланган. Ҳозирги улар боғ, сон, сайрамоқ қаби сўзлар таркибида сақланиб қолган. Айрим сўзлар кейинчалик маъно (семантик) жиҳатидан ўзгарган. Масалан, *Уры оглынг қул булты, қыз оглынг кунг болты*. Кўринадики, қадимги туркий тилда оғул сўзи кенг маънода, яъни «фарзанд» маъносида ишлатилган. Жинс маъносини англатиш учун алоҳида сўзлар— *урқ* ва *қиз* сўзлари қўлланган. Бу хусусият то XVI асрга қадар давом этган «Бобурнома» да шундай жумла учрайди: *Неча кундин сўнгра эр ўгултангри сўзи-* (286 б). Кейинчалик бу сўз фақат «ўғул бола» маъносида қўллана бошлаган. Шунингдек, «тангри» сўзи - «осмон» ва «худо» маъносида

ишлатилган. Ҳозир эса, фақат кейинги маъноси сақланиб қолган, холос. Масалан, *Узэ көк тэнгри, асра йағыз йир кылынтуқда* - тепада осмон, пастда кўнгир ер қилинганда... ёй сўзи «ёз» маъносида, ёз сўзи эса, «бахор» маъносида қўлланган. *Учуқ* сўзи «қуш» маъносини англатган. Масалан, *йағымыз тәгире учуқ тәг эрти* - атрофда душманларимиз қушлардай эди [Тўнюқуқ, 8]. Кўп сўзи «бари», «хамма», «бутунла», маъноларида қўлланган. *Туз* сўзи «аҳил», «тўғри», «текис», маъноларини англатган: *Бәгләри яма бӯдуни яма туз армис* - Беклари билан халқи, аҳил бўлган (КТ). Қадимги туркий тилда кенг қўлланган бир қатор сўзлар кейин бутунлай истемолдан чиққан. Булар: *қанг-ота, ўг-она бӯдун-халқ, қунчуй-малика, ағы-қимматбаҳо буюм, совга, билга-доно, яғиз-қўнгур, су-қўшин, йиш-ўрмон, қапиз-дарвоза, чиган-камбагал, талуй-денгиз, ўқуз-дарё, ку-шуҳрат, кунг-чўри, иди-хўжайин, таги-қадар, аринг-экан* ва бошқалар.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бундай сўзлар бутунлай йўқ бўлиб кетган эмас. Уларнинг баъзилари бошқа туркий тилларда ёки айрим ўзбек шеваларида сақланиб қолган. Масалан, қадимги манбаларда учрайдиган *тиши* - *хотин, ургочи, капыг- дарвоза, эшик, ал- қўл* каби сўзлар ҳозирги ўғуз тилларида бугун ҳам қўлланади. Булунг (томон, бурчак) сўзи Ўш-Ўзган шеваларида учрайди. Айрим сўзлар эса топоним ва антропонимлар таркибида сақланиб қолган. Риштон туманида Бўрбалиқ деган қишлоқ бор. Қадимги туркий тилда бўр «оқ», балиқ «шаҳар» деган маънони ифодалайди. Қадимги менг сўзи «хол» маъносида қўлланган. Ҳозир бу сўз Мелибой (менгил - бой) исмида сақланиб қолган. Ёзёвон топоними ёзи ва ёбон қисмларидан ташкил топган бўлиб, «кенг», «чўл», «дашт», «текислик» деган маъноларни англатади.

Қадимги туркий тилда бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар жуда оз миқдорда учрайди. Бу жиҳатдан руний обидалар билан уйғур ёдгорликлари ўртасида катта фарқ бор. Руний обидалар асосан эпитафик характердаги манбалар бўлиб, соф туркий тил ва услубда битилган. Уларда деярли

Ўзлашма сўзлар учрамайди. Фақат айрим этник атама­лар ва титул номларигина учрайди, холос. *Суғд, қитан, тангут, тупут, тезик, (тожик), шад, шадапут* сингари. Бироқ уйғур ёзуви манбаларида ўзлашма сўзлар нисбатан кўпроқ учрайди. Бунинг сабаби шуки, бу манбаларнинг аксарияти санскрит, хинд, хитой, форс, суғд ва бошқа тиллардан ўгирилган таржималардир. Шунинг учун уларда ўша тилларга хос айрим сўз ва ата­малар ҳам ишлатилган: мудир (санск.) - муҳр, дарны (санскр.) - диний тартиб-қоида, футси (хит.) - олим, бурхан (хит.) - будда, канси (хит.) - исм, динтар (суғд) - диндор, бадир (сўғд) - идиш, шад (суғд) - ҳарбий унвон, шадапут (сўғд) - унвон, нишон (форс) - белги, муҳр. Обидаларда бундан ташқари уруғ ва қабила номлари, ўсимликлар, фойдали қазилма номлари, белги, санок билдирувчи сўзлар сингари мавзуий гуруҳлар ҳам мавжуд. Ўрхун-Энасой обидалари жуда катта луғавий таркибга эга бўлган ёдгорлик эканлиги билан аҳамиятга моликдир.

## III БОБ. ЎРХУН-ЭНАСОЙ ОБИДАЛАРИНИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЁРДАМИДА ЎРГАНИШ

### 3.1-§. Bitig.uz сайти мақсади ва вазифалари, сайт таркиби

Ҳозирги кунда тадқиқот жараёнида инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий шакл фақат тайёр билимларни ўрганган бўлса, замонавий технологиялар—эгаллаётган билимларини инсонларнинг ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатмоқда. Бу жараён шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради. Педагогик технология ва педагог маҳоратига оид билим, тажриба ва интерактив методлар ўрганувчиларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Тадқиқот материалларини ўзлаштириш модели мавзунини қандай изчилликда ўрганишни акс эттиради. Тадқиқотни лойиҳалашнинг бошланғич босқичларида материални ўрганишни режалаштириш учун алоҳида ўқув элементлари ишлаб чиқилади. Ўқув элементлари тадқиқотнинг сифатини оширишда катта ёрдам беради. Жумладан, ўрганувчига қадимги ёзма ёдгорликларни ўрганишда кўплаб ўқув элементлари бўлиши лозим. Шу сабабдан, тадқиқот жараёнинини сифатли ташкил қилиш, изланувчиларни Ўрхун-Энасой обидаларини ўрганишга қизиқтириш, изланишга ундаш мақсадида илмий ишимиз мобайнида *веб-сайт* ишлаб чиқдик. Сайт тўлалигича тарихий ёзма обидаларимизга тегишли маълумотларни ўзида қамраб олади. Бу эса обидаларни ўрганишда ўқув элементлари сингари жараённи тўлдиради. Ундан фақатгина ўрганувчилар эмас, балки кенг жамоатчилик ўз илмий тадқиқот ишларида фойдаланиши мумкин. Ҳозирги

кунда барча ахборот ва маълумотлар электрон шаклга кўчган. Шу туфайли тадқиқот ишининг натижаси сифатида мазкур сайтни ишга тушириш зарурияти мавжуд. Сайтда обидалар ҳақида барча жиҳатлар қамраб олинган. Изланувчи ҳар хил жойда турган маълумотларни излаб вақтини сарфламайди, уларнинг керакли ва зарур қисми тўлалигича сайтга жойланган.

Ҳозирги даврда тадқиқотнинг электрон шакли жадал ривожланган. Бу ҳолат электрон тизим ва кўплаб бошқа ишлаб чиқариш воситаларининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Электрон тизим фойдаланувчига ўқув материаллари ва улардан олинган билимларни тест топшириқларидан фойдаланиб, текшириш имкониятини тақдим этади. Мазкур тизим замонавий талабларга мувофиқ, ўқув жараёни мураккаблашиб бораётган бир вақтда, ўқув воситаларидан фойдаланиш ва ўзлаштиришни осонлаштириб, қизиқарлилик жиҳатини оширмоқда.

Электрон тадқиқот технологиясининг ривожи электрон ўқитиш тизимида тадқиқот стратегиясининг тузилиши ва ҳар бир ўрганувчи учун ўқув материалларини яқка тартибда тақдим этиш каби имкониятларни бермоқда. Шунга мувофиқ ишлаб чиқаришда сарф-харажатлар, доимий талабларнинг ўсиши ва электрон тадқиқот тизимини амалга оширишда зарурий баҳолаш ва бошқариш сифатлари шаклланди. Ҳозирги автоматлаштирилган тизим сифатини баҳолаш услублари ўрганиш жараёни натижалари нуқтаи назаридан, ўқитиш тизимларини баҳолашга, шунингдек, ушбу услублар умумий бўлиб, пайдо бўлган ва электрон тадқиқот тизими ҳаёт циклининг турли босқичлари сифатини бошқаришга етарли даражада имкон бермайди. Шу сабабли ҳам электрон тадқиқот тизими сифатини баҳолаш мезонлари ва усуллари ўқитиш жараёни сифатини бошқаришни амалга оширишга имкон берувчи, жорий этиш ва фойдаланиш босқичларини

ишлаб чиқиш зарур<sup>128</sup>. Ўрганишнинг барча хусусиятлари мужассамлашган ишланманинг услуги ва ўрганилаётган объект бўйича изланувчининг ўзлаштирган билимларини баҳолашда даражаларга ажратиш тизимининг ишлаши ҳамда ўлчов хусусиятларини аниқлаштириш зарурати юзага келади. Мазкур қоидалар биринчи навбатда, тизим билан унинг ишлаш натижалари бўйича ўқитиш моделининг ўзидаги ўзгаришларни кузатишни талаб этади.

Ўқитиш модели қуйидаги:

*тадқиқот мақсади ҳақида;*

*ўқув курси доирасида ўрганувчининг билими ҳақида (ўқув курсининг жорий ҳолати);*

*назорат саволлари ва вазифалар танлови ҳамда ўқув материалларини узатиш асослари ҳақида;*

*ўрганувчилар билан ишлаш натижалари бўйича ўқитиш моделининг ўзгариши қоидалари ҳақида ахборотларни жамлаши керак.*

Ҳар бир ўрганувчига тизимнинг бошланғич созланишини ажратиш ва ўрганувчи билан келажакда ишлаш учун база пайдо қилишда кўплаб ўқув материаллари ва тизим билан ишлашда алоҳида мақсад берилган бўлиши зарур. Кенг тарқалган ўқитиш моделлари қуйидаги: *оверлейли; ҳар хиллилик; ўзгаришлилик*<sup>129</sup> жиҳатларидан иборат.

Ҳозирги глобаллашув ва рақамлаштириш даврида электрон тизимнинг тадқиқот жараёнига кириб келиши муҳим аҳамиятга эга. Анъанавий ва электрон тадқиқот жиҳатлари маълум бир хусусиятлари жиҳатидан узвийлик касб этмоқда. Электрон тизим ўзида тадқиқотнинг инновацион ёндашувини, жумладан, мультимедия ва интернет технологияларини қўллаган ҳолда тадқиқот сифати ва имкониятларини оширишга хизмат қилади. Шуларни эътиборга олган ҳолда электрон тадқиқот изланувчига қулай

---


<sup>128</sup>Артқбаева Е.В. Электрон таълим назарияси ва технологияси: муаллиф. Доктор пед. илм-фан Олмаота, 2010. –Б.47.

<sup>129</sup>Баккер А. «Электрон тизим - электрон таълим» тушунчаси таркибида [электрон. манба]. Кириш режими: [хтп://www.емиссия.орг/ офлайн / 2007 / 1178.хтм](http://www.емиссия.орг/ офлайн / 2007 / 1178.хтм)

ташкиллаштирилган муҳитда билим олиш имконини беради деб ҳисоблаш мумкин. Электрон тизим кўникмасини ишлаб чиқиш электрон тадқиқотнинг *масофали* курсларга мувофиқ ҳолда тизимли яратилиши, инновацион тадқиқот технологияларини қўллаган ҳолда замонавий билимлар ва қарашларга эга бўлишини талаб қилади.

Шу мақсадда ишлаб чиқилган *сайт масофавий тадқиқот тизимини* такомиллаштиришда ҳамда *мустақил изланувчилар фаолиятини энгиллаштиришда* муҳим аҳамиятга эга. Сайтнинг номи *bitig.uz* деб номланиб, сайтда қадимги туркий ёдгорликларга тегишли кўплаб маълумотлар жойланган. Сайт 2020 йилнинг декабрь ойида лойиҳа шаклига келтирилди. 2021 йил март ойида тугатилди. Сайтга маълумотларни жойлаштириш давом этмоқда. (1 илова)

*Сайтнинг асосий мақсади:* Ушбу соҳага қизиқувчи барча тадқиқотчилар учун ягона ахборот манбасини ҳосил қилиш. Ҳозирги даврнинг электрон қурилмалардан иборат эканлигини, бутун дунё бўйича ишлаш фаолиятининг электрон тизимга кўчганлигини ҳисобга олсак, бундай веб-сайтлар жуда долзарб эканлиги кўринади. Чунки, ҳозирги изланувчи-ўрганувчилар, барча маълумотларни уйдан чиқмасдан, интернет оламида қидириб топишни мақсад қилиб олишган. Уларга қулайлик яратиш мақсадида ҳамда Ўзбекистонда барча туркийшунос олимлар, тадқиқотчилар ишларини жамлаб, Ўрхун-Энасой обидаларига тегишли илмий-тадқиқот ишларини электрон шаклда бир жойга йиғишни мақсад қилдик. (1 расм)




Илмий изланувчилар ва тадқиқотчилар ёзма ёдгорликлар билан ишлашда қийинчиликларга дуч келиши сир эмас. Қўлимизда тайёр матнлар ва расмлар, керакли адабиётлар бўлмаганликдан тадқиқот жараёнида қийинчиликлар юзага келади. *Bitig.uz сайтида* эса қадимги туркий тилга оид

барча керакли адабиётлар жойланган. Шунингдек, қадимги ёзма кўринишга эга матнлар ва уларнинг мазмунини кўриб, танишиш мумкин. Зарур топшириқ, вазифалар сайт бўлимларида кўрсатилган. Бу эса ўрганувчига мавзунини ўзлаштиришга ва асосли илмий хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

Шу мақсадда ишлаб чиқилган *Bitig.uz* сайтининг таркиби куйидагилардан иборат: Сайт 8 бўлимдан иборат ҳамда икки тилда фаолият юритади. (2 илова)

*Биринчи бўлим «Ёдгорликлар»* деб номланиб, унда қадимги ёзма ёдгорликлар ҳақида умумий маълумотлар келтирилган. Бўлимда қадимги ёзма ёдгорликлар 5 та асосий гуруҳга ажратилган. Биринчи бўлимда Олтой ёзма ёдгорликлари, иккинчи бўлимда Турфон ёзма ёдгорликлари, учинчи қисмда Талас ёзма ёдгорликлари, тўртинчи қисмда Энасой ёзма ёдгорликлари, бешинчи бўлимда Ўрхун ёзма ёдгорликлари ҳақида маълумот берилган. Қисмларга тегишли ойналарга кирилганда, ёдгорликларга доир маълумотлар очилади. Қадимий обидалар бўлган битиктошлар, қоятошларга ёзилган манбаларнинг ҳудудий жойлашуви ҳақида батафсил маълумотлар жойланган. Уларни икки тилда ҳам топиш мумкин. (2 расм).



2 расм

*Иккинчи бўлим*, қадимги ёзма ёдгорликлардаги белгилар, яъни руналар акс этади. Унда руналарнинг хусусиятлари, унли ва ундош товушларни ифодаловчи белгилар ҳақида маълумотлар мавжуд. (3 расм). Белгиларнинг фарқли томонлари жадвал ҳолига келтирилган. Бу жиҳат эса сайт фойдаланувчиси учун енгиллик бўлиб, уларни ўзаро қиёслаб ўтиришда вақт тежайди. Бўлимда мазкур жиҳатлар тўлиқ эътиборга олинган.



ÜNSÜZLER			ÜNLÜLER	
Kölm	Orkun	Latin	Orkun	Latin
ᠰ	ᠰ	B	ᠠ	A-E
ᠶ	ᠶ	D	ᠠ	I-I
ᠮ	ᠮ	G	ᠠ	O-U
ᠨ	ᠨ	K	ᠠ	O-D
ᠯ	ᠯ	L	ᠠ	E
ᠣ	ᠣ	N	ÇİFT SESLİLER	
ᠰ	ᠰ	K	Orkun	Latin
ᠶ	ᠶ	S	ᠠ	IK - K - KI
ᠮ	ᠮ	T	ᠠ	IC - CI
ᠯ	ᠯ	Y	ᠠ	OK - UK
BÜTÜN ÜNLÜLERLE KULLANILANLAR			ᠠ	OK - UK
Orkun	Latin	ᠠ	ᠠ	LD - LT
ᠠ	Ç	ᠠ	ᠠ	NC
ᠶ	M	ᠠ	ᠠ	ND - NT
ᠮ	P	ᠠ	ᠠ	na
ᠯ	S	ᠠ	ᠠ	NV
ᠮ	Z	KÖZCÜK AYIRMA TAMSASI		

3 расм

**Ўрхун-Энасой ёзуви**, қадимги турк руник ёзуви - тош, металл, ёғоч ва бошқаларга ўйиб битилган қадимги туркий ёзувлардир. V-VIII аср (баъзи манбаларда VIII, X-аср) ларга мансуб. Ташқи кўринишидан гот (қад. герман) ёзувига ўхшаш бўлганлиги учун руник ёзув деб ҳам аталган. Ўрхун-Энасой ёзувининг келиб чиқиши ҳақида мутахассислар ўртасида тан олинган ягона фикр йўқ. Бу ҳақидаги нисбатан кенг тарқалган мулоҳазага қараганда, мазкур ёзув ўз келиб чиқишига кўра сўғд ва паҳлавий ёзувлари орқали оромий ёзувига бориб тақалади. Ўрхун-Энасой ёзувининг пайдо бўлиш жойи ва вақти ҳам ҳозирча узил-кесил ҳал қилинган масала эмас. Бу ёзув пайдо бўлиш ўрни ва вақти билан боғлиқ бўлган айрим график хусусиятлари туфайли Ўрхун, Талас, Энасой вариантларига эга. Буларнинг энг қадимийси Ўрхун вариантыдир. Ўрта Осиё, Қозоғистон ва туркий халқлар яшаган бошқа кўп жойлар араблар томонидан босиб олингач, бу мамлакатларда араб ёзуви кенг тарқалади. Мазкур ёзув, араб ёзуви сингари, ўнгдан чапга қараб ёзилган ва ўқилган. Ўрхун-Энасой ёзуви 38 белги (харф)дан иборат бўлиб, фонетик ёзув тизимига киради. Ҳар бир товуш ёки товушлар бирикмаси махсус ҳарфлар билан ифодаланиб, бир-бирига уланмай, якка-якка ёзилган. Кўп ҳолларда (асосан, сўз бошида ва ўртасида) унли ҳарфлар ёзилмаган. Ўрхун-Энасой ёзувида тиниш белгилари ишлатилмаган. Сўзлар, баъзан морфема ёки сўз бирикмаларини бир-биридан ажратиш учун улар ўртасига икки нуқта (:) қўйилган, шартли равишда у «айирғич» деб номланган. Ўрхун-Энасой ёзувининг Лена Байкал бўйи, Энасой, Мўғул, Олтой, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё, Шарқий Европа каби гуруҳлари аниқланган.

Сайтнинг иккинчи бўлими ана шу белгиларнинг ҳудуд жихатдан ажратилган ёдгорликларда қандай эканлиги, ўхшаш ва фарқларини кўрсатиб беришга йўналтирилади. Айрим гуруҳ ёдгорликларда қўш руналар бир товушни ифодалаган бўлса, айрим ёдгорликларда ягона руна ҳам ўша товушни ифодалаб келган. Унга кўра Турфон, Талас, Ўрхун, Энасой сингари ўлкалардан топилган ёдгорликлардаги руналар ўзаро фарқларга эга эканлигини кўриш мумкин. (3 илова)

*Учинчи бўлимда* тадқиқот ишининг бевосита ўрганиш объекти акс этган бўлиб, унда ёзма ёдгорликлар луғавий қатлами тўғрисидаги маълумотлар келтирилади. Турли қатламга тегишли номлар жадвал ҳолига келтирилиб, тасниф берилган. (3.1-, 3.2-, 3.3-, 3.4- жадваллар). Мазкур бўлимда луғавий қатламга тегишли сўзлар гуруҳланган, яъни ёдгорликларда ишлатилган турли сўзлар, аввал гуруҳларга бирлаштирилиб алоҳида номлар билан номланган. Масалан, *ҳарбий соҳага оид сўзлар, тана аъзоларини билдирувчи сўзлар, фойдали қазилмаларни ифодаловчи сўзлар* каби. Бу бўлимларга кирилса, қадимий матнлар лексикасида ишлатилган бир нечта сўзлар изоҳланади. Фойдаланувчига тушинарли бўлиши учун руна шаклидаги кўринишда ҳам берилади. (4 илова)

<b>Топоним</b>	<b>Гидротопоним</b>	<b>Этноним</b>	<b>Антропоним</b>	<b>Зооним</b>
Табғач	Ани	Апар	Илтәрис	Буқа
Отукән	Жасыл оғуз	Қарлық	Билгә қаған	Кәйик
Көгмән	Жансу оғуз	Тупут	Тонйуқуқ	Ат
Шантунг	Арқуж	Тоқри	Култегин	Адғыр
Банглигәк		Буқарақ	Боғу қаған	Йилқы
Тәмир қапиг			Барс бәг	Қадруқ
Чуғай қуз			Бумин қаған	Тужуқ
Алтун йиш			Элбилга	Бурә
Инәл қаған			Истәми қаған	Игнәк
Тупут			Қапқан қаған	Барс
Апар			Мақарач	төриг

Қадырқан			Оғуз Билгә	
Алти чуб			Тинси оғли	
Соғд			Тонгра сәм	

3.1 жадвал.

Топонимлар	
<b>Табғач</b>	<b>Ҳозирда</b>
<b>Отукән</b>	Хитой давлати
<b>Көгмән</b>	Шимолий Мўғилистондаги Хангай тоғ тизмасининг Шарқий қисмидаги ўрмонли ўлка
<b>Шантунг</b>	Жанубий Сибир тоғларининг ўрта қисмида жойлашган тоғ ўлкаси.
<b>Банглигәк</b>	Шандун орол ва қисман Буюк Хитой текислигида, Хуанхе дарёсининг қуйи қисмида жойлашган
<b>Тәмир қапиғ</b>	С.Г.Кляшторний Зарафшон водийсида бўлса керак деб тахмин қилади.
<b>Чугай куз</b>	Самарқанд Балх йўлида Шахрисабздан 90 км жанубда Бойсун тоғида жойлашган Бўзғола гузаридир
<b>Алгун йиш</b>	Иншан шимолидаги чўл воҳаларидан бири
<b>Инәл қаған</b>	Россия Федерацияси таркибидаги ўлка
<b>Тупут</b>	Р.Жиро Инал қаған тоғ тизмасининг номи бўлса керак деб тахмин қилади
<b>Апар</b>	Хитойнинг жанубий-ғарбий қисмидаги маъмурий бирлашма.
<b>Қадырқан</b>	Туркий тилда гаплашувчи халқлардан бири
<b>Алти чуб</b>	Узоқ Шарқдаги тоғ тизмаси, асосан, Хитойнинг шимоли-шарқий ва қисман Хабаровск ўлкасида
<b>Табғач</b>	Шимолий Шенсида жойлашган

3.2 жадвал.

Зоонимлар					
<i>ҚТТ</i>	<b>Кайик</b>	<b>Бука</b>	<b>Буре</b>	<b>Барс</b>	<b>Ат</b>
<b>Қорақалпоқ</b>	буғы\ кийик	тана\буға	қасқир	жолбарыс	ат
<b>Ўзбек</b>	кийик	буқа	бўри	йўлбарс	от
<b>қозоқ</b>	бұғы	бұқа	қасқыр	жолбарыс	жылқы
<b>Қирғиз</b>	бугу	бука	карышкыр	жолборс	ат
<b>Турк</b>	geyik	boğa	kurt	kapla	at
<b>Туркман</b>	Sugun	öküz	möjek	gaplaň	at

<b>Татар</b>	болан	угез	бүре	юлбарыс	ат
<b>Озарбайжон</b>	maral	öküz	canavar	pələng	at

### 3.3 жадвал.

<b>Атамалар</b>					
Инсон таъна аъзолари билан боғлиқ сўзлар	Қариндошлик атмалари	Халқнинг ижтимоий аҳволига боғлиқ сўзлар	Қурол аслаҳа атмалари	Белги билдирувчи сўзлар	
адақ	ини	журт	сунгуг	эгран	
көз	ир (эр)	тоқ	оқ	ақ	
тиз	оғул	баж	қылыч	боз	
арқ	синил	қул		көк	
ич	қиз	бужрук		сарығ	
қан	қиз-қудуз	тар		қизил	
қас	қатун	кус		қара	
боғаз	қан	қут		жужка	
тил	аси	тарқанч		жоған	
	авлук	бәдиз		улуғ	
	эрин	иди		арик	
	йигун	жол		жалан	
				қари	
				сәмиз	
<b>Инсон таъна аъзолари билан боғлиқ сўзлар</b>					
<b>ҚТТ</b>	<b>Адақ</b>	<b>Кўз</b>	<b>Тиз</b>	<b>Арқа</b>	<b>Қас</b>
<i>Қорақалпоқ</i>	аяқ	кўз	тизе	арқа	қас
<i>Ўзбек</i>	оёқ	кўз	тизза	орқа	қош
<i>қозоқ</i>	аяқ	көз	тизе	арқа	қас
<i>Қирғиз</i>	бут	көз	тизе	арқа	каш
<i>Турк</i>	ауак	göz	diz	arka\şirt	kaş
<i>Туркман</i>	ауак	göz	dyz	arka	gaş
<i>Татар</i>	аяғи	куз	Тез	арқа\бил	каш
<i>Озарбайжон</i>	ауақ	göz	diz	arqa\bel	qaş
<b>Қариндошлик атамалари</b>					

ҚТТ	Ини	Ўғул	Синил	Қиз	Аси
Қорақалпоқ	ини	улы	қарындас	қыз	ажаға\аға
Ўзбек	ука	ўғил	сингил	қиз	амаки
қозоқ	ини	ұлы	қарындас	қыз	ағай
Қирғиз	ини	уул	карындаш	кыз	ага
Турк	küçük erkek kardeş	oğul	küçük kızkardeş	kız	amca dayı
Туркман	kiçi doğan	oğul	kiçi gyz doğan	gyz	daýy
Татар	энекәш	улы	сеңел	кыз	абзый
Озарбайжон	kiçik kardaş	oğul	bacı	qız	əmi

3.4 жадвал.


Түртинчи бұлимда мазкур мавзуга доир адабиётлар хамда мақолалар келтирилган, уларни тўғридан-тўғри юклаб олиб, шу ернинг ўзида фойдаланиш мумкин. Сайт фойдаланувчиси хамда илмий тадқиқотчи учун кулайлик туғдириш мақсадида мазкур қисмда қадимги туркий ёзма ёдгорликлар ҳақида маълумотлар келтирилган кўплаб адабиётлар рўйхати берилган. Айрим адабиётларни шу ернинг ўзидаёқ юклаб олиш имконияти мавжуд. Бу жараён қизиқувчи ўрганувчи ва илмий изланувчиларга хам енгиллик туғдиради. Мазкур бұлимда: 1. Р. 26 – 48. *Inscriptions de l'Orkhon. Rescueillies par l'Expédition Finnoise. 1890. 2. Et publiées par la Société Finno-Ougrienne. Helsingfors, Imprimerie de la Société de Littérature Finnoise, 1892. Sertkaya O.F. 3. Fragmente in alttürkischer Runenschrift aus den Turfan-Funden.. Runen, Tamgas und Graffiti aus Asien und Osteuropa. 1985. 4. Базылхан Н. Моңғолияның Баян-Өлгий аймағындағы көне түрік бітіктердің жаңаша оқылуы. «Отан тарихы» ғылыми журналы, 2003, №2-3. 5.Клеменц Д.А. Приложение I. Письмо Д.А.Клеменца на имя академика Радлова. Отчет орхонской экспедиции 6.Кляшторный С.Г. Эпиграфические работы в Монголии. Археологические Открытия 1976 г, Москва, С. 588-589. 7. Кононов А.Н. Грамматика языка тюркских рунических памятников VII-IX вв.*



4 расм

*Ленинград: Наука, 1980. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. – М., Ленинград, Издательство Академии наук, 1951,* сингари энг зарур адабиётлар хам жойланган ( 4 расм)

*Бешинчи бўлимда* қадимги ёзма ёдгорликларнинг қаердан топилганлиги хариталари, манбалари кўрсатилган (5 илова). *Биринчи бўлимда* беш қисмга ажратилган ёдгорликларнинг қайси ҳудудларда жойлашганлиги махсус хариталарда кўрсатиб берилган (5 расм). Унга кўра сайт фойдаланувчиси тўплаган ахборотларини ҳудудий жиҳатдан солиштириб кўриб, илмий хулосалар қилиши мумкин.



5 расм

*Олтинчи бўлимда* бугунги кунда

Ўзбекистон туркологиясида юз бераётган янгиликлар, соҳага оид янги адабиётлар, мақолалар жойлаштирилади. Мавзуга доир бажарилаётган илмий тадқиқотлар, турли анжуманлар ҳақида маълумотлар бериб борилади.

*Еттинчи бўлимда* сайтнинг харитаси яратилган. Унга кўра қайси бўлимда қандай маълумотлар борлиги аниқ кўрсатилади. Мазкур бўлим орқали юқорида баён қилинаётган маълумотлар қисқа шаклда изоҳланади. Фойдаланувчи учун қулайлик туғдириш мақсадида мазкур бўлимнинг ўзидан бошқа бўлимларга ўтиш имконияти яратилган.

**Саккизинчи бўлимда** сайт яратувчилари ҳақида маълумотлар берилади. Мазкур мавзудаги сайт бошқа ривожланган мамлакатларда анчадан буён мавжуд. Ҳамда шу орқали



кўплаб жаҳон туркологлари ўз фаолиятларини мунтазам интернет тармоқларда жорий қилиб боради. Сайтга жойланган мақолалар шу вақтнинг ўзида кўриш, ўқилиш имкониятига эга бўлгани

учун тезда фикр алмашиш, кўпчиликнинг мулоҳазаларини қисқа фурсатда эшитиш имконияти яратилган. Ўрганувчилар ҳамда тилшунослик соҳасида илмий фаолият олиб борувчи изланувчиларнинг фаол мурожаат қиладиган сайти [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) сайти ҳисобланади. Унда кўплаб сайтлар манзилларини ўзида жамлаган “sites” бўлими мавжуд. Ундаги сайтлар орасида тарихий сайт деярли мавжуд эмас. (6-расм). Бугунги кунда ўрганилаётган мавзу ёки ўргатилаётган йўналиш бўйича ҳар икки тараф (ўрганувчи-ўргатувчи) нинг мукамал даражада билим эгаллаши шарт бўлиб қолмоқда. Айнан мана шундай жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, тадқиқот ишимизнинг бир қисмини Ўрхун-Энасой обидалари луғавий қатламини тадқиқот жараёнида янгича услубда ўрганиш масаласига эътибор қаратдик.

Сайтлардан тўғри фойдаланиш жуда кўплаб ютуқларга эришишга ёрдам беради. Европа мамлакатларида интернет сайтлари жуда ривожланган. Улар орқали бемалол савдо қилиш, исталган иш фаолиятни амалга ошириш мумкин. Аммо юртимизда интернет тармоқлари яхши ривожлангани билан, улар ҳақида кўпчилик тўлиқ маълумотга эга эмас. Чунки инсонлар бундай тизимнинг фақат салбий хусусиятлари билангина таниш. Улардан тўғри ва самарали фойдаланиш учун ҳар бир инсон АТ соҳасида маълум билимларга эга бўлиши, электрон тизим ҳамда интернет оламининг нақадар чексиз ва бой имкониятларга эга эканлигини англаб етиши лозим. Айнан мана шунинг учун ҳам юртимизда веб-сайтлар ҳажмини ошириш *ва сифатини яхшилаш*

*жуда муҳим.* Бунинг учун устувор йўналишга айланиб турган АТ соҳасида барча етук билимга эга бўлиш ва электрон хизмат кўрсатиш мумкинлигидан тўлақонли фойдаланиши зарур. Ўрхун-Энасой битиклари юзасидан мазкур сайтнинг ишлаб чиқилиши ҳам худди шундай *мақсад ва вазифаларни кўзлайди.*

Электрон тизимда изланувчи масофадан туриб мулоқот қилиш усуллари ўзлаштириши керак. Бу эса унга умумий материалларини яратиш, тўлдириш, таҳрирлаш ва нашр этиш каби ишларни ҳам бажариш имконини беради. Бунинг натижасида маърузалар ташкил қилишнинг шакли ўзгаради. Анъанавий тадқиқотдаги маърузада ўрганувчига олдиндан маълум бўлмаган ахборотлар берилади, электрон тадқиқотда эса барча ўқув материаллари ахборотни узатишнинг турли форматлари кўринишида *тартибланган ҳолда* ўрганувчиларга тақдим этади. Шунинг учун энди ўқитувчи маърузага ижодий ёндашган ҳолда, ўрганувчиларга тайёрланиш учун ахборот манбаларини бериши ёки ўрганувчиларнинг ўзлари қўшимча ахборот манбаларини излаб топиб келишлари мумкин бўлади. Кейин маъруза юзасидан муҳокама ўтказилади. Ўқитувчи ўрганувчиларга мустақил иш мавзуларини ҳам беради. Буларнинг барчаси олдиндан электрон шаклда тартибланиб, тайёр ҳолда сайтга жойланади. Электрон тадқиқот ўзида тадқиқотнинг инновацион ёндашувини қўллаган ҳолда тадқиқот сифати ва имкониятларини ошириш учун мультимедия ва интернет технологияларни қўллашга асосланади. Кўплаб хорижий очик ва виртуал университетлар анъанавий тадқиқот шакллари билан рақобатлашадиган электрон тадқиқот тамойили асосида ишлайди. Электрон тадқиқот шакли ва муҳитини ўрганувчи ҳамда ўқитувчининг хоҳишига кўра ўзгартиради. Электрон тадқиқот ўрганувчиларга қулай ташкиллаштирилган муҳитда билим олиш имконини беради. Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотлар, фан-техника ва технологияларнинг ривожланиши ҳамда ахборотлашган жамиятга ўтиш талаблари тадқиқот стратегиясини ўзгаришига олиб келмоқда.



Узлуксиз тадқиқот олишнинг янги шакллари, жумладан, замонавий ўқитиш технологияларига асосланган тармоқли, ахборотли, масофавий ва инновацион тадқиқот технологиялари вужудга келди. Ахборот-коммуникацион технологияларга асосланган янги тадқиқот турларининг пайдо бўлишига асосий сабаб, жамиятнинг турли табақаларига мансуб кишиларга билим бериш, уларнинг малакасини мунтазам ошириб бориш ва қайта тайёрлаш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишда, собиқ тадқиқот тизимининг йиллар давомида шаклланган анъанавий усул ва воситаларининг имкониятлари чегараланганлигидадир. Бундай вазиятда Олий ўқув юртларининг потенциалига таянган ҳолда ахборот-коммуникация технологиялари асосида *узлуксиз тадқиқот тизими*ни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади<sup>130</sup>.

Масалан, сайт саҳифаларига қуйидаги мазмундаги мавзуга доир афсона ва тарихий ахборотларни жойлаштириш мумкин: *«Кўк тангри туркий қавмларнинг энг қадимий динидир. Уларнинг фикрича, кўк юзи Тангри бўлиб, у фалакнинг, ернинг ҳукмдоридир. Қуёш, ой ва юлдузлар Тангрининг атрофидаги кўкнинг юзига жойлашган муқаддас тушунчалардир. Кўк Тангри заминга ҳаёт, одамларга жон беради, истаса қайтариб олади. Ҳатто турк хоқонлари ҳам Кўк Тангрининг хоҳиши билан тахтга ўтирадилар. Қул тегин тошбитигида шундай сатрлар битилган:*

- 1. Тангри тоқ. Тангридан бўлган  
Турк Билка қогон бу ерга ўлтурдим.*
- 2. Юзада Кўк Тангри  
Оста қора ер қилинди  
Иккиси аро киши ўгли қилинди.*

Биринчи парчада туркийлар Тангрининг ягоналигига ишонч билдириши уларнинг миллий онги юқорилигини кўрсатади. Чунки қадимда шумер,

---

<sup>130</sup>Хамидов Ё.Ё. Та'лим samaradorligini oshirishda elektron ta'lim resurslarining o'rni / Ё. Ё. Хамидов. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. 2019. №21 — С. 611-612. — URL: <https://moluch.ru/archive/259/59591/> (дата обращения: 25.07.2021).

юнон, рим ва бошқа қавмлар кўпхудоликни тасаввур этганлар. «Турк Билга хоқон Тангридан бўлди» иборасида хоқонлар ҳам ҳокимиятни Тангридан олишига инонишдир. Туркий қавмлар Тангри сўзини кўк-осмон ҳамда Тангри, Худо маъносида қўллаганлар. Иккинчи парчада шундай маъно ифодаланган бўлиб, инсон фарзанди осмон ва ер ўртасида Тангри томонидан яратилганига ишора этилган. Ўрхун-Энасой ёдгорликларида «Тангри-тек-Тангри» бирикмаси учрайди, унинг маъноси ҳам Тангрининг танҳолигини эътироф этишдир. Кўкнинг Тангри сифатида қабул қилиниши, кўк қобиғидаги осмоний жисмларнинг ҳам муқаддаслигини белгилайди. Шу сабабли ҳам туркийлар осмон жисмларида илоҳийликни сезадилар. Туркий қавмларнинг Кўк Тангри динига эътиқоди «Ўғузнома» достонида ёрқин ифодасини топган: «Кунлардан бир кун Ўғуз хоқон бир ерда Тангрига ёлворар еди. Қоронғу тушди. Кўкдан бир кўк нур тушди. Қуёшдан ёруғ, ойдан ёрқинроқ эди. Ўғуз хоқон у томонга юрди, кўрдик, ўша ернинг орасида бир қиз бор эди. Ёлғиз ўтирар эди. Яхши, чиройли бир қиз эди. Унинг бошида оташга ўхшаш ёруғ бир холи бор эди, худди олтин қозик юлдузига ўхшар эди. У қиз шундай чиройли эдики, кулса, кўм-кўк осмон кулади, йиғласа кўм-кўк осмон йиғлайди». Мазкур парчада Кўк Тангрининг образи туркий қавмлар тасаввури даражасида чизилган. Ўғуз хоқон Тангрига ёлворганда кўкдан тушган нур Тангрининг меҳри эди. Бу нур олдида Қуёш ва Ой нури ожиздир. Демак, туркийлар учун кўк мавжуд экан, Қуёш ва Ой Тангри бўла олмайди. Бадиий адабиётда Тангрини ёр, маъшуқа тимсолида тасаввур анъаналари мавжуд. Ўғуз хоқонга нур орасида кўринган чиройли қиз – бу Тангри эди. У шу қадар қудратли кучки, кулса осмонни (ўз маконини) кулдиради, йиғласа йиғлатади. Достонда Ўғуз хоқон ўзига ҳамроҳ тутунган нурдан уч фарзанд кўради. Уларга Кун, Ой, Юлдуз исмлари берилади. Демак, бундай номланишда ҳам осмон жисмлари Тангри эмас, аксинча улар Осмон–Тангрининг меҳридан юзага келган муқаддас фарзандлардир»<sup>131</sup>. Матн

---

<sup>131</sup>Абдурахмонов А. «Туркий халқлар оғзаки ижоди». Самарқанд: 2006. –Б.97.

давомида ўрганувчиларга ўша давр диний тасаввурларини жонлантириш ҳамда мунозарага сабаб бўладиган фикрларни юзага чиқариш мумкин.

Мустақил изланувчилар учун ҳам зарур маълумотлар сайтга жойланган. Илмий тадқиқотчилар учун дастлабки босқичлардан бири-адабиётлар рўйхатини шакллантириш, уларни излаб топиш, ҳавола ва иқтибослар олиш ҳисобланади. Мазкур жараёни енгиллаштириш мақсадида сайтга Ўрхун-Энасой обидалари мавзусига доир барча керакли адабиётлар рўйхатини шакллантирилди. Кўплаб адабиётларни шу вақтнинг ўзида юклаб олиб, фойдаланиш имконияти ҳам мавжуд. Қадимги ёзма ёдгорликлар луғавий қатламида акс этган сўзлар, матнлар махсус бўлимларнинг бирида берилган. Тадқиқотчи учун мавзу юзасидан олимларнинг фойдали фикрлари, тадқиқотлар натижалари, илмий ишларнинг берилиб бориши, тадқиқот ишларининг муайян даражада илгари силжишига кўмаклашади.

### **3.2. Ўрхун-Энасой обидаларини мобил тадқиқ қилиш**

Ҳозирги кунда iPhoneдан тортиб, Android гаджетларгача турмуш тарзимизда муҳим аҳамият касб этмоқда. Делоитте тадқиқот марказининг маълум қилишича, смартфон фойдаланувчиси кун давомида ўртача 50 маротаба “ақлли телефон”ига назар солар экан. Ушбу жараёни Республикамизда ҳам кузатиш мумкин. Чунки ҳозирги кунда аҳоли қатламининг барчасида: ёши кичиклардан тортиб катта ёшгача бўлган мобил операторлар фойдаланувчиларида ақлли телефон ва планшетлардан фойдаланади. Шу билан бир қаторда “ақлли” қурилмаларидан тадқиқот ишларида ва масофавий тадқиқот тизимларида фойдаланиш имкониятлари кенгайиб бормоқда. Аммо Республикамиз олий таълим муассаслари талабаларининг ақлли қурилмалари учун миллий тилимизда турли билим соҳалари бўйича билимларни ўзлаштириш имкониятларини берувчи *дастурларнинг камлиги кўришимиз мумкин*. Шунинг учун ҳам олий таълим муассаси ўрганувчиларига турли фанлар бўйича билимларни ўзлаштиришга

ёрдам берадиган бепул *мобил иловаларни яратиш* бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири. Олий таълим муассасаларида «Тил тарихи», «Қадимги туркий тил», «Туркий тилларнинг кёсий-тарихий грамматикаси» фанларини ўқитишни такомиллаштириш, фанни ўрганишда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ноанъанавий ва интерфаол усулларидан кенг фойдаланиш орқали тадқиқот самарадорлигини ошириш ижобий аҳамият касб этади. Тадқиқот соҳасида мобил иловаларнинг кадри ўсиб бормоқда бунга сабаб эса у берадиган қуйидаги қулайликлар:

- Исталган пайтда топшириқ устида ишлаётган инсоннинг ҳамкорликдаги фаолияти.
- Файллар алмашиш.
- Масофавий тадқиқот ташкилоти ва ота-оналарнинг ўзаро ҳаракати;
- Мобил тадқиқот вақтга боғлиқ бўлмаслиги.
- Ўрганиш чегараларини кенгайтириш.

Мобил тадқиқот (M-Learning) - вақт макондан қатъи назар, мобил қурилмалар орқали ўрганиш имкониятидир. Мобил тадқиқот-бу жойлашган ўриндан ёки жойлашувнинг ўзгаришидан чекланмай мобил қурилмалар орқали электрон ўқишдир. Шундай қилиб, ўқув жараёни ташкилоти учун замон ва макондан қатъи назар, мобил тадқиқот мобил технологияни алоҳида ҳамда бошқа ахборот ва алоқа технологиялари билан биргаликда қўллашни назарда тутди.

**Мобил технологиялар** тўхтовсиз кенг тарқалиб бормоқда. Қурилмалар бозорида бундай қурилмаларнинг кўплаб турлари намоёниш этилган (Play market). Одатда, мобил қурилмалар деганда чўнтак компьютерлари, смартфонлар, планшетлар ва мобил телефонлар тушунилади, лекин одамлар кундалик фаолиятида ишлатувчи бошқа ҳар қандай ихчамлаштирилган қурилмалар эвазига бу рўйхатни кенгайтириш мумкин.


Мобил иловалар одатда “*таркиб бўйича энгил*” деб ҳисобланади ва кўпроқ изланувчиларга аудиоматериаллар етказиб беришда, матнли хабарлар алмашинувида, сўровларда қатнашишда, матнли чатларда, ёзиб олиш ва ўқишда ишлатилади. Шунингдек, мобил тадқиқот таркибига қуйидаги талаблар қўйилади: *Ихчамлилик* – мобил тадқиқот таркибий қисмлари алоқадаги *эҳтимолли узилишларни* инобатга олган ҳолда давомийлик бўйича қисқа бўлиши лозим. Микроэргономиканинг юқори даражадалиги – кичик экранда овоз ва расмларнинг кичик ҳажмда ва юқори сифатли бўлиши. Файлларнинг кичик ҳажмдалиги юклар олишнинг тезлигини таъминлайди. *Ҳар жойдалик* – мобил ўрганиш таркибидаги материалларни жойлашган жойидан қатъи назар, исталган жойда олиш мумкин. Мобил алоқа ва мобил қурилмалар таъминотчиларининг улкан қамрови мобил тадқиқот хизматларидан ҳар жойда ва сиз учун қулай пайтда фойдаланиш имкониятини яратиб беради. Талаб бўйича фойдаланишга рухсат – табиатан мобил қурилмалар изланувчилар учун талаб бўйича зарур пайтда ўзининг максимал етказиб бериш имкониятини ишга солиб зарурий таркибдан фойдаланишни таъминлайди.

*Мобил тадқиқот* – бу фақатгина назарий эҳтимоллик эмас, айти мавжуд нарсадир. Турли давлатларда изланувчилар, педагоглар мобил қурилмалар ёрдамида кенг маърифий ресурслардан фойдаланиш имконига эга бўлади, ахборотларни муҳокама қилиш ва ахборотларни бошқа изланувчилар билан бўлишишлари мумкин, ҳамкасблардан ва ўқитувчилардан мадад олишлари шунингдек, самарали алоқани йўлга қўйишлари мумкин.

Ўрхун-Энасой обидаларини ўрганишни электрон тадқиқ қилиш мақсадида қуйидаги мобил дастурлардан фойдаланиш тавсия қилинади:

### *Turkic bitik*

Мазкур дастур шунчаки Ўрхун алифбоси ёки қадимги туркий ёзув, кўктурк ёзуви ёки Ўрхун-Энасой ёзуви, энасой ёки Сибир рунлари, руник алифбосини




7-расм

тарғиб қилиш ҳамда ўрганишга қаратилган. (6-илова). Уни осонлик билан ўз смартфонингизга кўчириб олишингиз ҳамда турли матнларни ёзишда ишлатишингиз мумкин. Бу дастур 2016 йилда [newnomadsdev@gmail.com](mailto:newnomadsdev@gmail.com) дастурчилари томонидан ишлаб чиқилган (7- расм).

### *Bitikci (run converter)*

Мобил дастур ҳар қандай матнни қадимий (7-илова) туркий руналарга таржима қилишга имкон беради. *Turkic bitik* - қадимги туркча (кўктурк, Ўрхун-Энасой алифбоси, туркча рунлар)-матнларни ёзишда қўлланилади. Унга кўра лотин ҳарфларида матн



8-расм

киритилса, уни қадимги туркий руналар ёрдамида қадимги туркий матнларга айлантириб беради. Бу дастур ҳам [newnomadsdev@gmail.com](mailto:newnomadsdev@gmail.com) дастурчилари томонидан ишлаб чиқилган ва 2017 йил 13 октябрда интернетга жойланган. (8-расм)

### *Göktürk Alfabeti Kılavuzu*

Мазкур мобил дастур, Erkan The Cloud. [erkansivas58@gmail.com](mailto:erkansivas58@gmail.com) томонидан ишлаб чиқилган. Дастурни телефон қурилмасига сақлаб олгандан кейин, унда кўктурк ёзувини ўрганишда фойдаланиш мумкин (9-расм).



9-расм

Дастурда 6 та бўлим мавжуд бўлиб, 1-бўлимда Ўрхун-Энасой ёзувлари алифбоси билан ишлаш кўникмасига эга бўлиш мумкин. 2-бўлимда алифбо ёрдамида ёзиш ўргатилади, 3-бўлимда матнлар берилган, яъни мазкур алифбо ёрдамида матнлар ёзиш ўргатилади, 4-бўлимда унли ва ундош товушлар билан ишланади, 5-бўлимда намуна матнлар берилган, 6-бўлимда луғат шакллантирилган. Дастурнинг қулайлиги ва афзаллиги шундаки, ундан фойдаланиш орқали кўк турк хати товуш тизими ва алифбоси ҳақида мукамал кўникма ҳосил қилиш мумкин. Ўрганувчиларга айнан кўк турк

ёзуви алифбосини ўрганиш қийинчилик туғдиришини ҳисобга олса, дастур тадқиқот ишларида жуда катта амалий ёрдам бера олади.

### *Göktürk Alfabeti Öğren*

Зеҳра Ниҳат Моралыоғлу 2018 йили кўктурк алифбосини ўрганиш ва амалиётга ҳисса қўшиш мақсадида тайёрланган (10-расм). Мазкур мобил илова билан, кўктурк ҳарфларини ўрганиш учун машқ қилиш, ҳарфлар бўйича билимингизни ҳарф тести билан ўлчаш, мисолларни кўриб чиқиш орқали сўзларни шакллантириш ҳақида билиб олиш, шунингдек, кўктурк алифбоси имло қоидаларини ўрганиш мумкин.



10-расм

### *Törük bitig converter*

Мазкур дастур таржимон дастур ҳисобланади (11-расм). Бошқа кўрсатилган дастурлардан қатор афзалликлар билан ажралиб туради. Мазкур конвертерни компьютерга юклаб олиш шарт эмас. Дастур тўғридан-тўғри матн ва сўзларни киритиш билан автоматик ишлайди. Шунингдек, кўк турк алифбосида ёзилган матнларни турли шаклга, турли рангларга бўйлаш имконияти мавжуд. Конвертер фойдаланувчининг имкониятларини янада қулайлаштириб, матн ўрнига расм киритиш имконини ҳам беради. Бунда кўк турк алифбосида ёзилган расмларни



11-расм

жойлаш орқали унинг мазмунини, таржимасини иккинчи графикли қисмда кўриш мумкин. Дастурга қуйидаги ҳавола орқали кирамиз:

<http://www.tamga.org/2016/01/web-tabanl-gokturkce-cevirici-e.html> (8 илова)

*Microsoft Word дастурида туркий руналарни ёзиш. Multikey шрифти.*

Бунга кўра оддий *Times new roman* шрифти каби мултикей шрифти компьютерга юклаб олинади ва оддий ҳолатда матнларни киритиш мумкин бўлади.

Тадқиқот жараёни ниҳоятда мураккаб ва кўп компонентлидир. Мазкур жараён ўрганувчининг фаоллигига, зарур воситаларининг мавжудлигига, тадқиқот жараёнининг ташкилий, илмий-методик мукамаллигига, жамиятда илмий кишиларга бўлган эҳтиёжга ва бошқа ҳали аниқланмаган кўпгина омилларга боғлиқ. Жамият ўзининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий эҳтиёжлари асосида бундай жараёнларнинг юқори бўлишини талаб этади. Тадқиқотнинг барча бўғинларини шундай ташкил этиш керакки, у изланувчига чуқур ва асосли билим бериш билан бирга кенг қамровли фикрлашга ўргатсин. Тадқиқот жараёнида ўрганувчида мустақил билим олиш эҳтиёжи шаклланиб бориши ҳозирги куннинг талабидир. Педагогик амалиёт ва тадқиқотларда қатор иш усуллари кўллаб кўрилди. Тадқиқотни муаммоли ташкил этиш, тадқиқотда изланувчиларни фаоллаштириш, ҳамкорлик педагогикаси, таянч билимларга асосланиш, тадқиқотни оптималлаштириш ва бошқалар тажрибадан ўтмоқда. Лекин бу педагогик воситалар айрим ўргатувчиларда самарали натижа берса ҳам, уни оммавий йўсинда тадқиқот тизимига киритиб бўлмади. Педагогик технологиянинг асосий моҳияти ва ютуғи шундан иборатки, *тадқиқотда ўрганувчиларни қизиқтириш ва билимларни тўлиқ ўзлаштиришга эришишидир*. Тадқиқот жараёнида берилаётган билимларни ўрганувчиларнинг аксарият кўпчилик қисми пухта ўзлаштириши педагогик технологияни жорий этишнинг асосий мақсади ҳисобланади. Ахборот технологиялари асосида дарс ўтишда энг асосий талаб ўрганувчининг ҳаётий тажрибаси аввал ўзлаштирган билимлари ва қизиқишлари асосида билим беришни кўзда тутати. Маълум ўрганилаётган соҳа бўйича ўрганувчиларда билим етарлича бўлмаган ҳолда ҳам ўрганувчида салбий кечинмага ўрин қолдирмасликни, бу ўрганувчининг



айби эмаслигини тан олишни талаб этади. Фаоллик кўрсатилса, билимларни ўзлаштириб олишга ўрганувчиларда ишонч пайдо бўлишига эришиш мумкин. Тадқиқотнинг устувор вазифаларидан бири, бу тадқиқот олувчи онгида миллий ва умуминсоний қадриятларни қарор топтириш, ижтимоий-иқтисодий муносабатларга фаол киришиб кетиш муносабатини шакллантириш муҳим вазифа ҳисобланади. Ушбу вазифалар тадқиқот сифати даражасини янада кўтаришни, малакали, рақобатбардош мутахассислар тайёрлашни ҳамда бу жараёнларда АКТдан фойдаланиш даражасини оширишни ҳамда бунинг натижасида тадқиқот ва тарбия тизимида туб сифат ўзгаришлари содир этишни талаб қилади<sup>132</sup>.

*Туркий матн ёзиш босқичлари:*

Қуйидаги зарур файллар интернет орқали кўчириб олинади.

1. МультиКей.exe дастурини қуйидаги манзиллар орқали кўчириб олиш мумкин:

а) <http://www.oeaw.ac.at/kal/multikey/>

б) <http://irq.kaznpu.kz/fonts/TBMultiKey.зип> ичидан

2. Турик.тф шрифтини қуйидаги манзилдан юкланг:

а) Мазкур ёрдамчи ҳавола ёнидан, ёки

б) <http://irq.kaznpu.kz/fonts/Turik.ttf> ёки,

с) <http://irq.kaznpu.kz/fonts/TBMultiKey.зип> ичидан

**3.** МультиКей.ини. файлини қуйидаги манзилдан юкланг:

**А)** Мазкур ёрдамчи ҳавола ёнидаги МультиКей.ини, ёки

**Б)** <http://irq.kaznpu.kz/fonts/TBMultiKey.зип> ичидан

мазкур файлларни топиб, уларни юқоридаги тартибда кетма-кетликда ўрнатиб олинади. Натижаси ўйлагандек бўлиши учун, айтилган босқичларни эътибор билан бажариш зарур. Аввало, Мультикей.exe дастури ўрнатиб

---

<sup>132</sup> Nazirova E.SH. Muhammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti “Оммавий очик онлайн курсларини яратиш назарияси ва амалиёти” мавзусида Республика илмий-амалий онлайн интернет анжумани материаллари.” Oliy ta’lim muassasalarida ochiq ta’lim resurslaridan foydalangan holda o’quv jarayonini tashkil etish modellari”

олинади. Ундан сўнг *Турик.тмф* шрифтини кўшиб олиш керак. Энг охирида МультиКей.ини файлини ўрнига кўчириб қўйиш даркор.

### *МультиКей.ехе дастурини ўрнатиш*

Мазкур дастурни ишга кўшиш жуда осон. Уни кўчириб олгандан сўнг устига икки марта босилса, у ишга тушади. (9- илова )

Windows дастурининг хавфсизлик ойнаси дастурни кўшишга рухсат сўрайди. (10 илова) Шу вақтда *выполнить* тасдиғини босиб рухсат берилади.

Хавфсизлик хизмати яна бир бор огоҳлантиради: (11-илова)

Рухсат берилгандан кейин МультиКейни ўрнатиш бошланади: (12-илова)

МультиКей дастурини қаерга ўрнатиш ҳақида савол чиқади, бу ўринда Next тугмаси босилади. (13 илова)

Шундан сўнг МультиКей дастури компьютерга ўрнатилади. Финиш тугмасини босиб ишни якунланади.

Ахборот технологиянинг энг асосий негизи – бу ўргатувчи ва ўрганувчининг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танлаган технологияларига боғлиқ. Яъни ўрганиш жараёнида, мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир тадқиқот технологияси ўқитувчи ва ўрганувчи ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида ўрганувчилар мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишлай олсалар, излансалар, таҳлил эта олсалар, ўзлари хулоса қила олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса, бу ўқитиш жараёнининг ютуғи ҳисобланади.

Тадқиқот ишларида ахборот технологияларини фаол қўллаш, тадқиқот самарадорлигини ошириш, таҳлил қилиш ва амалиётга жорий этиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Ўрганувчиларнинг фикр доираси, онги, дунёқарашларини ўстириш, уларни эркин тингловчидан эркин иштирокчига айлантирмоқ ниҳоятда муҳимдир.

### *Турик.ттф шрифтини ўрнатиш<sup>133</sup>*

*Windows* дастуридаги *Fonts* папкаси очилади. Папканинг юқоридаги “Установит шрифт” ёзуви танланади. (14-илова)

Папка деган жойга Турик.ттф шрифтини кўчириб олган ўрни кўрсатилади. Шу пайт рўйхат шрифт деган жойда Turic (TrueType) деган шрифт кўринади. Шунинг усти босилади. Шундан сўнг ОК белгиси босилиб, шрифт ҳосил қилинади.

### *МултиКей дастурини ишга қўшиш*

Иш Мултикей дастурини ишга қўшишдан бошланади.

Иш столи пастида МултиКей -латин Unicode деган ёзув чиқади. (15-илова)

Шу жойнинг усти сичқончанинг ўнг томони билан босилади, 16-иловадагидек ойна чиқади. (16-, 17- илова)

### *Мисрософт Ворд дастурида турк битикларни ёзиш<sup>134</sup>.*

Туркий матнлар ўнгдан чапга ёзиладиган бўлганлиги учун аввало, матн ўнгдан бошланадиган қилиб олинади. (18-илова) Бу ишни амалга оширмай туриб ҳам мазкур дастур автомат тарзда ўнгдан чапга қараб ёзувларни ёзади. (19, 20 илова)

Шрифтлар рўйхатидан Турик.ттф шрифти танланади. Бу шрифт фақат лотин ҳарфлари билан ёзилади. Агар кирилл алифбосида матн ёзилса, шрифт буни қабул қилмайди. Шунинг учун клавиатурани инглиз ҳарфларига кўчириб олинади. Шундан сўнг ишни бемалол бошлаш мумкин.


Шрифтдан фойдаланиш осон бўлиши учун иловадаги жадвалдан фойдаланилади. (21-илова)

---

<sup>133</sup><http://irq.kaznpu.kz> Түрік бітік тарихи-мәдени қоры.

<sup>134</sup>MultiKey. Version 5.00. Copyright © Stefan Hagel, Vienna, 1996-2009.  
<http://www.oeaw.ac.at/kal/multikey/>

Бундан ташқари қуйидаги шрифтлар ҳам қадимги туркий руналарни ёзишга мўлжалланган: *Kultegin ttf, Kultegin Go'lge ttf, Tonyukuk ttf, Go'kturk Kurgu ttf*. Уларни компьютер word дастуридаги шрифтларга юклаб, ўрнатиб олгандан кейин мазкур шрифтларда осон ишлаш ҳамда керакли матнларни ортиқча вақт сарфламасдан ёзиш имконияти мавжуд бўлади (12-расм).




12-расм

Туркий битиклар билан ишлашда мобил иловалардан, турли электрон дастурлардан фойдаланишнинг афзалликлари қуйидагиларда кўринади:

- изланувчини тадқиқот жараёнида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиши<sup>135</sup>;
- тадқиқотчини жараёнда билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлаши;
- тадқиқотчининг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтириши;
- тадқиқот тизимида педагог ва ўрганувчининг ҳаммиша ҳамкорликдаги фаолиятини ташкиллаштириши.

Шу сабабли руналар билан ишлаб, илмий тадқиқотлар яратишда мазкур дастурларнинг аҳамияти юқори.

Кўрсатилган дастурлардан ташқари рус олимлари томонидан ишлаб чиқилган юкламалар ҳам мавжуд.



13-расм

1. *atfrefya.ru*- рун ёзувлари таржимон дастури. Бунда ҳар бир рунанинг ёзилиши ҳамда кўриниши расмларда кўрсатилган (13-расм). Камчилиги руналар Европа тиллари товуш тизимидан келиб чиқиб ишлаб чиқилган. Шу сабабли матнлар таржимасида хатоликлар бўлиши мумкин, аммо руналарни ўзлаштиришда қулай дастур. (22- илова)

<sup>135</sup> «Ўзбек педагогикаси антологияси». Т.: –2010. –Б.17-19.

Юқорида келтирилган мобил иловалар ва турли электрон дастурлар кадимги туркий матнлар билан ишлаш жараёнини осонлаштиради, фойдаланувчи қисқа муддат ичида ёзувларни ёзиб ҳамда ўқиб ўрганиш кўникмасига эга бўлади. Бунинг учун кўп вақт, кўп харажат ҳам талаб қилинмайди. Мобил телефонларга оддий Google play дастури орқали керакли иловалар юкланади ва одатий дастурлар қаторида фойдаланилади. Айниқса, бугунги кунда масофадан ўқитиш тизимини такомиллаштиришда мазкур иловаларнинг аҳамияти катта.

Ҳозирда ахборот коммуникация технологияларининг шиддат билан ривожланиши билим олувчилар (ўқувчи, ўрганувчи, катта ёшдагилар ва ҳ.к.) учун энг ривожланган давлатлардаги етакчи мутахассисларидан тадқиқот олиш имкониятини вужудга келтирди. Бундай тадқиқот шакли масофавий билим деб номланади.

Замонавий мобил қурилмаларнинг техник тавсифлари, яъни қурилмалар учун яратилган маҳсус иловалар ва веб-сайтлар ёрдамида тадқиқот олувчилар учун масофавий билим олиш имкониятини яратади.

Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида *“Биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз<sup>136</sup>”*, –деб таъкидлаб ўтган эдилар. Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллаш зарур ва шарт. Бу юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда. Технология соҳасидаги янгиликлар кундан-кунга тадқиқ қилиш усулимизни ўзгартирмоқда. Ҳозирги кунда масофавий ўрганиш, қўшимча билим олиш, мустақил ўрганиш, шунингдек, изланувчилар учун самарали тадқиқот

---

<sup>136</sup>Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. – Toshkent: O'zbekiston. 2017. – B 488.

тизимини яратишнинг энг қулай усулларидан биридир. Масофавий ўқитишда дунёнинг исталган вақти ва исталган жойида, маъруза ва топшириқлардан фойдаланиш имкониятини берувчи мобил ечимлардан тобора кўпроқ фойдаланмоқда. Электрон тадқиқот ечимлари нисбатан яқинда пайдо бўлган ва тарқалган бўлса-да, ҳозирги вақтда улар ўрганишнинг машҳур тенденциясидир. Электрон ўрганиш дастурлари ва мобил дастурларини яратишда кўплаб афзалликлар мавжуд, улар янги аъзоларни киритиш, фойдаланувчилар аудиториясини кенгайтириш кабилардир. Технологияларнинг ривожланиши туфайли бир неча ўн йиллар илгари ўйлаб бўлмайдиган кўплаб фойдали тадқиқот хусусиятлари энди электрон тадқиқот дастурларида муваффақиятли амалга оширилиши мумкин<sup>137</sup>.

Масофавий ўрганиш, мобил дастурлар, қадимги ёзма ёдгорликларни электрон ўрганиш ҳақидаги фикрларини жамлаб қуйидаги тавсияларни тақдим қиламиз:

1.Тадқиқот жараёни ва илмий тадқиқотларда қадимги ёзма ёдгорликлар матни билан ишлашни осонлаштириш мақсадида, республикамизда ҳам мобил иловалар ишлаб чиқилиши оммалаштирилиши зарур.

2.Қадимий обидалар матни билан ишлашни янада такомиллаштириш мақсадида яратилган веб-сайт ОТМ ўрганувчиларини ўзига жалб қилиши учун махсус электрон дарсликлар яратилиши лозим.

3.Масофавий тадқиқот тизимини ривожлантириш мақсадида тавсия этилаётган турли электрон дастурларнинг ўзбекча варианты ишлаб чиқиш ҳамда кенг оммага тақдим қилиниши зарур.

4.Туркий халқларнинг дастлабки ёзувлари бўлган Ўрхун-Энасой обидаларининг ўрганилишига бўлган эътиборни янада ошириш даркор.

---

<sup>137</sup>Атамурадов Ж.Ж. Масофавий таълимда мобил иловалардан фойдаланиш. амалий математика ва ахборот технологияларининг замонавий муаммолари. Анжуман материаллари. 2021 йил, 15 апрель. 441-443 бетлар.

## Учинчи боб бўйича хулосалар

Қадимги турк даври (V-X асрлар) туркий халқлар тарихида муҳим сиёсий, иқтисодий ва маданий воқеаларга бой бўлган энг мураккаб давр саналади. Энг муҳими шуки, бу давр туркий тилларнинг тарихий таракқиётида ҳам ўзига хос алоҳида босқич саналади. Биринчидан, бу даврга келиб, турк ва мўғул тиллари бир-биридан тўла ажралиб, алоҳида-алоҳида таракқиёт йўлига ўтди. Иккинчидан, мазкур даврда туркий тилда бир қатор ёзма ёдгорликлар яратилдики, улар қадимги туркий тилни ўрганиш учун энг муҳим манбалар саналди. Қадимги туркий ёзувлар ҳозирги барча туркий тиллар тарихининг энг қадимги даврига оид умумий манба, яъни асос тил саналади. Шунинг учун барча туркий халқлар ва уларнинг тиллари тарихини ўрганишда бу ёзма ёдгорликлар жуда катта аҳамиятга эгадир. Ўрхун-Энасой обидаларининг луғавий қатламини ўрганиш мақсадида ишлаб чиқилган веб-сайт, нафақат, обидалар лексикасини, балки умуман, тош битикларга оид билимларни электрон шаклда ўрганишга ўз ҳиссасини қўшади. Мазкур сайтнинг яна бир афзаллик томони унда ўқиш муддатини ўқувчи ўзи белгилайди, яъни ўрганувчи ихтиёрий пайтда ўқишни бошлайди, материалларни ўқитувчи назоратида ўзлаштиради. *Bitig.uz* сайтида обидалардаги лексик бирликлар мавзуй гуруҳланган ҳолда, битикларда қўлланилиши таҳлилий қиёсланади. Ҳозирги адабий тилимизда ишлатиладиган соф туркий сўзларнинг этимологияси, келиб чиқиши ҳамда истеъмолдан чиқиб кетиш сабаблари илмий асосда кўрсатилади. Шунингдек, ёдгорликлар тилида мавжуд ҳолда, ҳозирги адабий тил таркибида истеъмолдан чиқиб кетган туркий сўзларни қайта тиклаш юзасидан электрон луғатлар яратиш, мобил дастурлар ишлаб чиқиш тавсиялари берилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мобил иловалардан фанларни ўқитишда фойдаланиш профессор-ўқитувчилар ва ўрганувчилар учун кенг имкониятлар очиб беради. Мобил иловалар асосида тадқиқот муассасаларида ўқув жараёнини ташкил қилиш ўқув материалларини фаннинг сўнгги

ютуқлари асосида тезкор тарзда янгилаб бориш билан боғлиқ бир қатор янгиликлар туғдиради. Тадқиқотни мобил иловалар асосида ўқитиш кўпроқ тадқиқотнинг индивидуаллашишига олиб келади. Ўрганувчи ўзининг мустақил изланиши натижасида индивидуал ишлаш қобилияти ривожланади, ўзлаштириш кўрсаткичлари ортади. Мобил иловалар таркибига киритилган назорат ишлари ўрганувчини ўзлаштириш жараёни мониторингини олиб бориши билан амалий аҳамиятга эгадир.



## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Қадимги туркий тил ва унинг лексик қатлами хусусидаги фикрлар, изланишларни умумлаштириб, қуйидагиларни хулоса қиламиз:

1. Қабртошларда бағишлов эгаси бўлган шахсларнинг қилган ишлари, жумладан, туркий халқларни бирлаштириш, ички ва ташқи душманларга қарши курашдаги хизматларга алоҳида эътибор берилади. Табиийки, ҳар учаласида ҳам дабдабали мотам руҳи, йўқотиш изтироби сезилиб туради. Ушбу тошбитиклар биринчи навбатда VI-VIII асрларда Марказий Осиё худудларида юз берган шиддатли тарих воқеаларининг конкрет тақдирлар мисолидаги бадий ифодасидир. Ёдгорликларда акс этган тарихий жараён ўша давр ҳаётидан хабар берса, обидалар тили, лексикаси аждодларимизнинг сўзлашув услуби, адабий тил тараққиётини белгилайди. Ўрхун-Энасой обидалари, бир томондан халқимиз ҳаётининг VI-VIII асрдаги мураккаб тарихини, адабий тилини ҳаяжонли ва таъсирчан лавҳаларда бизга етказиб қолдирган бўлса, иккинчи томондан, улар миллатнинг бирлигини сақлаш, ўзаро аҳилликка даъват этиш воситаси бўлган. Мазкур обидаларнинг тарихий, маърифий ва бадий қийматини шуларда кўриш мумкин.

2. Ўрхун-Энасой ёдгорликларининг топилиши ва ўрганилиши хусусида олиб борилган тадқиқотларга таяниб, обидаларни ўрганиш XVIII асрдан бошланган деган хулосага келишимиз мумкин. Ер юзининг турли минтақаларида ёдгорликларни ўрганиш ҳамон давом қилмоқда. Европа ва Осиё тилшунослари тошбитикларнинг турли томонларини ўрганишган. Ёдгорликларни луғавий жиҳатдан гуруҳларга ажратиб ўрганиш ўша давр маданий, этник ва ижтимоий муносабатларини тўлиқ очиб беради.

3. Қадимги ёзма ёдгорликлар тили VI-VIII асрларга тегишли лексик қатламни ўз ичига олади. Ёдгорликларда қўлланилган лексемаларнинг тарихий ва семантик тараққиёти бевосита кўк тангри дини маданий муҳитига тегишли анъаналар билан боғлиқ. Обидаларда қаҳрамонлар ўзларини кўк фарзандлари, осмон ўғлонлари деб тилга олиши фикримизни далиллайди.

4. Ўрхун-Енасой обидаларида номларни алоҳида мавзулаштириш мумкин. Битиклардаги ономастик бирликларни ўрганиш орқали битиктошлар ёзилган даврнинг ўзига хос маданий ҳаёти, ижтимоий муносабатларини тасаввур қиламиз. Тўнюқуқ, Билгахоқон, Култегин сингари битикларда VI-VIII асрларга оид ҳарбий ва сиёсий муносабатлар кўзга ташланади.

5. Қадимги туркий ёдгорликларнинг барчасида ҳайвон номларига дуч келамиз. Бу ҳолат биринчидан, қадимги халқларнинг тотемистик қарашлари билан боғлиқ бўлса, иккинчидан ҳайвонлар табиатидаги қўрқмаслик, дадиллик халқнинг маънавий ҳаётига таъсир қилган, уларга ўхшашга ҳаракат қилинган. Шу сабабдан ҳам туркий битиклардаги ҳайвонлар номлари билан танишиш туркий халқларнинг ҳали очилмаган эътиқодлари, расм-русмларини англаб олишимизда катта аҳамиятга эгадир.

6. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё минтақасида яшаган қадимги турклар ва бошқа туркийзабон кўчманчи халқлар орасида кенг тарқалган диний эътиқод ва култларни ўрганиш илмий қизиқиш уйғотади. Қадимги турклар сиғинадиган худолар ҳақидаги маълумотлар қадимги туркий руник ёзув ёдгорликлари ва хитой манбаларида мавжуд. Тадқиқотда олиб борган текширувлар туфайли, қадимий турк пантеонининг бир неча худолари Ўрхун руник ёзувлари ёдгорликларида тилга олиниши аниқланди.

7. Ёзма обидаларда учрайдиган топонимлар, яъни жой номлари шу давр халқнинг кундалик моддий, маданий турмуши ҳақида маълумот беради. Топонимларнинг номлари ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмасдан, ўша давр аҳолисининг этник келиб чиқиши ва тарқалиш ҳудудига қараб номланиши тарихий маълумотларни тўлдиради. Шунингдек, топонимлар тадқиқи омоним сўзлар, антоним ва қўшма сўзлар ҳақидаги билимларимизни мустаҳкамлайди. Чунки қадимги туркий тилга оид кўплаб жой номларининг таркиби ўзаро қарама-қарши, маънодош ва қўшма сўзлардан ташкил топган.

8. Обидаларда уруғ ва қабилалар номларини аниқлаш, уларни лексик-семантик томондан таҳлил қилиш учун этимологик кузатишлар олиб бориш

талаб қилинади. Култегин, Билгахоқон, Тўнюқук битикларида этнонимларни ажратишда ҳам этимологик луғатдан фойдаланилди. Тошбитикларда уруғ ва қабилалар номларини ўрганиш аجدодларимизнинг яшаган ва туркий қабилаларнинг тарқалган ҳудудларини аниқлайди. Этнонимларда ҳар бир қабила байроғи, яъни туғи асосида номланиши эса, қадимги туркийларда бошқарув тизимининг юқори даражада такомиллашганидан далолат беради.

9. Бизга халқ оғзаки ижоди намуналаридан маълумки, қадимги аجدодларимиз табиат ҳодисаларига алоҳида аҳамият берган. Аммо фикр юритиш, тахминий сабаблар топиш хусусиятлари ҳозирги дунё кишисида ҳам, аجدодлар дунёқарашига яқин ҳолда сақланиб қолган, дейиш мумкин. Шундан келиб чиқиб қадимги ёзма обидаларда ҳам бундай қарашлар бўлиши керак, ва айнан шу ҳолат қадимги туркий халқларнинг фикрлаши, дунёқарашини ҳақидаги тасаввурларни тасдиқлайди.

10. Обидалар луғавий қатламига оид изланишларимизни электронлаштириш мақсадида яратилган *Bitig.uz* сайти туркийшуносликда мавжуд билимларни янгилашга ёрдам беради. Шунингдек, олий таълим муассасаларида ўқитиладиган “Қадимги туркий тил” фанини масофавий ўқитишда сайтга жойланган илмий адабиётлар, ёдгорликлар топилган ҳудудлар ҳақидаги маълумотлар тадқиқот тизимини инновацион ташкил қилишда қўлланилади.

Умуман, қадимги туркий ёзма ёдгорликлар луғавий таркибини ўрганиш бўйича амалга оширилган ишлар ва чиқарилган хулосалар лингвистик туркология, хусусан, туркий тиллар тарихи учун муҳим илмий-назарий маълумотлар беради.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Ижтимоий- сиёсий адабиётлар:

1. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 бет

2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль, № 28 (6722). - 1-бет

### II. Илмий рисола, монография, дарслик,

#### ўқув ва методик қўлланмалар:

1. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар, Танланган асарлар. 1-жилд. Т.: -Фан, 1968, Б. 235.

2. Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш., Махмудов Қ. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. –Т.: Ўқитувчи, 2008, Б.147

3. Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил, Тошкент: «Ўқитувчи» 1982 йил, -Б.70;

4. Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси. –Тошкент: Фан, 1978. 144 бет.

5. Абдурахмонов А. Туркий халқлар оғзаки ижоди, -Самарқанд, 2006, 97 бет.

6. Абдушукуров Б. Қадимги туркий тил, Тошкент: Навоий университети, 2019, 128 бет.

7. Айдаров Г. Язык орхонских памятников древнетюркской лисьменности VIII века. Алма-ата: Наука, 1971, 380 стр.

8. Айдаров Г. Язык орхонских памятника Бильге-кагана, Алма-ата: Наука, 1966, 96 стр.

9. Айдаров Г, Қурьшжанов Э, Томанов М. Көне туркі жазба эскерткиштерининг тілі, Алматы. Мектеп, 1971, 12-14 бетлар.

10. Аманжолов А.С. Тюркская руническая графика, Алма-ата: Наука, 1980, 180 стр.

11. Азимов И, Раҳматов М, Қадимги туркий тил, Тошкент, Низомий номидаги ТДПУ Ризографи-2005, 134 бет.
12. Аманжолов А.С. История и теория древнетюркского письма, Алмата: Мектеп-2003, 366 стр.
13. Алмаматов М. Тил тарихи дарсларида топонимик материаллардан фойдаланиш // Ўзбек тили ва адабиёти тадқиқоти. 2002. 6-сон. Б.12.
14. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент, Университет-2007, 235 бет.
15. Авлақулов Й. Ўзбек тили ономастик бирликларининг лингвистик тадқиқи. НДА, 76 Тошкент-2012, Б.67.
16. Аширов. А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Тошкент-2007, 89 бет.
17. Батманов И.Л. Язык енисейских памятников древнетюркской письменности, Фрунзе-1959, Б.36.
18. Баскаков, Н.А. Введение в изучение тюркских языков [Текст] / Н.А. Баскаков. – Москва: Высшая школа-1969, 383 стр.
19. Bakker A. Elektron ta'lim - elektron ta'lim tushunchasi tarkibida [elektron. manba]. Kirish rejimi: <http://www.emissia.org/oflayn/2007/1178.htm>.
20. Бартольд В.В. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов [Текст] / В.В. Бартольд. Москва: Вост. Лит-2002, 757 стр.
21. Бартольд, В.И. История изучения Востока в Европе и России [Текст] / В.И. Бартольд. – Л.: Институт исследования живых восточных языков-1925, 318 стр.
22. Баскаков, Н.А. Тюркские языки [Текст] / Н.А. Баскаков. – М.: Издательство восточной литературы-1969, 242 стр.
23. Бобоёров Ғ, «Тун ябғу-хоқон», Тошкент, Абу матбуот консалт - 2011, 49 бет.

24. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари-8. Тошкент, Фан, 1985, 200 бет.
25. Бегматов Э, Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси. Библиографик кўрсаткич (XIX аср охиридан-2008 йилгача эълон қилинган ишлар олинган). Наманган-2008, 168 бет.
26. Бичурин, Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена / Н.Я. Бичурин. - Москва; Л.: Изд-во, 1950, Ч. 1, 231 стр.
27. Ботурхон Волихўжаев. Туркий адабиётнинг қадимий қатламлари, Бешинчи қисм ( kh.davron.uz сайти электрон версияси)
28. Гумилев Л.Н. Древние тюрки [Текст] / Л.Н. Гумилев. – М.: Товарищество «Клышников-Комаров и К»-1993, 551 стр.
29. Гумилев Л.Н. Қадимги турклар, Тошкент, УзРФа, «Фан»,-2007, 89 бет.
30. Ерназаров Т. Ж. Жой номларини таҳлил қилиш муаммолари // Мамлекеттик тил. Оқутулушу жана изилдениши. Ош, 1998. 264-267-бетлар.
31. Закиев М.З. Глубокие этнический корни тюркских народов. Астана-2011. 297 бет.
32. Кононов А.Н. Грамматика языка тюркских рунических памятников(VII-IXвв). Ленинград 1980, Б.18.
33. Қашғарий М, Девони луғатит-турк, 1-жилд, Тошкент, Ўзбекистон ФА нашриёти, I-III жилдлар, 1960-йил, Б. 23.
34. Кляшторный С. Г. Эпоха М.Кашкарского –СПБ-1972, 320 стр.
35. Кляшторный С.Г. История Центральной Азии и памятникирунического письма СПб-2003, С. 69.
36. Кляшторный. С.Г. Тўньюкук-Ашида Юанчжен, Туркологический сборник. Наука. М-1966, 253 стр.

37. Кызласов Л. Р. О значении «балбал» древнетюркских надписей // Тюркологический сборник. М., 1966, 180 стр.
38. Мухторов А. Санакулов У. Ўзбек адабий тили тарихи. Тошкент, Ўқитувчи-1995, 157 бет.
39. Махмудов Н. Раҳмонов Н. Ўрхун-Енисей ёзуви. ЎзМЕ, Тошкент-2005, 131-132 бет.
40. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности [Текст] / С.Е. Малов. – Москва-Издательство АН, 1951, 452 стр.
41. Малов С.Е. Енисейская письменность тюрков [Текст] / С.Е. Малов. – Москва. –Л.: Издательство АН СССР, 1952, 118 стр.
42. Малов С.Е. Уйгурские рукописные документы экспедиции С.Ф.Олденбурга. Записи Инст востоковедение АН СССР, т.И.-Л 1931, 129-149 стр.
43. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент-Ўқитувчи, 1 бўлим, 1965, 659 бет.
44. Мелиоранский. П.М. Памятник в честь Кюль Тегина/ П. М. Мелиоранский. – Санкт-Петербург : Тип. Имп. Акад. наук, 1899, 145 стр. –Режим доступа: по подписке. URL: <https://biblioclub.ru/index.php?page=book&id=98941> (дата обращения: 03.10.2021). – ISBN 978-5-4460-6204-1. – Текст : электронный
45. Nafasov T. O‘zbekiston toponimlarining izohli lug‘ati.Toshkent-O‘qituvchi,1988, 288 bet.
46. Najir A.H. Исследования по истории тюркских языков XI-XIV вв.- Москва.: -1989, 3 bet.
47. Неделяев В.М. Чтение Орхоно-енисейского знака э и этимология имени Тоньюкук. Москва-1963, С. 78.
48. Orkun H.N. Eski turk yazitlari, I-IV, Istanbul, 1936-1941; см. рецензию С .Е. Малова на эту работу, - ВДИ, 1948, 2, С.123-124.

49. Раҳмонов Н, Матбобоев Б. “Ўзбекистоннинг кўҳна-рун ёзувлари” Тошкент, Фан-2006, 65 бет.
50. Rahmonov N, Sodiqov Q. O'zbek tili tarixi. Тошкент-2009, 223 бет.
51. Rahmonov N. «O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi» darslik Toshkent, O'zMU-2014, 225 bet.
52. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили луғатининг туркий қатлами. Тошкент-Университет, 2001. -350 бет.
53. Sodiqov Q, Omonov Q. O'zbek tilining yozma uslublari tarixidan Toshkent-2010, -369 bet.
54. Содиқов Қ. Ески туркий матнлар, Тошкент-2009, -Б.34.
55. Содиқов Қ. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилининг юзага келиши ва тикланиши. Тошкент-2006, -Б.141.
56. Содиқов Қ, Омонов Қ. Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан Монография, Тошкент-2010, -192 бет.
57. Серебренников Б.А, Гаджиева Н.З. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков [Текст] / Б.А. Серебренников, Н.З. Гаджиева. – Москва-Наука, 1986. – 301 стр.
58. Стеблева И.В. Поэзия тюрков VI–VIII веков [Текст]/И.В. Стеблева. – Москва-Наука, 1965. – 148 стр.
59. Стеблева И.В. Поэтика древнетюркской литературы и ее трансформация в раннеклассический период [Текст] / Москва-Наука, 1976. – 214 с.
60. Ташағил А. Туркий қағанатдағы адами қундилиқтар. Туркий халқтарининг тарихий ойи. Тарихий адамзат ақил-ойининг хазинаси: он томдиқ-Астана -2006. Том.10, -Б. 36.
61. Тенишев Э.Р, Гаджиева Н.З, Серебренников Б.А. Сравнительноисторическая грамматика тюркских языков. Лексика [Текст] // Москва-Наука, 2001. 824 с.



62. Йўлдошев Р, Примов А, Йўлдошев Ш. Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси, Урганч-2012, -Б. 30.
63. Умаров Э. Ўрхун ёзуви, Тошкент-2013, -Б. 41.
64. Умаров Э. Ўрхун алифбоси қандай тузилган, Тошкент-2013, -Б.19.
65. Щчербак А.М. “Тюркская руника” СПб, Наука-2001, 152 стр.
66. Ядринцев Н.М. Древние памятники и письма в Сибири. - Санкт-Петербург, 1885, -С. 456-476.
67. Қажумов А. Қадимият обидалари. Тошкент-Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, 156 бет.
68. Qosimova K va boshqalar, Ona tili o'qitish metodikasi. T-2009, 23-25 betlar.

### **III. Мақолалар, конференция материаллари;**

69. Атамурадов Ж.Ж. Масофавий таълимда мобил иловалардан фойдаланиш. Амалий математика ва ахборот технологияларининг замонавий муаммолари. 2021 йил, 15 апрель. 441-443 бетлар.
70. Базылхан Напил. Древнетюркские письменные памятники казахстана. Казахстан-2019, -11 бет. Old-Turkic inscriptions in Kazakhstan. Google scholar/http.
71. Дадабоев Н. Қадимги туркий ёдгорликлардаги атамалар ҳақида. Адабий мерос –Тошкент-1998.-№2. 12-16 бетлар.
72. Erhan Aydin. Osman fikri Sertkaya ve turk runic metinleri. Electronic journal of oriental studies. Vol. IX, No. 10. Academia. –Б.14.
73. Еренғайып Қуатайұлы. Ақ жол Қазақстан. №39(60) 26.09.03, 8-9 бб .adebiportal.kz. Adebiportal@gmail.com 8 (7172) 79 82 06 (ішкі – 112)
74. Умаров Э. Ўрхун ёдгорликлари сири, Тил ва адабиёт таълими. Тил ва адабиёт таълими журнали. 2013-йил 2,8-сонлар, -Б.47.
75. Жўрақўзиев Н, Культигин битиктошида олам ҳақидаги тасаввурлар, Ўзбек тили ва адабиёти. № 1, 2012, 48-50 бетлар.

76. Mehmet Ölmez. Eski Türk yazıtlarındaki eşük, kedimlig ve teve Üzerine. Türk Dilleri Araştırmaları 18. (2008): -Б. 333-340.
77. Наурызбай С.Т, Орхон-Енисей ескерткиштериндеги антропонимдер, Қазақ емлекеттик қыздар педагогикалық университетиниң Хабаршысы, №4, 2018, -Б. 37.
78. Nazirova E.SH. Muhammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti «Оммавий очик онлайн курсларини яратиш назарияси ва амалиёти» мавзусида Республика илмий-амалий онлайн интернет анжумани материаллари.» Oliy ta'lim muassasalarida ochiq ta'lim resurslaridan foydalangan holda o'quv jarayonini tashkil etish modellari. Урганч давлат университети, Урганч-2020 йил, 22 май. 114 бет.
79. Қиличов Назарбой, «Олтун ёруғ»даги антропонимлар тавсифи, «Ўзбек тили ва адабиёти» № 2, 2019, 104-106 бетлар.
80. Қулжанова. Б.Р, Көне турки мураларындағы ел бирлиги, мемлекет тутастығы идеясы («Орхон» және «Қутадғу билиг» материалдары бойынша), Bulletin KazNU. № 2, 2012, 30-35 бетлар.
81. Сулейманова Ж.Д, Көне турки мәдени жәдигерлериндеги адам концептисининг мәдени антрологиялық мазмуны, ҚазҰУ, Философия сериясы, №1, 2011, 154-156 бетлар.
82. Сәдібеков. А.К., Көне турки жазба ескерткиштериндеги архетиптик педагог элементтери, Turkologia, № 4, 2020, -Б.120.
83. Sodiqov. Q. «Bilga To'nyuquq bitigi».«O'zbekiston adabiyoti va san'ati» gazetasi, 2012 yil, 2-son, -Б 6.
84. «Тафаккур» журналы, Тошкент-2008, 1-сон, -Б. 53.
85. Tog'ayev T, «Turkiy yozma yodgorliklar tilidagi ayrim so'zlarning o'zbek shevalarda qo'llanishi», «Олтин битиклар», Navoiy-2019, № 3. –Б.50. [researchagate](#).
86. «Шарқ юлдузи» журналы, 2018 йил, 2-сон, 45-78 бетлар.

87. Xolnazarov A, Qadimgi turkiy til va hozirgi o'zbek adabiy til morfologiyasidagi farqli tomonlar, «Школа науки» №1, январь 2020, -Б 61.
88. Хамидов Ё. Ё. Та'lim samaradorligini oshirishda elektron ta'lim resurslarining o'rni / Ё. Ё. Хамидов. - Текст : непосредственный // Молодой ученый-2019.-№21(259).-С.611-612. -URL: <https://moluch.ru/archive/259/59591/> (дата обращения: 25.07.2021).

#### **IV. Диссертациялар ва диссертация авторефератлари**

89. Акилова М.Ф. «Фонетические и лексико-грамматические особенности башкирского языка в контексте влияния орхоно-енисейской письменности» дисс.работа, Уфа-2015, стр-13.
90. Айдаров, Г. О языке памятника Тоньюкук и его отношение к некоторым современным тюркским языкам [Текст] / Г. Айдаров: автореф. дисс. канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1959. – 25 с.
91. Аманжолов А. Материалы и исследования по истории древнетюркской письменности. Автореферат дис. Д-ра филол. Наук-Алма-ата, 1975. –С. 124.
92. Аширалиев С. Структурно-семантические особенности простого предложения в прозаических произведениях Алишера Навои. Автореф. дис. канд. филол. Наук. Ташкент, 1990, -С. 33.
93. Базарова Д. Семантика наименований частей тела и производных от них в тюркских языках. автореф. дис. канд. филол. Наук. Ташкент, 1967, С.16.
94. Лосева-Бахтиярова Т. Военная лексика тюркских языков. Автореф. дис. канд. филол. Наук. М, 2005 -С.78.
95. Раджапов А. Язык орхона-енисейских памятников древнетюркской письменности. Автореф. дис. канд. филол. Наук. Баку, 1967.

96. Қлычев Н. «Қадимги туркий тил лексикаси тараққийет тамойиллари» ( «Олтун ёруғ» асари мисолида) номли Филология фанлари буйича фалсафа доктори (Phd) даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. Урганч 2020. 52 бет.

97. Хабибуллина З.А. Лексика современного башкирского языка в сравнении с языком древнетюркских письменных памятников[Текст] / А.Ш. Тагирзаде: автореф. дис. канд. филол. наук. – Уфа, 2004. – 25 стр.

#### **V. Луғатлар:**

98. Бегматов Е., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси атамаларининг изоҳли луғати. Н-2006. 103 бет.

99. Бекмухамедов Х.Й. Тарих атамалари изоҳли луғати. Т.,Ўқитувчи-1977. 184 бет.

100. Древнетюркский словарь. Л.: Наука, 1969. – 677 с.

101. Кошғарий М. Девону луғотит-турк. 1-жилд. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталибов. –Тошкент: ЎзФАН, 1960. – 499 б.

102. Кошғарий М. Девону луғотит-турк. 2-жилд. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталибов. –Тошкент: ЎзФАН, 1961. – 427 б.

103. Кошғарий М. Девону луғотит-турк. 3-жилд. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталибов. –Тошкент: ЎзФАН, 1963. – 466 б.

104. Ўзбек тилидаги арабча ва форсча сўзлар луғати, Тошкент, Ўқитувчи-1996.

105. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002-2006 – 1-12 ж.

106. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1- жилд. – Тошкент: Ўзбек миллий энциклопедияси, 2006. – 680 б.

107. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2- жилд. – Тошкент: Ўзбек миллий энциклопедияси, 2006. – 688 б.

108. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3- жилд. – Тошкент: Ўзбек миллий энциклопедияси, 2006. – 602 б.

109. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4- жилд. – Тошкент: Ўзбек миллий энциклопедияси, 2008. – 602 б.
110. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5- жилд. – Тошкент: Ўзбек миллий энциклопедияси, 2008. – 592 б
111. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Биринчи том. М., Рус тили, 1981. 631 б.
112. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Иккинчи том. М., Рус тили, 1981. 715
113. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. 1-жилд (туркий сўзлар). – Тошкент, 2000. – 600 б.
114. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. 2-жилд (араб сўзлар ва улар билан ҳосилалар).–Тошкент, 2003.–600 б.
115. Севортян Э.В. Этимологический словарь (Общeturкские и межтуркские основы на гласные). – М.: Наука, 1974. – 767 с.
116. Тугужекова В.Н. Кызласов Игорь Леонидович // Энциклопедия Республики Хакасия — Абакан, 2007. – 335 стр.


#### **V. Интернет материаллари, электрон ресурслар:**

123. [http:// www.rusnauka.com](http://www.rusnauka.com)
124. <http://dic.academic.ru>
125. <http://dissercat.com/content>
126. <http://slovari.yandex.ru>
127. <http://fermeruz//uz>


# ИЛОВАЛАР




1- илова



2- илова




3- илова




4- илова




5- илова



6- илова



7 -илова




8 -илова




9 -илова






10 -илова




11 -илова




12 -илова



13- илова




14 илова



15- илова




16- илова



17 -илова



18 -илова



19 -илова



20 -илова

Таңбаны пернетақтадан тергенде, латын әріптерімен төменде көрсетілген сәйкестікті пайдаланыңыз.

B	ð	C	ʎ	D	ᄀ	F	ᄁ	G	Ɔ	J	ᄃ	K	ᄄ	L	ᄅ	N	)	O	⊕
Q	ʎ	R	ᄆ	S	ᄇ	T	ᄈ	U	ᄉ	V	ᄊ	W	ᄋ	X	ᄌ	Y	ᄍ	a	ᄎ
b	ᄏ	c	□	d	×	g	ᄑ	i	ᄒ	j	ᄓ	k	ᄔ	l	ᄕ	m	ᄖ	n	ᄗ
p	1	q	ᄘ	r	ᄙ	s	l	t	h	u	ᄛ	w	ᄜ	x	ᄝ	y	ᄞ	z	ᄟ

21 -илова